

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Б.Тўхлиев, Ш.Юсупова, З.Райимбердиева

**“ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ
ТИЛИ” ДАРСЛАРИДА
ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ
ШАХС ТАРБИЯСИ**

Тошкент – 2010

АННОТАЦИЯ

Юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалиётга татбиқ этилди. Дастурда кўрсатилганидек, умумий ўрта таълим мактаблари ва касб ҳунар коллежлари, академик лицейларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, таълим мазмуни такомиллаштирилди, янги дастур, дарсликлар яратилди, ўқитувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш амалга оширилди.

Бугунги кунда эса юқоридагиларга мос равишда тарбия мазмунини ҳам тизимли йўлга қўймоқ мақсадга мувофиқдир. Ана шу мақсад йўлида муаллифлар олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари маънавий- маърифий ишларининг юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш дастури асосида “Ҳозирги ўзбек алабий тили” дарсларида “ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ШАХС”ни тарбиялашнинг тизимли методини ишлаб чиқдилар ва уни амалиётга жорий этиш усулларини тақдим этишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар.

Мазкур амалий ишлар академик лицейларнинг 1-босқич талабалари учун мўлжалланган бўлиб, ундан ўқитувчилар, тадқиқотчилар, олий ўқув юрти талабалари фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари номзоди,
доцент **В.Қодиров.**

Тақризчилар:

социология фанлари доктори **К. Юнусов,**
доцент **Б.Раҳмонов**

Ушбу услубий қўлланма З.М.Бобур номидаги АДУ Илмий кенгашининг 2009 йил 7 апрелдаги қарори билан нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Таълим-тарбиянинг асосий вазифаларидан бири комил инсонни тарбиялашдан иборат. Шунинг учун ҳам шахс ривожда таълимнинг энг мақбул йўналишини белгилаб олиш, шу билан бирга, таълимга мос равишда тарбия йўналишларини ҳам уйғун ҳолда олиб бориш муҳим роль уйнайди. Чунки маънавий тарбияга хизмат қилмаган таълим “сувсиз тегирмон” дир.

Ўқитувчининг чуқур билим ва тафаккурга эгаллиги, методологик билимдонлиги ундаги касбий маданиятнинг, шунингдек, маънавиятнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ўқитувчининг бу борадаги савияси ўқувчига ҳам таълим, ҳам тарбия бериш ва уни шахс сифатида шакллантириш мақсадларига эришишда алоҳида аҳамият касб этади.

Демократик жамиятда таълимнинг ижтимоийлашувини тўғри йўлга қўйиш натижасида шахс ўз-ўзини англайди ва ўз қобилиятини ижодий мулоҳаза қилиб кўради. Чунки юксак маънавиятли шахс бўлиши учун у оламдаги нарса-ҳодисаларни билишгина эмас, балки жамиятда юз бераётган ўзгаришларнинг моҳиятини ҳам, мазмунини ҳам англай олиши зарур. Зеро, шахс улардан жамият тараққиёти йўлида оқилона фойдалана олиш даражасига кўтарила олгандагина комилликка эришади. Комил инсон-юксак маънавиятли шахсдир. Бундай кишилар иқтисодий, маънавий, сиёсий ислохотларнинг моҳиятини тушуна олади, ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо қилишга, унга ҳисса қўшишга ўзида куч топа олади. Президентимиз баркамол авлодни камол топтиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиз эканлигини бундан бир неча йиллар олдин таъкидлаб ўтган эдилар.

Республикамызда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, юксак маънавиятли шахслар тарбиялашнинг янги тизимини барпо этиш, юрт келажаги учун баркамол, етук, салоҳияти юксак авлодни тарбиялаш ҳозирги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Шу боис, юксак маънавиятли шахс моделини яратиш, уни амалиётга жорий этиш муҳим вазифалардан биридир. Чунки ҳар қайси жамият ўз истиқболини ҳар томонлама уйғун ҳолда камолга етган шахс, баркамол авлодсиз таъминлай олмайди.

“Қадимги аждодларимиз, комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар”, –дея тўғри таърифлаган эди

Президентимиз. Бу фикрнинг исботини Абдулла Авлонийнинг миллий тарбиямизнинг моҳиятини ўзида мужассам этган “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”асари мисолида кўришимиз мумкин. Авлоний тарбиянинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилайди:

А) вужудни қувватлантириш; б) фикрни нурлантириш; в) ахлоқни гўзаллаштириш; г) зехнни равнақлаштириш.

Қомусий олим Абу Наср Фаробий ҳам “... инсонлар ўзини-ўзи билмайди, ҳар бир инсон аввало ўзининг ўзлигини билиши лозим. У хато-камчиликларини, жоҳил феъл-атворларини тuzатсагина фозиллик даражасига, яъни ҳақиқий инсон даражасига кўтарила олади. энг юксак камолот ва бахт-саодатга эришади”,- дея уқтирган эдилар. Шахсни бирлаштирувчи бошланғич асос-инсонийлик ҳисобланади. Бундай муҳим белгини таълим жараёнида қўшалоқ олиб бориш замон талаби. Шу боис ажодларимиз бундан бир неча асрлар олдин ҳар бир шахснинг маънавий олмини ўрганиш зарур масалалардан бири эканлигини уқтирган эдилар. Фаробийнинг фикрича, “Фозил жамоанинг ҳар бир аъзоси фозил, яъни ҳақиқий инсон бўлиши лозим. Инсон ҳам табиий жонзот, ҳам ижтимоий мавжудот. Битта инсон танасида икки олам сир-асрорлари мужассам, яъни унда ҳам табиий-биологик хислатлар, ҳам ижтимоий сифатлар ва фазилатлар мавжуд, шу билан биргаликда, инсондаги инсонийлик ва ҳайвонийлик хислатлари қоришиб кетган, ана шунинг учун ҳам одамлар жамиятда ижтимоий муҳит таъсирида жоҳил ёки фозил кишиларга айланадилар¹.”, яъни фозил киши жамият ривожига, давлат равнақига ўз ҳиссаларини қўша олади. Бундай фозил кишиларнинг маънавияти-инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, ифодасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир². Шу боис таълим жараёнида таълим ва тарбия уйғунлиги тамойилини кенг йўлга қўйиш. “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарсларида ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШ йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш, баркамол инсонларни тарбиялаш долзарб масаладир.

Юртбошимиз маънавиятни шакллантирувчи омиллар ҳусусида

1 Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри.-Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси. 186-б.
2 Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч.-Т.: Маънавият. 2008. 19- б.

фикр юритар экан, таълим-тарбия тизими ҳақида алоҳида тўхталади. Кўзланган мақсадга эришиш учун таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади. Зеро, “таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди-бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси”¹.

Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади². Шу маънода, тил таълими маънавият тарбиясининг бош омили саналади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги Қонунлари ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»га мувофиқ янгиланган педагогик тафаккур она тили таълими олдига янгича талабларни қўймоқда. Хусусан, академик лицейларда “Ҳозирги ўзбек адабий тили” фанини ўқитишнинг бош мақсади ёшларимизни ижодий фикрлашга, ўз фикрини эркин ва таъсирли қилиб ёзма ва оғзаки шаклда ифодалашга, ўзбек тили қонун-қоидаларини онгли ўзлаштиришга ҳамда назарий билимлардан ўринли ва тўғри фойдалана олиш кўникмасини ўстиришга, фикр доирасини кенгайтиришга, Ватанимизга, миллий анъаналаримизга, бой маънавиятимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилган.

Маълумки, дастурда кўрсатилган назарий билимлар, муайян кетма-кетликда, тизимли асосда ўқитилади, яъни таълимий мақсад амалга оширилади. Бироқ, дарсдан кўзланган тарбиявий мақсад иккинчи даражалигича қолмоқда. Модомики, таълим ва тарбия бирлигига эришиш ҳамда юксак маънавиятли шахсни камол топтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўяр эканмиз, бизнингча, дарснинг тарбиявий мақсади мундарижасини аниқлаштириб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Биз шу кунгача она тили дарсларида тарбиявий мақсадга эришилмаган ёхуд назарда тутилмаган деган даъводан йироқмиз. Фақатгина дарснинг тарбиявий йўналиши тизимли асосда мақсадли ташкил этилмаганлигига урғу бермоқчимиз. Бизнингча, тил таълимидаги ушбу камчиликларни бартараф этиш учун, дастлаб, юксак маънавиятли шахс тарбиясини амалга оширишнинг мундарижаси ва йўналишларни белгилаб олиш даркор.

Маълумки, маънавият фақат инсонгагина хос руҳий ҳолат бўлиб, жамият, давлат, миллат, шахс ривожланишининг ва

3 Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008, 62- б.

4 Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008, 83- б.

камолотининг асосий омилидир. Шу маънода, маънавият инсоннинг таваллудидан то умрининг сўнгигача мунтазам ривожланиб, бойиб, такомиллашиб борадиган ҳаётий жараёндир. Шахс такомилининг ҳар бир босқичида унинг маънавиятини юксалтириб боришнинг ўзига хос йўналишларини белгилаш ғоятда муҳим. Маънавий тарбия мундарижасини белгилашда шахс ривожининг физиологик, психологик, педагогик хусусиятларини ҳам эътиборга олиш зарур. Шу билан бирга маънавият тарбияси йўналишлари ва мазмунидаги узвийлик ва узлуксизликни ҳам назардан қочирмаслик керак. Яъни, таълимнинг қуйи бўғинида олинган тарбия кейинги босқичда айнан такрорланмасдан, мазмунан бойитилиши ва ўқувчи ёшига мос йўналишлар билан мураккаблаштирилиб, такомиллаштириб борилиши лозим. Юқорида таъкидланган тамойилларга асосланган ҳолда академик лицейларнинг 1-босқичида **ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ БАРКАМОЛ ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШ**ни қуйидаги йўналишларда олиб бориш мақсадга мувофиқ:



Юксак маънавиятли шахс тарбиясини юқорида тавсия этилган йўналишлар бўйича тизимли асосда ташкил этиш учун дарснинг таълимий ва тарбиявий жиҳатларини ўзаро мувофиқлаштириш зарур. Бунинг учун биз “матнли ўқитиш технологияси” дан фойдаланишни маъқул деб топдик.

Маълумки, она тили дарсларида, асосан, машқлар тизимидан фойдаланилади. Машқларда кичик-кичик матнлар, айрим грамматик ҳодисаларни ўзида акс эттирган боғланишсиз гаплар берилади. Улардан кўзланган асосий мақсад ўрганилган грамматик билимларни машқ шартига кўра амалда қўллаш ёки ажратишдир. Бундай терма гаплардан тузилган машқларни боғланишли матнлар билан алмаштириш фойдалироқ бўлади. Чунки назарий жиҳатдан лисоний ҳодисалар матн таркибидагина яхлит бир организм сифатида мавжуд бўлади. Уларнинг ўзига хосликлари, имкониятлари матн таркибидагина яққол кўринади. Амалий томондан эса матн мавзуга оид, шу билан бирга, аввалги дарсларда эгалланган билим ва кўникмаларни ривожлантиришга оид грамматик топшириқларни бажариш учун тажриба объекти вазифасини бажаради. Тарбиявий жиҳатдан қаралганда эса муайян ғоя, фикр матн таркибидагина ўзининг мантиқий ечимини топади. Шу тариқа дарсда эришилиш талаб этиладиган мақсадларни яхлит механизм сифатида уйғунлаштиришга муваффақ бўлинади.



“Ҳозирги ўзбек адабий тили” (академик лицейларнинг биринчи босқичи учун) дарслигида ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига оид маърифий ва тарбиявий характердаги матнлар берилган. Муаллим бу матнлар устида ишлаш жараёнини методик жиҳатдан оқилона ташкил эта ола талабанинг ҳар томонлама тақомилини амалга ошира олади. Ушбу рисолада эса дарсликка кўшимча тарзда муайян тарбиявий мақсадга йўналтирилган, ўқув дастуридаги мавзуларнинг таълимий мақсадига мувофиқлаштирилган ва тил таълимида кўзда тутилган умумий

ривожлантирувчи мақсад амалиётини таъминлашга асосланган матнлар тавсия этилмоқда. Юқорида тавсия этилган ҳар бир йўналишнинг моҳияти ва зарурияти изоҳлаб ўтилди. Уларни амалга ошириш йўллари эса амалий тавсиялар шаклида технологик хариталарда акс эттирилди. Чунки, ҳар бир машғулотнинг муваффақияти уни олдиндан яхлит ҳолда тасаввур этиш, аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижага эришишнинг технологиясини олдиндан пухта лойиҳалаштиришга боғлиқ. Технологик харитани тузиш мураккаб жараён бўлиб, бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, муайян фан методикаси, педагогик ва ахборот технологияларидан хабардор бўлиши зарур. Муваффақиятли тузилган технологик харита ўқитувчини ҳар бир синф ёки гуруҳ учун алоҳида дарс ишланмаси ёзишдан халос этади. Негаки, технологик харитада дарс жараёнининг барча жабҳалари, ўқитувчи ва талаба фаолиятининг барча қирралари ўз аксини топган бўлади. Фақатгина ўқитувчи дарс ўтиладжак синф ёки гуруҳнинг умумий савияси, тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда таълим воситалари мазмунини (матн, савол ва топшириқлар) солдадан мураккабга қараб ўзгартриши мумкин. Бунинг учун харитага мураккаблик даражасига кўра фарқланувчи бир мавзу доирасидаги камида уч вариантдаги савол ва топшириқлар илова қилинса kifoya. Бугунги кунда таълим тизимига давлат сисъати даражасида қаратилаётган эътибор, хусусан, таълимнинг урта бўгини бўлавиш академик лицей ва касб-хунар коллежлари моддий-техник базасининг мавжуд имкониятларини ҳисобга олсак, яратилган бундай шароитдан оқилона фойдаланмаслик, қадрига етмаслик мумкин эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, муҳғарам Президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асари нафақат ўқитувчининг, балки талаба-ўқувчиларнинг ҳам доимий ҳамроҳига айланишига эришиш лозим. Хусусан, “Ҳозирги ўзбек адабий тили ” дарсларида ушбу асардан дарслик билан бирга мунгазам фойдаланиш самарали натижа бериши муқаррар.

1-йўналиш

Маънавий тушунчасининг мазмун-моҳиятини сингдириш **Мавзу: Ҳозирги ўзбек адабий тили” фанининг мақсад ва** **вазифалари. Утилганларни такрорлаш**

Инсоннинг маънавий олами — жуда нозик, серқирра ва мураккаб дунё. Ушбу оламни бойитиб бориш учун хоҳиш-истакнинг ёки давлат миқёсида соҳага оид фармон, қарор қабул қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Уни юксалтириш учун йиллар давомида мунтазам ва сабр-тоқат билан мафкуравий, тарбиявий, маърифий иш олиб бориш, амалий чора-тадбирлар, ҳаётий ўзгаришлар жорий этиш тақозо қилинади. Бу жараён жамиятнинг ҳар бир узвида тизимли олиб борилиши зарур ва инсон таваллудидан то умрининг охиригача давом этувчи узлуксиз жараён бўлишига эришиш лозим. Шу ўринда шахс маънавиятини шакллантиришда таълим тизимининг аҳамияти беқиёс эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Баркамол шахсни тарбиялашни мақсад қилиб қўяр эканмиз, энг аввало, “маънавий нима?” деган савол устида атрофлича фикр юритмоғимиз, ўқувчиларни ҳам мушоҳадага чорламоғимиз керак. Шунинг учун “Ҳозирги ўзбек адабий тили” фанига кириш дарсидаёқ маънавий тушунчасининг мазмун-моҳияти, қамрови хусусидаги мавжуд тасаввурларни аниқлаштириш ва умумлаштириш ҳамда берилган маърифий матн орқали бойитиш назарда тутилади.

Мавзу: “Ҳозирги ўзбек адабий тили” фанининг мақсад ва **вазифалари. Утилганларни такрорлаш**

Машгулотнинг технологик харитаси

Дарснинг мақсади	Таълимий: фанининг мақсад ва вазифалари билан таништириш. Тарбиявий: маънавий тушунчасининг мазмун-моҳиятини сингдириш. Ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини устириш ва фикрнинг оғзаки эркин баён этиш кўникма-тарини шакллантириш.
Дарс тури	Такрорлаш
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Ўқитиш усуллари: оғзаки баён, савол-жавоб, “5х3”, “Бу бизники”.
	Ўқитиш шакллари: ялпи, яқка, гуруҳларда ишлаш.
	Ўқитиш воситалари: проектор, слайдлар, флипчарт, маркер.
	Мониторинг ва баҳолаш: оғзаки ва ёзма назорат, раёбатлантириш, 5 баъли тизимида баҳолаш.

Ишлаш босқичлари, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Фан ва мавзуга кириш (15 дақиқа)	<p>1.1. Ўқув фани номини айтади. Экранга курснинг мундарижасини ташкил этувчи мавзулар рўйхатини чиқаради ва уларга қисқача таъриф беради. (1-илова)</p> <p>1.2. Мавзу, биринчи машғулотнинг мақсадини айтади.</p> <p>1.3. Талабаларнинг bilimларини жонлаштириш ва барчанга фаоллаштириш учун муаммолни савол билан мураккаб этади: <i>Маънавиятни сиз қандай тушунасиз? ва ушбу саволга "3x3" усулида жавоб бериш шартлигини таъкидлайди. "3x3" технологияси қондалари билан таништиради (2-илова), ўқитқиларга бўлинишларини тақдир қилади, яққа тартибда уйлашни ва биргаликда мувоқама қилиб жавоб беришни айтади.</i></p>	<p>Тинглашади, куришади.</p> <p>Тинглашади.</p> <p>Ўқитқилка бўлинишади, уйлашади, мувоқама қилинади, бир-бирининг фикрига муносабат билдиришади, фикрларини умумлаштиришда ва ушбу жавобни танлаб олинади.</p>
2-босқич. Асосий (55 дақиқа)	<p>2.1. Экрanga "Маънавият нима?" таърифий матнини чиқаради ва ўқиб беради. (3-илова)</p> <p>2.2. Мати мазмуни юзасидан фикрларни йўналтирувчи савол ва тoшириқлар билан мураккаб этади(4-илова)</p> <p>2.3. Дарсини таълимий мақсадини амалга ошириш мақсадида мати асосида грамматик тoшириқлар беради. (5-илова). "Бу билганики" таълимий усулини утқилади. (6-илова)</p>	<p>Куришади, тинглашади. Фикрлашади, класстер тузишади, муносабат билдиришади, жавоб беришади.</p> <p>Тoшириқларини бажаришади, гуруҳларга ажратишади, ёзади ва ўқиб берадилар.</p>
3-босқич. Якувий (10 дақиқа)	<p>3.1. Мавзу бўйича якувийдаги худосел қилади, фаолият натижаларини шайликлда шoҳлаб беради, баҳолайди.</p> <p>3.2. Ўқувчилар тушулмаган айрим жиқатларга саволларга жавоб бериш орқали аниқлик киритади.</p> <p>3.3. Мустикади шилаш учун уш вазираси беради: "Жамият ва маънавият" мавзусида ижодий ишчи ёзиш</p>	<p>Тинглайди, худосел чиқаради</p> <p>Саволлар берадилар.</p> <p>Мустикади иш учун ишчи мавзусини ёзиб олади.</p>

1-илова

“Ҳозирги ўзбек адабий тили ” фанининг мундарижаси

№	Бўлимлар	Ўрганилиш объекти
1	Фонетика ва фонология	Нутқ товушлари системаси, товуш алмашишини ва узгартириш, бўғин ва уруғ, уларнинг турлари, фонема ва уларнинг ўзаро муносабати ўрганилади.
2	Орфоэния	Нутқ бирликларининг талаффуз меъёри ва қондалари ўрганилади.
3	Графика	Ҳарф, алифбо, ҳарф ва фонема ўртасидаги муносабат, ҳарфларнинг ёзилиш шакллари, турлари, хусусиятлари, сўзлардаги ўрни ва улар йфдалаган товушларининг хусусиятлари каби масалалар ўрганилади.
4	Орфография	Сўз ва унинг маъноли қисмларини турри ёзиш қондалари ўрганилади.
5	Лексикология	Лексема, лексик маъно, лугавий бирликларининг семантик тузилиши, шайқ ва маъно муносабатида қўра типлари ўрганилади.
6	Фразеология	Фразеологизм, фразеологик маъно, фразеологик бирликларининг шайқ ва маъно муносабатида қўра турлари ўрганилади.

7	Лексикография	Дуфат ва унинг тиллари, дуфат тузиш асослари билан боғлиқ бўлган масалалар урганилади
8	Морфемика	Морфемд, унинг турлари, сузининг морфемик тузилиши каби масалаларга эътибор қаратилади.
9	Сўз ясалishi	Сўз ясалishi структураси, сўз ясаи усуллари ҳақида маълумот берилди.
10	Грамматика-морфология ва синтаксис	Сўз туркумлари, грамматик шакл ва грамматик категориялар, сўз бирикмаси, гап ва йирик синтактик бириклар урганилади.
11	Пунктуация	Пунктуация асослари ва тамойиллари, тиниш белгилари ва уларнинг ишлатилиш қоидалари ҳақида фикр қилинади.

2-илова

“3x3” технологияси қоидалари

Ушбу усул ҳамкорликдаги фаолият бўлиб, талабаларни муаммоли савол устида фикрлаш, бир неча жавоб вариантларини шакллантириши ва муайян шаклда ифодалашга йўналтиради.

-талабалар уч кишилик гуруҳларга бўлинадилар



-ўқитувчи ўртага муаммоли савол ташлайди



-талабалар савол юзасидан ўзаро фикр алмашидилар ва бир неча жавоб вариантларини топадилар



-топилган жавоб вариантлари орасидан савол моҳиятини тўлароқ аке эггирувчи учтасини танлаб оладилар



-ўқитувчининг таклифи билан ҳар бир гуруҳ уз жавобини ўқиб энигтиради



-зарур ўринларда қўшимча изоҳ талаб қилинади



-барча жавоблар умумлаштирилиб, ўқитувчи иштирокида хулосаланади.

3-илова

Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламиини бойитадиган, унинг ниймон, иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган ва ижодини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан.

И.А.Каримов

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV сессиясидаги
“Ўзбекистон XXI асрга интиломда” маърузасидан

Маънавият нима?

“Маънавият — инсоннинг руҳиятини, унинг ўз-ўзини англаши, диди, фаросати, адолат билан разиликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан хунукликни, вазминлик билан жоҳилликни ажрата билиш қобилиятини, ақл-заковатини, юксак мақсад ва гоъларни қўя билиши, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидир”, — деб таъриф беради юртбошимиз.

И.А. Каримов тўғри таъкидлаганидек, маънавият — тақдирнинг эҳсоли эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Маънавият инсон туғилишида она сути, унинг алласи, меҳри, аждодлар қадриятлари таъсири остида шаклланади. Унинг шаклланишида оиладаги муҳит, жамиятдаги ҳамжиҳатлик, давлат олиб борадиган сиёсатдаги адолатпарварлик ва инсонпарварликнинг қай даражада амал қилиниши асосий ўринни эгаллайди.

Маънавиятнинг моддий кучга айланиши ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракатларида, ўз оиласи, миллати ва Ватанига бўлган муносабатларида намоён бўлади. Юқорида айтганимиздек, унинг шаклланишида ота-она, инсон яшайтган атроф-муҳит, миллий, диний қадриятлар, жамиятдаги инсонпарварлик ва адолатпарварлик сиёсати муҳим аҳамиятга эга.

Одам ота-онадан туғилади, аммо унинг ахлоқи, одоб борасидаги фазилятлари, яъни маънавий дунёси жамиятда, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабатлар таъсирида шаклланади. Инсоннинг маънавий олами, асосан, ижтимоий тараққиётнинг маҳсули бўлса ҳам, у ўз навбатида, жамият тараққиётига ниҳоятда катта таъсир кўрсатадиган омиллардан бири саналади. Одамларда ахлоқ, одоб, имон, виждон, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, байналмилаллик, инсонпарварлик, эътиқод, ватанпарварлик, миллий ва инсоний гуруҳ тўғриси, бурч ва масъулиятни ҳис қилиши қанчалик кучли, юқори бўлса, жамият тараққиётининг заминлари ҳам кенгайишига, тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатликнинг барқарор бўлишига олиб келади.

Худди шунинг учун ҳам Ислоҳ Каримов Олий Мажлиснинг Биринчи чақириқ Биринчи сессиясида сўзлаган нутқида: «Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият —

маърифатли инсоннинг икки қанотиدير», - деб кўрсатган эди.

Жамият тараққиётининг ҳар бир янги босқичи кишиларнинг маънавий камолотида ҳам янги даврнинг юзага келишидир. Маънавиятсиз адолатли, юксалиш имкониятига эга бўлган жамият бўлмаганидек, жамиятсиз маънавият ҳам ривожланиши мумкин эмас.

Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларида мавжуд бўлган муаммоларини маънавиятни ривожлантириши, унга таяниш орқали ҳал этиши мумкин.

Маънавият миллатни тараққиётга етакловчи, давлатнинг қудратини оширувчи муҳим омил саналади. Чунки қаерда, қайси мамлакатда маънавият юксак даражада бўлса, ўша жойда, ўша мамлакатда жоҳиллик, ҳасидгўйлик, бепарволик, худбинлик, ялқовлик, манманлик, текинхўрлик, гийбат қилишлик, кўролмаслик, ёвузлик, қўпоровчилик, ўз Ватани ва халқига нисбатан сотқинлик, туҳмат қилиш каби салбий иллатлар, маънавиятсизлик кўринишларига ўрин қолмайди (Журналдан).

5-илова

Матн мазмунига доир савол ва топшириқлар

1. Маънавият тушунчасини ифода этувчи "Класстер" усулини бажаринг. Уни мусобақа тарзида ташкил этинг.

Намуна:



6-илова

Матн асосида грамматик топшириқлар

1. **Маънавият** сўзини фонетик жиҳатдан таҳлил қилинг.
2. Матндаги маънодош сўзларни аниқлаш ва маъно нозикликларидagi фарқларни айттинг.
3. Матндаги ўзакдош сўзларни аниқлаш.

"Бу бизники" таълимий ўйинини ўтказиш тартиби

-мазкур таълимий ўйини морфология бўйича билим ва кўникмаларни такрорлаш учун ўтказилади:



-талабалар олти гуруҳга бўлинади:



-ҳар бир гуруҳ матндан муайян сўз туркумига оид сўزلарни ажратиб кўчиралади:



1-гуруҳ – феъл

2-гуруҳ – от

3-гуруҳ – сифат

4-гуруҳ – равиш.

5-гуруҳ – олмон ба сон

6-гуруҳ – ёрдамчи сўзлар

2-йўналиш**Давлат тилига ҳурмат ва масъулият туйғуларини
мустаҳкамлаш****Мавзу: Дунё тиллари тизимида ўзбек тилининг тутган ўрни**

Маълумки, «ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингали. Она тили – бу миллатнинг руҳидир»¹.

Шундай экан, маънавиятнинг кўзгуси бўлган она тилига бўлган муносабат шахнинг маънавиятга бўлган муносабатини ҳам белгилайди, десак муболага бўлмайди. Камол топаётган ёш авлодга она тилига эътибор ва эҳтиром, унга давлат тили сифатида қарашнинг масъулияти каби туйғуларни сингдириш ва мустаҳкамлаб бориш долзарб муаммолардандир. Бу хусусда кўп ва ҳўб гапирилган бўлишига қарамай, муаммо ҳамон долзарблигича қолмоқда. Шу сабабдан талабаларда давлат тилига нисбатан онгли муносабатни шакллантириш мақсадида маърифий матнларни тавсия этмоқдамиз.

Ушбу матн ва тавсиялардан ўқув дастуридаги “Ҳозирги ўзбек тили таълими асослари”, “Дунё тиллари тизимида ўзбек тилининг тутган ўрни”, “Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва бунинг оламшумул аҳамияти” ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ҳозирги ўзбек адабий тили таълимининг ўрни” мавзуларини ўтишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч - I : Маънавият. 2008 49- б

Мавзу: Дунё тиллари тизимида ўзбек тилининг тутган ўрни Машғулотнинг технологик харитаси

Дарснинг мақсади	Таълимий: Дунё тиллари тизимида ўзбек тилининг тутган ўрни ҳусусида маълумот бериш Тарбиявий: она тилига ҳурмат ва масъулият туйғуларини мустаҳкамлаш Ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг ижодий қobiliятини ўстириш ва фикрини эзма баён этиш қўникмаларини шакллантириш.	
Дарс тури	Янги билим бериш, мустаҳкамлаш.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Ўқитиш усуллари: оғзаки баён, савол-жавоб, "Ҳаттар асар", "Занжир". Ўқитиш шакллари: ялпи, якка, жуфтликлар билан ишлаш. Ўқитиш воситалари: проектор, слайдлар, А4 форматдаги оқ қоғоз, флашчарт, маркер. Мониторинг ва баҳолаш: оғзаки ва ёзма назорат, раббатлантириш. 5 баён тизимида баҳолаш.	
Ишлаш босқичлари, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Ўқитувчи дарсни тил ҳақидаги ўзи танилаган шеърни ёд айтиш билан бошлайди. 1.2. Талабаларни фаоллантириш ва ижодий қobiliятларини шакллантириш мақсадида "Ҳаттар асар" усулида она тили ҳақида 4 қатор шеър ёзиш топширигини беради. "Ҳаттар асар" усули қондалари билан таништиради. (1-илова) 1.3. Жуфтликларнинг шеърларини тинглайди ва барчани раббатлантиради, танқидий фикр бийдирмайди. 1.4. Мавзунинг ва машғулотдан кўчланган мақсадни айтади.	Тинглайдилар. Жуфтликда ижод қилишади. Гуртликларини ўқиб берадилар, тинглайдилар. Тинглайди, мавзунинг ёзиб олади.
2-босқич. Асосий (55 дақиқа)	2.1. Экранга "Ўзбек тили" маърифий матнини чиқаради ва ифодали ўқиб беради. (2-илова) 2.2. Матн мазмуни юзасидан фикрлашга йўналтирувчи савол ва топшириқлар билан мувожаат этади(3-илова) 2.3. "Занжир" таълимий усулини ўтказиши. (4-илова) 2.4. Матн асосида грамматик топшириқлар беради. (5-илова).	Кўришади, тинглашади. Якка тартибда фикрлайди ва саволларга жавоб беришади. Якка тартибда янги фикрларни айтишади, фикрлайди. Оғзаки ва ёзма топшириқларни бажарадилар.
3-босқич. Яқуний (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича яқундовчи ҳулоса қилади, фаолият нагизларини изчилликда изохлаб беради, баҳолайди. 3.2. Ўқувчилар гушунмаган айрим жиҳатларга саволларга жавоб бериш орқали аниқлик киритади. 3.3. Мустақил ишлаш учун уй вазифаси беради: "Тил ва маънавият" мавзусида ижодий ишчи ёзиш	Тинглайди, ҳулоса чиқаради Саволлар берадилар. Мустақил ишлаш учун ижодий ишчи мавзусини ёзиб олади.

"Ҳашар асар" усулини ўтказиш тартиби

-бу усул ўқувчиларда ижодкорлик қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида ўтказилади;



-жуфтликларга бўлиниш;



-берилган мавзу асосида фикрларингиз ва ғояларингизни, ҳис-туйғуларингизни ўзаро ўртоқлашинг;



-ўлар орасидан энг муҳимларини белгиланг ва биргаликда шеърни шаклда ифодаланишга ҳаракат қилинг;



-ёзаётган тўртлигингизда тўроқ, қофия каби шеър унсурларининг ифодаланишига эътибор қаратинг;



-ижод маҳсулинингизни ифодали ўқиб беришга тайёрланинг.

ЎЗБЕК ТИЛИ

Ўзбек тили — ўзбекларнинг тили. Бу тилда сўзлашувчиларнинг умумий сони йигирма миллион билан йигирма беш миллион орасида бўлиб, уларнинг асосий қисмини Ўзбекистонда ва унга чегарадош бўлган муस्ताқил давлатларда истиқомат қилиб турган ўзбек тилида сўзлашувчи ва ўзини ўзбек деб билувчи аҳоли ташкил қилади.

Ўзбек тили олтой тиллар оиласининг туркий тиллар туркумига киради ва сўзлашувчилар сони жиҳатидан турк тили ва озарбайжон тилидан сўнг учинчи ўринда туради. Ўзбек тили энг қадимий туркий ёзма тиллардан биридир. Ҳозирча ўрганилган манбаларга кўра, у деярли бир ярим минг йиллик тарихга эга. Аммо ўзбек тилининг асли тарихи бундан кўпроқ бўлиб, милoddан аввалги асрлар қаърига тоқалади. Бу масалалар назарий ва методологик жиҳатдан ёритилмаган, фактик жиҳатдан ҳам тўла ўрганилмаган. Ўзбек тилининг тарихи, умуман, унинг ривожини туркий тиллар тарихининг таркибий қисми эканлиги назарий-методологик жиҳатдан кўриб чиқилмаган. Ўзбек тилининг асрлар давомида форс-тожик тилининг яқин ҳамроҳи бўлганлиги ва бу жараён иккала тилнинг бойлишига ҳамда ривожланишига ижобий таъсир кўрсатганлиги масалалари ҳам тилишуосларнинг диққат марказидан етарли жой олганича йўқ.

Ўзбек тили жаҳондаги энг бой ва ривожланган тиллардан бири. Бу тилнинг ривожига, айниқса, Алишер Навоийнинг хизмати катта.

Ўзбек тилининг такомиллашиши жараёни тўрт асосий манбанинг иштирокида амалга ошган:

а) асл туркий тиллар таъсири;

б) форс-тожик тилининг асрлар давомидаги ҳар томонлама таъсири;

в) араб тилининг ўрта асрлардаги Шарқ фанларининг ва ислом динининг умумий тили сифатидаги таъсири;

г) XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Оврупо тилларининг таъсири.

Ана шундай кўптомонлама таъсир, ўзбек тилининг грамматик жиҳатдан мукамал ва луғавий бой бўлишини, фонетик жиҳатдан хушоҳанг тил сифатида шаклланишини таъмин этди.

Ўзбек тили шеваларга бой тиллардан бири ҳисобланади. Шевалар — умуммиллий тилни бойитишнинг чексиз манбаидир.

Ҳозирги замон ўзбек тили, асосан, уч кўрунишга эга бўлиб, биринчидан, шевалардан, иккинчидан, умуммиллий адабий тилдан ва, учинчидан, уларнинг қоринмаси бўлмиш кундалик жонли мулоқот тилидан ташкил топган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, XX асрнинг 30-йилларигача ўзбек тили янги замон ўзбек миллатининг тили сифатида шаклланди, ўз тараққиёт йўларини аниқлаб, ривожлана бошлади. Афсуски, СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) МКнинг 1938 йил 13 февралдаги «Рус тилини миллий республикаларда мажбуран ўқитиш тўғрисида» қарори чиққандан сўнг собиқ шўро мамлакатига кенг миқёсда руслаштириш сиёсати амалга оширилди, ўзбек тили ҳаётнинг асосий соҳаларидан аста-секин сиқиб чиқарила бошлади.

Мустақиллик ўзбек тилини озод ва эркин ривожланишининг шох кўчасига олиб чиқди. 1989 йилнинг октябрь ойида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, шу асосда барча мажлислар, илмий ва амалий анжуманлар, учрашувлар, олийгоҳлардаги дарслар ва ҳаётнинг бошқа томонларига оид тадбирлар ўзбек тилида ўтказила бошлади, илмий ва илмий-оммабоп адабиёт, асосан, ўзбек тилида чоп этилмоқда. Бу борада ҳали иш кўп ва уларни бажариш, биринчи навбатда, ўзбек миллий зиёлиларининг саъй-ҳаракатларига боғлиқ.

Ярим асрдан ошиқ (1938-1991) давр ичида ўзбек тили мафкуравий, сиёсий, маъмурий жиҳатлардан улкан тазйиқ остида бўлди. У шўро жамиятининг ўғай тилларидан бирига айлантирилди. Ўзбекларнинг расмий вазиятларда юртида ўз она тилида сўзлашиши

байналмилликдан чекинми деб талқин қилинди. «Ишчилар синфи шўро эсамиятининг асосий ривожлантирувчи инқилобий кучи» дейилди, ammo Ўзбекистонда бу синфнинг кўпчилиги бошқа миллат вакиллари бўлгани сабабли, миллий тилимиз синфий нуқтаи назардан қаровсиз қолди. Ўзбек миллий зиёлиларига миллатчиликнинг ибтидоиси, азал манбаи сифатида қаралди ва шу боисдан, улар мавжуд тузум таъйиқидида асосан рус тилида мулоқот қилишга мажбур этилдилар. Ишчилар синфи ва миллий зиёлилардан миллий тил масаласида етарли мадад ололмаган деҳқонлар (Ўзбекларнинг олтимиш фоизи) ўзбек тилида билганларича сўзлашдилар.

Ўзбек тили борасидаги ана шу тарқоқликни бартараф этиши - миллий зиёлиларимизнинг долзарб вазифасидир.

“(Миллий ғоя: тартибот технологиялари ва ағамалар дугати” китоби. 312-бет)

4-илова

**Матн мазмуни қуйидаги савол ва топшириқлар асосида
кўриб чиқилади:**

1. Туркий тиллар орасида ўзбек тилининг тутган ўрнини белгиланг.
2. Тилга таъйиқ деганда нимани тушунасиз?
3. Ўзбек тилга давлат тили мақоми берилишининг зарурияти нимада деб ўйлайсиз?
4. Ўзбек тилининг тарихи ҳақида нималарни биласиз?
5. Тил софлиги, тозаллиги деганда нимани тушунасиз?
6. Матндаги энг сўнгги гапда ифодаланган фикр хусусида ўйлаб кўринг. Сизнингча, бу борда қандай ишларни амалга оширган маъқул.
7. Ўзбек тили тараққиётида Алишер Навоийнинг тутган ўрнини сиз қандай белгилайсиз?
8. Шахснинг комилликка эришувида тилнинг мавқеи қай даражада? Фикригизни ҳикматли сўзлар, алломаларнинг фикрлари воситасида далилланг.

"Занжир" усулини ўтказиш қондалари

- ушбу усул орқали ўқувчиларда қомиллик сифатлари хусусидаги тушунча кенгайди. сўз бойлиги ортади, тавсия этилган сўзларнинг имлоси юзасидан билимлар мустаҳкамланади, ўзбек тили луғат таркибининг бойишида бошқа тиллардан сўз олишнинг аҳамияти ва сабаблари юзасидан ўқитувчи кумагида билим ҳосил қилинади.



- бу таълимий ўқишда барча талабалар иштирок этади;



- ҳар бир талаба қомил инсонга хос бўлган сифатлардан бирини айтади ва ёзади: Одобли-ақлли-билимдон-поқ-хушмуомала-ростгўй каби;



- узи айтган сўзнинг қайси тилга мансублигини айтади ва унинг ўзбек тилига ўзлашсини сабабларини шарҳлайди;



- зарур ўринларда ўқитувчи изоҳларни тўлдириб боради;



- занжирда узилишга йўл қўйган талабалар "жазоланади". яъни қўшимча топшириқ олади.

Матн юзасидан грамматик топшириқлар

1. Сўзларнинг ўзаро бириккич усуллари ҳақидаги билимларингизни эсга олинг ва айтинг.
2. Матндан сўз қўшилмасига мисоллар топинг.
3. Матндаги сўз бирикмаларини мослашувли, бошқарувли, битишувли бирикмаларга ажратиб ёзинг.


Мавзу: Ўзбек тилига давлат тили макомининг берилиши ва бунинг оламшумул аҳамияти

Машғулотнинг технологик харитаси

Дарснинг мақсади	<p>Таълимий: янги мавзу юзасидан билим ҳосил қилини.</p> <p>Тарбиявий: давлат тилига ҳурмат ва масъулият тушуналарини мустаҳкамлаш</p> <p>Ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш соҳиёчилигини ўстириш ва фикрнинг оғзаки баён этиш кўникмаларини шакллантириши.</p>	
Дарс тури	Янги билим бериш, мустаҳкамлаш.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	<p>Ўқитиш усуллари: оғзаки баён, "Грамматик нуқлама", баҳс-мунозара, "Муаммоли вазият".</p> <p>Ўқитиш шакллари: ялпи, яқка, жуфтликлар билан ишлаш.</p> <p>Ўқитиш воситалари: проектор, слайдлар</p> <p>Мониторинг ва баҳолаш: оғзаки ва ёзма назорат, ўзаро назорат, ҳамкорликда баҳолаш, раёбатлантириш, 5 баалли тизимда баҳолаш.</p>	
Ишлан босқичлари, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Фаол ва мавзуга кириш (15 дақиқа)	<p>1.1. Аудиоторияни баҳс-мунозара технологияси талаблари асосида тайёртайти (1-илова)</p> <p>Дарсни "Грамматик нуқлама" билан бошлайди (2-илова)</p> <p>1.2. Барчани фаоллантириш учун проекторда ўқувчиларни фикрлашга уйлдовчи чизмади намояни этиш орқали муаммоли вазият ҳосил қилади. (3-илова) Вазият ечими бўйича жуфтликларнинг фикрлари тинглади, ҳамкорликда эн яхши жавоб вариантларни аниқланади ва раёбатлантирилади.</p> <p>1.3. Янги мавзунини ва машғулотнинг мақсадини аниқтайди.</p>	<p>Тинглайдилар, шитирик олашлар</p> <p>Куради, фикрлайди, бир-бирини назорат қилади ва баҳолайди.</p> <p>Тинглайди.</p>
2-босқич. Асосий (55 дақиқа)	<p>2.1. Экранга "Давлат тили" маърифат матнини чиқаради ва ўқиб беради. (4-илова)</p> <p>2.2. Матн мазмуни юзасидан фикрлашга йўналтирувчи савол ва топшириқлар билан муҳожаат этади</p> <p>2.3. Дарсликда берилган Ўзбекистон Республикасининг янги дахирдади "Давлат тили ҳақида"ги Қонунни матн устида белгилашга йўналтирувчи савол ва топшириқлар асосида баҳс- мунозара ўтказилади. (5-илова)</p> <p>2.4. Дарсининг таълимий мақсадини амалга оширини мақсадда матн асосида грамматик топшириқлар беради. (6-илова).</p>	<p>Куршилади, тинглашди.</p> <p>Тинглашди, фикрлашди, жавоб беришди.</p> <p>Тинглайдилар ва яқка гартибла баҳсда шитирик олашлар.</p> <p>Топшириқларни оғзаки ва ёзма шаклда бажарадилар</p>
3-босқич. Яқуний (10 дақиқа)	<p>3.1. Мавзу бўйича яқунловчи ҳулоса қилади, фаолият натижаларини изшилликда шитириқ беради, баҳолайди.</p> <p>3.2. Ўқувчилар тундимаган анирик жихаларда саволларга жавоб бериш орқали аниқлик киритидади.</p> <p>3.3. Ўқувчиларга ушда фикрлаш учун ва ёниб келиш учун қўйилган муаммоли вазият яқиди. Сизнингча, "Давлат тили туғрилида"ги Қонунга яна қандай ўзгаришлар киритиш мумкин?</p>	<p>Тинглайди, ҳулоса чиқаради</p> <p>Саволлар берадилар.</p> <p>Ушда ишлаш учун муаммо мавзусини ёниб олашлар</p>

Баҳс-мунозара ўтказиладиган ўқув хона кўриниши

Доска



2-илова

"Грамматик йўқлама"ни ўтказиш тартиби

- ✦ бу усул дарснинг ташкилий даврида ўтказилади;
- ✦ ўқувчиларнинг тил буйича билимларини мустаҳкамлайди ва назорат қилади;
- ✦ хотирани мустаҳкамлайди;
- ✦ ўқитувчи тартиб буйича ўқувчиларнинг исм-фамилиясини ўқийди;
- ✦ номи чиққан ўқувчи тилшуносликка оид битта атама айтгач, жойинга ўтиради;
- ✦ айтилган атама бошқа ўқувчи томонидан айтилмаслиги керак.

Ушбу чизмани сиз қандай изоҳлайсиз?



4-илова

ДАВЛАТ ТИЛИ

Давлат тили — тегишли давлатдаги умумий расмий тил. Давлат тили одатда уч йўналишида белгиланади:

а) тарихий анъана асосида ушбу давлат ҳудудида истиқомат қилувчи барча халқлар мавжуд тиллардан бирини умумтил деб тан оладилар; бундай тил кўпинча шу давлатдаги энг йирик ҳукмрон миллатнинг тили бўлади;

б) ҳукумат, президент, парламент ёки раҳбар органлар томонидан давлатнинг расмий тили деб эълон қилинган халқаро ёки жаҳон тилларидан бири; давлат органларида, ҳукумат идораларида ва расмий ташкилотларда, кўрсатмага биноан, ёзишмалар фақат шу тилда қабул қилинади ёки жўнатилади, барча учрашув, муҳокама, мубоҳаса, мусоҳаба, мажлис, сессия, конференция, конгресс ва шу кабилар ана шу расмий тилда ўтказилади;

в) давлатнинг қонун чиқарувчи органи томонидан ёки мамлакат президенти томонидан жамият ҳаётининг барча соҳаларида қўлланилиши керак деб эълон қилинган тил.

Собиқ Иттифоқ ҳудудида жойлашган ва ҳозирги даврда мустақиллик йўлига чиққан мамлакатлар учун давлат тили сиёсатини амалга ошириш истибдод даврининг оқибатлари ва

сарқитлари билан самарали курашининг зарурий шартидир. Аммо, маълумки, тилни ўзлаштириш, истеъмол доирасини кенгайтириш, уни бошқа тилларда сўзлашувчилар орасида ёйиш, давлат тилини бойитиш - булар сабр-тоқатни, изчил меҳнатни талаб қилади. Энг муҳим нарсалардан бири аҳолида давлат тилига муносабатни ўзгартириш, оммада ўз миллий тилига нисбатан бўлган ҳурмат ва қизиқиш ҳиссини уйғотиш ва мустаҳкамлаш, русийзабон аҳолида давлат тилига нисбатан бепарқлик, бегоналик ҳиссини сабр-тоқатли, кундалик изчил иш билан бартараф қилиш, давлат тили бўйича дарсликлар, луғатлар, ўқув китоблари, қўлланмалар тайёрлаш ва нашр этишни таъмин этмоқ лозим.

(“Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати” китоби, 127-бет)

5-илова

Баҳс-мунозара учун саволлар

1. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ҳуқуқий асоелари нималарда кўринади?
2. Қонунда миллатлараро муомала тили, жонли мулоқот ва турли удумлар тили масаласи қандай ҳал этилган?
3. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишининг зарурияти нимада деб ўйлайсиз?
4. Бугунги кунда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеи қай даражада?
5. Сиз яшайдиган ҳудуд ёки сиз билим олаётган таълим муассасасида давлат тилига эътибор қай даражада деб ўйлайсиз?
6. Қонунда Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат тилларига нисбатан эътибор қай даражада уз аксини толган?
7. Ҳаётда давлат тили тўғрисидаги қонун моддаларига зид ҳолатларга дуч келганмиёиз?
8. “Юқсак маънавият — енгилмас куч” асаридан ўзбек тилига давлат мақоми берилиши арафасидаги вазият ҳақидаги ўринларни топиб ўқинг ва муносабатингизни баён қилинг.

6-илова

Грамматик топшириқлар

1. Матнни диққат билан ўқиб чиқинг.
2. Гапдаги содда ва қўшма гаплар сонини аниқланг.
3. Ажратиб кўрсатилган гапни синтактик таҳлил қилинг.

3-йўналиш.


Миллий дунёқарашни шакллантириш

1-мавзу: *Ўзбек адабий тилининг тараққиёт босқичлари*

2-мавзу: *Ўзбек тилининг товуш тизими. Нутқий фаолият*

Фалсафий тафаккур воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга ҳос бўлган барча алоқаларни, зиддиятларни, унинг тараққиёт қонуниятларини билиш, ҳар томонлама таҳлил қилиш имкониятини яратади. Реал борлиқни англаш таълимнинг ҳаёт билан алоқадорлигини ўргатишдан иборат. Кишининг фикри кенг ва атрофлича бўлиши учун ўқитувчи уларнинг дунёқарашини кенгайтириши зарур. Шундай экан, дунёқарашнинг ўзи нима деган саволга жавоб бериш ўринлидир. Дунёқараш – бу, аввало, инсоннинг дунёни зарурий равишда англаш, тушуниш, билиш ва баҳолаш натижасида юзага келган ҳулосалари, билимлари асосида шаклланган умумлашмалар тизимидир¹.

Дунёқарашнинг иккита даражаси мавжуд бўлиб, у амалий ҳамда назарий билимлардан иборат. Уларнинг ҳар иккиласи бир-бири билан узвий боғланган. Дунёқараш кишини ўз оламини ҳис этиш, дунёни билиш, ўрганиш жараёнларида ҳосил бўладиган ирода, идрок кайфиятларни қамраб оладиган тушунчадир. У инсон умри давомида шаклланиб, ривожланиб, кенгайиб боради. Дунёқараш бевосита маънавиятга алоқадор категория бўлиб, унинг шаклланиши ва такомилга бир қанча омиллар таъсир кўрсатади.



¹ Юсунов Э. Фалсафа. –Т.: Шарқ, 1999. 8-бет

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳар қандай инсон атрофда юз бераётган воқеликка ўз нуқтаи назари, дунёқараши асосида баҳо беради ва шу асосда ҳатти-ҳаракатларини амалга оширади, ҳаёт тарзини олиб боради. Шу сабабдан юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш учун, энг аввало, унинг дунёқарашини, онги ва тафаккурини ўстириш, эзгу амаллар, эзгу қарашлар, эзгу гоялар билан бойитиб бориши муҳим. Бунинг учун шахс дунёқарашига таъсир кўрсатувчи омилларни мақсадли йўналтириш зарур. Бу ўринда дунёқарашнинг миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз асосида шаклланишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу ўринда муҳтарам президентимизнинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: “Мисол учун, тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни олайлик. Қанчалик ғайати туюлмасин, бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи мушкул бир муаммо.

Шуни айтиш лозимки, бу тушунчалар кимдир шунчаки ўйлаб топган ширин калом, қулоққа хуш ёқадиган сўзлар эмас. Бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқараши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу шууримиздан чуқур жой олган буюк қадриятларнинг амалий ифодасидир”¹. Демак, ўқувчиларда юртбошимиз таъкидлаган тушунчаларни ўзида қамраб олган миллий асосдаги дунёқарашни шакллантириш маънавият тарбиясининг устивор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

“Ўзбек адабий тилининг тараққиёт босқичлари”, “Ўзбек тилининг товуш тизими. Нутқий фаолият” мавзуларини ўтишда миллий дунёқарашни шакллантириш вазифаси амалга оширилади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — еттизмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008. 5-6ет.

Мавзу: Ўзбек адабий тилининг тараққиёт босқичлари

Машғулотнинг технологик харитаси

Дарснинг мақсади	<p>Таълимий: янги мавзу юзасидан билим хосил қилини.</p> <p>Тарбиявий: ўқувчиларда миллий асосдаги дунёқарашни шакллантириши</p> <p>Ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг ижодий қобилиyatини устариши ва фикрнинг оғзаки баён этиш қўникмаларини шакллантириши.</p>	
Дарс гури	Янги билим бериш, мустақкамлаш.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	<p>Ўқитиш усуллари: оғзаки баён, муаммолни вазият "Синквейн"</p> <p>Ўқитиш шакллари: янги, яқка, кичик гуруҳлар билан ишлани.</p> <p>Ўқитиш воситалари: проектор, слайдлар, флипчарт, маркерлар.</p> <p>Мониторинг ва баҳолаш: оғзаки ва ёзма назорат, ҳамкорликда баҳолаш, раббатлаштириш, 5 балли тизимда баҳолаш.</p>	
Ишлаш босқичлари, вақти	Фасоият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	<p>1.1. Мавзунинг ётлон қилини, машғулотнинг мақсадини айтиди.</p> <p>1.2. Дарсликдаги Култегин битни тилидан олдинган нарчани мустақил ўқини топиширини беради. Муаммолни вазият хосил қилини учун қуйидаги саволни беради. Матини ўқини асосида Култегинни қандай плахе сифатида тасаввур этдиши? Унинг сурати ва сийрати қақдаги фикрларини? Игереладди талабаларни флипчартда Култегиннинг суратини чизини тақдир этани.</p>	<p>Тиниланиди, қурини.</p> <p>Мустақил мутолаа қилиб, фикр билдиридилар.</p> <p>Тасаввурларини расм орқали ифодалайдилар.</p>
2-босқич. Асосий (55 дақиқа)	<p>2.1. Экран орқали "Насиҳатнома" маърифий матинини намойиш этиди ва ўқиб беради. (1-илова)</p> <p>2.2. Матинини ондан ушлаштиришини таъминлаш мақсадида "Синквейн" технологияси қуллаиди. (2-илова)</p> <p>2.3. Матн мазмуни юзасидан фикрларни пунқитирувчи савол ва топириқлар билан мурожаат этиди. (3-илова)</p> <p>2.4. Матн асосида грамматик топириқлар беради. (4-илова)</p>	<p>Қурини, мутолаа қилини.</p> <p>Матини элементларга бўлиб, таъни сўзларга умулладириди.</p> <p>Фикрлайдилар, оғзаки жавоб берадилар.</p> <p>Грамматик топириқларни ёзма шаклда бажардилар.</p>
3-босқич. Яқини (10 дақиқа)	<p>3.1. Мавзу бўйича яқинловчи мутолаа қилиди, фасоият натижаларини иштиракда ироҳаб беради, баҳолайди.</p> <p>3.2. Ўқувчилар тушулмаган африм жиҳазларга саволларга жавоб бериш орқали аниқлик киритани.</p> <p>3.3. Мустақил ишдан учун уни ва вазифа беради: "Қутаду билин" дан нарча ел олани ва шил хуеуеиятларини тақдир қилини</p>	<p>Тиниланиди, мутолаа қилари.</p> <p>Саволлар берадилар.</p> <p>Мустақил иш учун топириқни ёзиб оладилар</p>

Насиҳатнома

Бир иш билан бошқа ерга кетиб, у ерда бир неча вақт туриб қолган бир ота ўз ўғлига шу насихатомуз мактубни йўллайди:

“Севиқли ўғлим!

Виждоннинг лавҳасини инсоф, адолат гавҳари бирлан безат, чунки инсоф, адолат инсоният оламининг порлоқ қуёшидир. Бу қуёшдан фойз олган одамлар бахтиёрдирлар.

Белиминг қуввати, ўғлим!

Қалбинг ойнасини ёшиллик гурури бирлан нурпош эт, хоинлик, ғаразлик каби беҳуда беъманиликлар чанг-ғубори ила хира қилма. Агар шундай беъманиликларни қилсанг, инсоний вазифангни суиистеъмол қилган бўласан ва жамият қошида масъулдирсан.

Кўзимнинг нури!

Давлат ва халқ қошида иззатли ва обрўли бўлишни истасанг, жамият томонидан сенга берилган вазифани чин ихлос билан бажарғил, вазифашуно бўлғил. Вазифасини танимаган, адо қилмаган одамлар шарманда, шармисор ва нафратга сазовардирлар.

Кўзимнинг қорачиғи!

Сенга жонидан ҳам ортиқ муҳаббати бўлган отангнинг ризоси ва қалбининг хуш бўлиши сенинг зулм, жабр ва адолатсизликдан сақланишинг билан ҳосил бўлғай. Англа, ўғлим, жабр, зулм, адолатсизлик яшинга ўхшаш бўлиб, тушган жойларини янгидан таъмир қилиши мумкин бўлмаган даражада ёқиб, ёндириб, паршшон қиладир. Сенинг асл зотингда бўлган поклик, олижаноблик ўткир заҳарли ярамас ҳисларга йўл қўймайди, деб ишонаман. Доимо, адолатли, мулойим, тавозели, шафқатли бўл.

Ҳаётим сармойаси!

Шу кунларда ўз тенгдошларинг билан уришиб, баъзи вақтда, ҳатто ёқлашганингни эшитиб, кўнглим паршшон бўлди. Биламан, сен арслон каби куч-қувватга эга бўлган йигитсан. Қаҳрамонлик фақат куч-қувватни истеъмол қилишда эмас, қаҳру-ғазабни ютишдадир. Жон ўғлим, қаҳру ғазабли бўлма, мулойим, шафқатли ва марҳаматли бўл. Гузал хислатларинг билангина ҳаммани ўзингга ром айлайсан, сенга озор берганларни хушмуомаланг билан уялтирасан.

Сенга узоқ умр, бахт-саодат тилаб, сўзимни тамом қиламан, азиз ўғлим”.

(“Донолар ўғити” китоби)

"Синквейн" технологиясини ўтказиш тартиби:

Ушбу усул кичик гуруҳларда олиб бориладиган фаолият бўлиб, талабаларни муайян матида берилган гоյа ўстида фикрлаш, ундаги ахборотни таҳлил қилиш ва синтез йўли билан умумлаштириш ҳамда ҳулоса чиқаришга ўргатади

- ◆ Ўқувчилар беш гуруҳга бўлинади.
- ◆ Ҳар бир гуруҳга берилган маърифий матиннинг муайян мантиқий гуғалланган қисми ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш учун тавсия этилади;
- ◆ матн гоյаси 5 қаторли таянч сузларда ифода этилиши керак;
- ◆ 1-қаторда матн моҳияти битта от билан ифодаланали;
- ◆ 2-қаторда матн моҳияти иккита сифат билан очиб берилади;
- ◆ 3-қаторда учта феъл билан масала моҳияти ёритилади;
- ◆ 4-қаторда мавзуга муносабат, ҳис-туйғу билдирилади;
- ◆ 5-қаторда бир сўз билан мавзунинг моҳияти такрорланади.
- ◆ Масала, матннинг сунгги мантиқий қисми юзасидан қуйидаги синквейнни ҳосил қилиш мумкин.

1. Қаҳрамонлик.
2. Кучли, шафқатли.
3. Уришмайди, ғазабланмайди, ҳушмуомала қилади.
4. Жаҳлни енгган ҳақиқий полвондир.
5. Андиша.

Йўналтирувчи савол ва топшириқлар

1. Дунёқараш деганда нимани тушунасиз?
2. Дунёқарашнинг миллийлиги нималарда кўринади?
3. Миллий дунёқарашни шакллантиришнинг қандай усул ва йўллари мавжуд?
4. Матидан миллий дунёқарашни акс эттирувчи сузларни топинг ва уларни дафтарингизга кучириб ёзинг.
5. Сиз отанинг насиҳатларига яна нималарни қўшган бўлар эдингиз?

Грамматик топшириқлар:

1. Матидан ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайдиган ёки кам қўлланадиган тил бирликларини топинг. Ўзбек тили тараққийетининг қайси босқичига мансуб эканлигига кўра гуруҳлаб ёзинг.
2. Матидан ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайдиган ёки кам қўлланадиган тил бирликларини топиб, бугунги кундаги эквиваленти билан биргە ёзинг.

Мавзу: Ўзбек тилининг товуш тизими. Нутқий фаолият

Машғулотнинг технологик харитаси

Дарсинг мақсади	Таълимий: янги мавзу юзасидан билим ҳосил қилиш. Гарбиявий: ўқувчиларда миллий асосдаги дунёқаранини шакллантириш Ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг ижодий қobiliятини устириш ва фикрнинг оғзаки баён этиш қуникмаларини шакллантириш.	
Даре тури	Янги билим бериш, мустаҳкамлаш.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Ўқитиш усуллари: оғзаки баён, "Ақлий ҳужум", "Менинг фикрим". Ўқитиш шакллари: яппи, яққа, кичик гуруҳлар билан ишлаш. Ўқитиш воситалари: проектор, слайдлар, флипчарт, маркерлар, А4 формалли қоғоз. Мониторинг ва баҳолаш: оғзаки ва ёзма назорат, биргалликда баҳолаш, рағбатлантириш, 5 бадди визуалда баҳолаш.	
Ишлан босқичлари, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Мавзунинг ёнлон қилади. Дарсинг мақсадлари билан таништиради. 1.2. Ўқувчиларда мотивация ҳосил қилиш, фикрлаш ва нутқий салоҳиятини устириш мақсадида қуйидаги муаммолар савол билан ақлий ҳужум уюштирилади. Газлитео Газлиенини "Нисон ўзининг энг махфий сирларини ҳам узгаларга йиғирма турта товушнинг турли бириккувлари воситасида етказа олинми виҳоятда ҳайратланарди" деган фикри ҳуқуқда нима дея оласиз?	Тинглашади, қуришади. Фикрландилар ва муносабат билдирадилар.
2-босқич. Асосий (55 дақиқа)	2.1. Ўқувчиларга "Фазилат нима?" саволи билан муружаат этади ва уларнинг жавобларини "Менинг фикрим" технологияси асосида шакллантиради. Флипчартдаги жавоблар ичидан учта энг яхши жавоб биргалликда аниқланади ва рағбатлантирилади. (1-илова) 2.2. Экранга "Фазилат нима?" маърифий матнини чиқаради ва ўқиб беради. (2-илова) 2.3. Матн мазмуни юзасидан фикрлашга йуналтирувчи савол ва тошириқлар билан муружаат этади (3-илова) 2.4. Матн юзасидан грамматик тошириқлар беради.	Савол юзасидан фикрларини гап ёки жумла шаклида инфодалаб флипчартга ёзадилар. Қуришади, тинглашади.
3-босқич. Яқуний (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича яқунийовчи ҳулоса қилади, фаолият натижаларини изчиликда изохлаб беради, баҳолайди. 3.2. Ўқувчилар изшунмаған айрим жиҳатларга саволларга жавоб бериш орқали аниқлик қилишади. 3.3. Мустақил ишлаш учун уй вазифаси беради: "Андашланинг оти қурқоқми?" мавзусида фикрларини ёзиб келиш	Тинглайди, ҳулоса чиқаради Саволлар берадилар Мустақил ишлаш учун мавзунинг ёзиб оладилар.

"Менинг фикрим" технологиясини ўтказиш тартиби:

Ушбу усул индивидуал фаолият бўлиб, талабаларни муаммоли савол устида фикрлаш, фикр маҳсулини қисқа ва аниқ муайян шаклда ифодалашга йўналтиради. Оз фурсат ичида барча талабаларнинг фикрлари, шу билан бирга саволхонлик даражаси билан танишиш имконини беради.

- ◆ Ўқувчилар икки гуруҳга бўлинади ва уларга муаммоли савол оълон қилинади;
- ◆ Ҳар бир ўқувчи савол юзасидан ўйлаган фикрини қисқа жумла ёки гап қўринишида ёзма шакллантиради;
- ◆ Охирида ўтирган ўқувчига бир варақ қоғоз берилади, у фикрини ёзгач, олдида ўтирган ўқувчига узатади;
- ◆ барча талабалар ёзиб бўлгач, ўқитувчи барча фикрларни ўқиб беради, шу тариқа улар бир-бирларининг фикрлари билан ҳам танишадилар;
- ◆ савол моҳиятини тўлароқ очиб бера олган талаба рағбатлантирилади;
- ◆ сўнгра ўқитувчи муаммоли саволнинг моҳиятини тўла очиб берувчи матн билан ўқувчиларни таништиради.

2-илова

Фазилат нима?

Фазилат бутун гўзал ахлоқнинг инсондаги мажмуидир. Фазилат шафқатли бир йўлдошидирки, шу йўлдош билан бирга бўлган одамнинг ёнидан бир дақиқа ҳам ажралмайди, душманларга қарши ундан ҳам қувватлироқ дўст ва ёрдамчи бўлмайди.

Бир донишманд инсоний фазилатни ўн уч қисмга ажратган:

1. *Сукут — ўзингга ва бошқаларга фойда етказадиган сўзларни сўзла, бўлмаса сукут қил.*
2. *Интизом — ҳар ишга бир вақт, ҳар нарсага бир ўрин тайин қил, тартибли, интизомли бўл.*
3. *Риёзат — керак бўлганича еб-ичиб, нафсингдан ҳолиб бўлишига ғайрат қил.*
4. *Сабот — қўлингдан кела олишига кўзинг етган ишга кириш, бошлаган ишингни тамом қилишига бел боғла.*
5. *Идора — қўлингга кирган пулни ўзингга, оилангга ва бошқаларга фойдаси тегадиган ерларга сарф қил, яхши идора қил, исрофгарчиликдан сақлан.*
6. *Саъй — энг буюк хазиналарнинг калити дақиқалар эканини англа, вақтингни бекорга ўтказма, саъй-ғайрат қил.*
7. *Тўғрилиқ — ҳар ишингда, сўзингда тўғри бўл, тўғри ишла,*

тўғри сўзла, ёлгон ва ҳар хил эгриликларнинг асири бўлма.

8. Ҳаққоният — инсоф ва адолат билан иш қил, ҳақликни ноҳақлик билан аралаштирма.

9. Поклик — қўлингда бўлган ҳар нарсанинг пок, тоза бўлишига диққат қил, ифлослик, чиркинликдан сақлан.

10. Сабр — мабодо бошингга оғирликлар тушса, чида, сабрсизлик қилма, оғирликларни йўқотиш учун гайрат қил.

11. Иффат — номусингни ҳаётингдан ортиқ ва муқаддас бил. Уни доим муҳофаза қилишига, кўриқлашга гайрат қил.

12. Эътидол — ҳар ишда ўртача йўл тутушига ҳаракат қил, «ишларнинг хайрлиси ўртача бўлган ишдир» деган ҳикматли сўзни унутма.

13. Тавозе — ўз иззат-нафсингни йўқотма, тубанликни ихтиёр қилма. Тавозели, юмшоқ кўнгилли бўл, лекин жойида ишлат. Ширин сўзли, очиқ юзли, хуш муомалали бўл.

(“Донолар ўғити” китобидан)

3-илова

Матн мазмуни юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Фазилат-хислат-хусусият синонимик қаторидаги сўزلарни ўзаро қиёсланг. Маъно нозикликларни топинг. Матн мазмунидан келиб чиқиб шарҳланг.

2. Донишманд таърифлаган фазилатлар қаторини ўзингиз мустақил давом эттиринг.

3. “Ишларнинг хайрлиси ўртача бўлган ишдир” деган ҳикматли сўзни қандай тушунасиш? Ҳаётий мисоллар билан изоҳланг.

4. Нафс деганда нимани тушунасиш? Нафсни енгил деганда-чи?

5. Сизнингча, яна қандай инсоний фазилатларни санаб ўтиш мумкин. Уларнинг ҳар бирини изоҳланг. Келтирган мисолларингизни миллий дунёқарашга алоқалор жиҳатлари борми?

4-илова

Грамматик топшириқлар:

1. Матндаги алоҳида оҳанг билан талаффуз қилинадиган сўزلарни аниқланг.

2. Товуш ва фонеманинг фарқини айтинг.

3. Сўз таркибидаги фонемаларнинг жойлашши тартиби деганда нимани тушунасиш. Матндан олинган сўзлар воситасида шарҳланг.

4. Товушнинг маъно фарқлаш вазифасини матндаги айрим сўзларга товушдошлар топиб, қиёслаш орқали шарҳланг.

4-йўналиш

Англаш руҳиятини сингдириш

Мавзу: Нутқ товушларининг уч томони. Товушларнинг фарқловчи ва бирлаштирувчи белгилари

Инсон дунёдаги ўзга мавжудотлардан ўзининг онги ва тафаккури билан ажралиб туради. У борлиқни ва ундаги жараёнларни англай олади ва ҳодисаларга онгли муносабатда бўлишга интилади. Инсоннинг олами англаши, аввало, ўзликни англашдан бошланмоғи лозим. Айниқса, камол топаётган ёш авлод ўзлигини, миллий дахлдорлиги, насл-насаби каби туб моҳиятини англаб етсагина унда муносиб ворислик туйғулари шаклланиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, миллий ўзликни англаш — бу миллатчилик эмас, бир халқнинг миллий ғурури ва иззатини жойига қўйиш, эътироф этишдир. Шу маънода ёшларни тўғри тарбиялашда миллийлик ва миллатчилик тушунчалари орасидаги тавофутни тушунтириш, англашиш бугунги кунда таълимий ва тарбиявий заруратга айланди.

Мавзу: Нутқ товушларининг уч томони. Товушларнинг фарқловчи ва бирлаштирувчи белгилари

Машгулотнинг технологик харитаси

Дарснинг мақсади	<p>Таълимий: янги мавзу юзасидан билим ҳосил қилиш.</p> <p>Тарбиявий: ўқувчиларга аниқлаш руҳиятини синдириш</p> <p>Ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш салоҳиятини ўстириш ва фикрнинг озаки баён этиш қуникмаларини шакллантириш.</p>	
Дарс тури	Янги билим бериш, мустақамлаш.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	<p>Ўқитиш усуллари: озаки баён, "Ақлни ҳужум", "Инсерт".</p> <p>Ўқитиш шакллари: янги, яқка, кичик гуруҳлар билан ишлаш.</p> <p>Ўқитиш воситалари: проектор, слайдлар, флипчарт, маркерлар, А4 форматли қоғоз.</p> <p>Мониторинг ва баҳолаш: озаки ва ёзма назорат, биргалликда баҳолаш, рағбатлантириш, 5 балли тизимда баҳолаш.</p>	
Ишлаш босқичлари, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	<p>1.1. Мавзуга ва даредан қўзланган мақсадга қисқача таъриф беради.</p> <p>1.2. Талабаларни фаолаштириш учун муаммолни савол билан ақлий ҳужум уюштиради: "Менталитет сўзи ва унинг маъини сизга қай даражада таниш?" .</p>	<p>Тинглашади.</p> <p>Мушоҳада қилинади, фикр билдиришади.</p>
2-босқич. Асосий (55 дақиқа)	<p>2.1. Экранга "Ўзбек миллатининг ўз-ўзини аниқлаши" маърифий матнини чиқаради ва ўқиб беради. Матинни кўпайтириб, ҳар бир талабга алоҳида тарқатиб, янада мақсадга мувофиқ бўлади (1-илова)</p> <p>2.2. Матннинг онгли ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида "Инсерт" усулини қўлайди (2-илова)</p> <p>2.3. Матн мазмуни юзасидан фикрлашга йўнатилувчи савол ва тошириқлар билан мурожаат этади (3-илова)</p> <p>2.3. Матн юзасидан грамматик топшириқларни бажарадилар. (4-илова)</p>	<p>Кўришади, тинглашади.</p> <p>Тинглашади, фикрланади, муносабат билдиришади.</p> <p>Жавоб беришади.</p> <p>Тошириқларни ёзма бажарадилар.</p>
3-босқич. Якуний (10 дақиқа)	<p>3.1. Мавзу бўйича якуниловчи хулоса қилади, фаолият натижаларини изчиликда изоҳлаб беради, баҳолайди.</p> <p>3.2. Ўқувчилар гуҳунмаган айрим жиҳатларга саволларга жавоб бериш орқали аниқлик қирғайди.</p> <p>3.3. Мустақил ишлаш учун уи вазифаси беради: "Миллийлик ва мода" мавзусида фикрларни ёзма шакллантириб келиш</p>	<p>Тинглайди, хулоса чиқаради</p> <p>Саволлар берадилар. Мустақил ишлаш учун мавзуси ёзиб оладилар.</p>

ЎЗБЕК МИЛЛАТИНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШИ

Халқ ўзини ҳақиқий мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг ифодаловчиси, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиши жараёнида шаклланди. Ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаши унинг миллат сифатида шаклланишининг нисбатан юқори босқичида рўй берди. Бу — мураккаб жараён бўлди. Чунки миллатимиз вакилларининг кўпчилигида ўзининг жузвий манфаатларидан умуммиллий манфаатларни устувор қўя билиши ҳисси ўта секинлик билан намоён бўлди.

Ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаши унинг миллий онгидан фарқ қилади. Унинг миллий онги ягона тили, урф-одатлари, анъаналари, кадриятлари ва маънавиятининг наstdан юқорига, оддийдан мураккабга томон ривожланиб бориши жараёнида намоён бўлган бўлса, бу онгнинг ўз навбатида такомиллашиши ўзбек миллатини ўз-ўзини англаш даражасига кўтарди. Миллий онгимиз миллатимизнинг ўзига хослиги асосида ривожланиб бориши бўлса, миллий ўз-ўзини англаш миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишида ва ривожлантиришида ички маънавий-руҳий салоҳият сифатида ўзини намоён этди ва этмоқда.

Ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаши бевосита моддий куч сифатида миллатимиз шаъни, кадр-қиммати, обрў-эътибори, орномуси поймол этилганда ёки унинг моддий ва маънавий манфаатларига зид ҳаракатлар ва ҳолатларда намоён бўлди. Шўро йилларида миллатимизнинг шаъни, кадр-қиммати, ор-номуси, обрў-эътибори ва манфаатлари поймол этилди. Шў боисдан миллатимиз вакиллари, қайси лавозимда хизмат қилиши, бой ёки камбағал бўлишидан қатъий назар, ягона умуммиллий куч бўлиб бирлашдилар ва миллатимизнинг ўзлигини ҳимоя қилдилар. Бу нарса, айниқса, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериши учун бир неча ой давом этган курашида ёрқин намоён бўлди.

Демак, ўз-ўзини англаш миллатимизнинг моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилувчи омилдир. Бу омил миллатимиз тараққиёти жараёнида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишида уни жипслаштирмоқда ва умуммақсадлар йўлида ҳаракатга келтирмоқда. Ўз-ўзини англаш миллатимизнинг абадийлигини таъминлашининг муҳим омилдир.

Ўзбек миллати тараққиётида миллий ўз-ўзини англаш жараёни

Россия империяси ўлкамизни босиб олгандан кейин ўз мустақиллигимиз учун курашларда, шўролар тузуми шароитида ўзлигимизни сақлаб қолиш учун бўлган ҳаракатларда намоён бўлиб келди. Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин миллий ўзлигимизни англаш икки йўналишда: собиқ шўролар даврида топталган урф-одатларимиз, кадр-қимматимиз, кадриятларимизни тиклаш ва маънавий меросимизни ўзлаштиришга бўлган ҳаракатларда ҳамда янги адолатли демократик ҳуқуқ устуворлигига асосланган жамият қуриш ҳаракатларида намоён бўлмоқда. Миллат сифатида ўз-ўзимизни англашимиз бизни ўзга миллатлардан ажралиб қолишга олиб келмаяпти, балки ўзлигимизни англаб миллатимизнинг бошқа миллатлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаб бормоқда.

Мустақиллик шароитида ўзбек халқининг ўз-ўзини англашини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айни бир вақтда, Ўзбекистонда истиқомат қилиб турган бошқа миллатлар ва элатлар вакиллари ҳам миллий жиҳатдан ўз-ўзини англашлари, бунинг учун эса онг ва ҳаракатлари билан мустақил Ўзбекистон олға сураётган ва барча миллатларнинг эҳтиёж ва талабларига мос тадбирларни қўллаб-қувватлашлари зарур.

Миллий ўз-ўзини англаш масаласи фалсафа ва руҳиятшунослик фанида яхши ишланмаган соҳалардан биридир. Чоракам бир аср давомида ҳукмронлик қилган истибдод назарияси ва мафқураси изчиллик билан ўзбек миллатини бошқа миллатлар билан яқинлаштириш ва аста-секин қўшиб юбориш сиёсатини амалга оширди. Бу эса, миллатимизда ўзликни, ўз-ўзини англаш ҳиссини, миллий гуруримизнинг ўсишини сустлаштирди. Ҳолбуки, тарихий тажриба шуни кўрсатадики, ҳозирги давр, бу — миллатларнинг гуллаб-яшнаш даври, демак, уларнинг миллий ўз-ўзини англаш ҳиссининг ўсиш ва мустаҳкамланиш давридир.

(“Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати” китоби, 310-бет)

"Инсерт" технологиясини қўллаш тартиби:

Ушбу усул индивидуал фаолият бўлиб, ахборотни ўзлаштиришга оғли равишда ёндолиш, баҳолаш, матн мазмунини қайта онгда шакллантириши ва хотирада узок вақт сақлаб қолишга эришини мақсадда қўлланади.

- ◆ Матнни ўқиш жараёнида матннинг ҳар бир сатр боши ёки қисми мазмунини баҳолаб, варақнинг чап томонига махсус белги қўйиб берилади.
- ◆ "Y" -агар ўқиганингиз сиз билган маълумотларга мос тушса,
- ◆ "-" -агар ўқиганингиз сиз билган маълумотларга қарама-қарши бўлса;
- ◆ "+" -агар ўқиганингиз сиз учун янги ахборот бўлса;
- ◆ "?" -агар ўқиганингиз сиз учун тушунарсиз бўлса ва сиз қўшимча маълумотга эҳтиёж сезсангиз;
- ◆ матн шартли белгилар воситасида белгиланиб, яхлит тасаввур ҳссил қилинганч. варақларни ўқитувчи йиғиштириб олади;
- ◆ дастлаб "-" билан белгиланган қисмлар муҳокама этилади;
- ◆ сўнгра "?" белгиси қўйилган қисмлар юзасидан ўқитувчи қўшимча тушуинтириш олиб бориш орқали масалага яқун ясади.

Матн мазмунига доир савол ва топшириқлар

1. Англаш атаманинг луғавий маъносини айтинг.
2. Ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаши нега давлат сиёсати даражасига қўтарилди?
3. Ўзликни англаш нега мураккаб жараён сифатида таяқин этилади?
4. Миллий ўзликни англаш нималарда ёки қандай жараёнларда акс этади.
5. Ўзликни англаш қандай омилларга боғлиқ.
6. Ўз-ўзини англашнинг моддий ва маънавий манфаатларга дахлдорлиги борми?
7. Миллатнинг ўз-ўзини англаши нималарда акс этади?
8. Англаш руҳиятини сингдириш учун мамлакатимизда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Ўзбек тилининг изоҳли луғатидан "англаш" "ўзлик" сўзларни топинг ва изоҳини дафтарингизга кўчириб ёзинг.
9. "Миллат сифатида ўз-ўзимизни англашимиз бизни ўзга миллатлардан ажралиб қолишга олиб келмаяпти. балки ўзлигимизни англаб миллатимизнинг бошқа миллатлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаб бормоқда". Ушбу фикрни ҳаётий мисоллар воситасида шарҳланг.

Грамматик топшириқлар:

1. "Англаш" сўзининг товуш таркибини аниқланг.
2. "Мустақиллик" сўзидаги ундош товушларни ажратинг. Уларнинг жарангли ва жарангсиз жуфтларини топинг. Сунгра ушбу жуфтликларнинг умумлаштирувчи ва фарқловчи белгиларини кўрсатинг.
3. Магндан талаффузи ёзилишидан фарқли бўлган ундошларни топинг ва сабабини изоҳланг.
4. "Ўзликни англаш" бирикмасини муваффақ сифатида тилшуносликка оид атамалар билан тулдириг.

Ў-лик нисбат	А-
З-	Н-
Л-	Г-
И-	Д-
К-	А-
Н-	Ш-
И	

5-йўналиш

Миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш

Мавзу: Товуш ва фонема. Унли ва ундош товушлар таснифи
Машғулотнинг технологик харитаси

Дарснинг мақсади	Таълимий: янги мавзу юзасидан билим ҳосил қилиш. Тарбиявий: ўқувчиларга англаш руҳиятини сингдириш Ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг эркин фикрлаш салоҳиятини устариш ва фикрнинг оғзаки баён этиш кўникмаларини шакллантириш.	
Дарс тури	Янги билим бериш, мустаҳкамлаш.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Ўқитиш усуллари: оғзаки баён, "Ақлни ҳужум", ёзма ишлар. Ўқитиш шакллари: ялпи, яқка, кичик гуруҳлар билан ишлар. Ўқитиш воситалари: проектор, слайдлар. Мониторинг ва баҳолаш: оғзаки ва ёзма назорат, биргаликда баҳолаш, рабатлантириш, 5 балли тизимда баҳолаш.	
Ишлаш босқичлари, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш (15 даққа)	1.1. Мавзунинг ва ушбу дарс машғулотидан кузатилган мақсадни эълон қилади, биринчи машғулотнинг мақсадини айтади. 1.2. Талабаларнинг диққатини тўпдан ва барқани фаоллаштириш учун ақлий ҳужум уюштиради: Ўзбек халқининг ўзига хос, бошқа халқларда учрамайдиган қандай қадриятларини айтиб бера оласиз? (1-илова) 1.3. Ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштириш ҳамда фикрни хулосалани мақсадига Н.А.Каримовнинг мавзуга алоқадор фикри берилган слайдни намойиш этади. (2-илова)	Тинглашади, куришади. Тинглашади, муҳокама қилинади, бир-бирининг фикрига муносабат билдиришади Куришади, тинглашади.

<p>2-босқич. Асосий (55 дақиқа)</p>	<p>2.1. Экранга "Миллий қадриятлар" маърифий матнини чиқаради ва ўқиб беради. (3-илова)</p> <p>2.2. Матн мазмунини юзасидан фикрлашга йўналтирувчи савол ва топиширқлар билан мувожаат этади (4-илова)</p> <p>2.3. Дарснинг таълимий мақсадини амалга ошириш мақсадида матн асосида грамматик топиширқлар беради. (5-илова).</p>	<p>Кўришасди, тинчланасди.</p> <p>Тинчланасди, фикрлашасди, кластер тузишасди, муносабат билдиришасди, жавоб беришасди.</p> <p>Топиширқларни бажаришасди, туруҳларга ақрелинади, ёздаи ва ўқиб берадилар</p>
<p>3-босқич. Якуний (10 дақиқа)</p>	<p>3.1. Мавзу бўйича якунийловчи хулоса қиладш, фаолият натижаларини ичишликда ичишлик беради, баҳолайди.</p> <p>3.2. Уқувчилар қилунамани айрым жиҳатларга саволларга жавоб бериш орқали аниқлик киритади.</p> <p>3.3. Муостақил ишлаш учун уй асифасат беради: "Ҳашиар-лга яранар" мавзусида ижодий ишлаш ёзини</p>	<p>Тинчланди, хулоса чиқаради</p> <p>Саволлар берадилар.</p> <p>Муостақил ишлаш учун ижодий ишлаш мавзусини ёзиб олади.</p>

1-илова

"Ақлий ҳужум" технологиясини қўллаш тартиби:

Ушбу усул ҳам индивидуал, ҳам ҳамкорлик асосидаги фаолият бўлиб, ижодий, андозасиз тафаккурни шакллантириш манбаи ҳисобланади. Ундан дарснинг барча босқичларида фойдаланиш мумкин. Муаммо чегарасини кенгайтириш ва фикрлар хилма-хиллигига эришиш мақсадида қўлланади.

- ◆ Ўртага муаммоли савол таълилади;
- ◆ иштирокчиларнинг барчаси ушбу муаммо ёнини юзасидан ўз фикрини билдиради;
- ◆ билдирилган фикрлар баҳоланмайди ва танқид қилинмайди;
- ◆ жавоблар сифатига эмас, сонига қаралади, фикрлар қанча кўп бўлса, шунча яхши;
- ◆ жавобларнинг қисқа ва тўнда бўлиши талаб этилади;
- ◆ истаган фикрни мукаммаллантириш ва ривожлантириш мумкин;
- ◆ муҳокама сўнгида ўқитувчи кўмагида мавжуд фикрлар умумлаштирилади.

2-илова

Маълумки, азаддан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келган. Ўзаро меҳр-оқибат, ақиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силан, туй-томоша, ҳашиар ва маъракаларни кўнчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизгагина хос урф-одад ва анъаналар аввалданбор маҳалли муҳитида шаклланган ва ривожланган.

И. А. Қаримовнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асаридан. (58-бет)

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Миллий қадриятлар — миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ қадрият шакллари. Дунёда ўзига хос қадриятлари бўлмаган миллат йўқ. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши туфайли миллий қадриятларга эътибор кучайди. Зеро, миллий қадриятлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан биридир. Халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос тарзида келаётган миллий қадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланган. Улар она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, ҳаё, андиша каби хусусиятларнинг устуворлиги, бошқа халқларникига ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-русмлар, маросимлар ва анъаналар билан тавсифланади.

Маълумки, қадриятлар муайян шароитларда шаклланади. Шу сабабли, улар маҳаллий, миллий, минтақавий шакллар ва умуминсоний шакл ва мазмунда мавжуд бўлади. Маҳаллий қадриятларнинг энг етуклари ва миллий манфаатларга мослари аста-секин сараланиб, умуммиллий даражага кўтарилади. Миллий муҳит қадриятларни яратиш ва саралашнинг асосий манбаидир: у миллий қадриятларнинг энг яхшиларини вояга етказиб, жаҳон миқёсига олиб чиқади.

Шуни айтиш лозимки, халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб кетган ҳашар одати истиқлол даврида янгича маъно-мазмунга эга бўлиб, умуммиллий анъана тусини олгани барчамизни мамнун этади. Ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказиладиган умумхалқ ҳашарлари бунинг тасдиғидир. Ана шу ҳашарлар пайтида маҳалла ва гузарлар, йўллар ва майдонлар, боғу-роғларни тартибга келтириш, дов-дарахтлар ўтқозиш, кам таъминланган, муҳтож оилалар, ёлғиз ва қаровчисиз кексаларга амалий ёрдам кўрсатиш, ҳеч шубҳасиз, жамият тафаккурининг янгиланишига кучли таъсир қилмоқда.

(“Миллий гоё: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати” китоби, 219-бет)

Матн мазмунига оид ошпириқлар:

1. Миллий қадриятларимиз нималарда ўз аксини топган? Уларни сананг.
2. Жаҳон миқёсидаги миллий қадриятларимизга қайсылар кирди?
3. Миллий қадриятларнинг юксак маънавиятга шахс тарбиясидаги ўрни ҳақидаги фикрларингиз.
4. Миллий ва диний қадриятлар уйғуллигининг сабабларини айтнинг.
5. Урф-одатларимизнинг "диний" ниқоб остида топталишини ҳаётий мисоллар асосида тушунтириңг.
6. Сизнингча "замонавий маросимлар" миллий қадриятми?
7. "...эзгу одатимизга айланиб келган меҳр-оқибат тушунчасини оладиган бўлсак, унинг жуда терең тарихий, миллий, диний илдизлари борлигини кўриш мумкин". Президентимиз бу ўринда тарихий, миллий, диний илдизлар деганда нимани назарда тутган? Ҳар бирини алоҳида шарҳланг.
8. Миллий қадриятлар тақомилида миллий муҳитнинг ўрни ҳусусидаги фикрингизни билдириңг. Уларни Президент Каримовнинг "Юксак маънавият - энгилмас куч" асаридаги мисоллар орқали далилланг.

Грамматик топшириқлар

1. Матнда берилган биринчи галдан "и" товуши иштирок этган сўзларни ажратиб ёзинг. Ҳар бир сўзда "и" фонемасининг унга ҳос вариант тарзида намоён бўлиши ва унинг сабаблари ҳусусида ҳулоса чиқариңг.
2. "Қадрият" сўзининг товуш таркибини таҳлил қилиңг. Унлиларни ажратиңг. Уларнинг талаффузига диққат қилиңг.
3. "Маънавият" сўзидаги "а" товушларининг ҳар бир уриндаги талаффузига диққат қилиңг. Фарқли жиҳатларини топиңг. Сабабини изоҳланг.
4. Унлиларни ёзиб, уларга тавсиф бериңг.

6-йўналиш

Мустаҳкам эътиқод ва масъулият ҳиссини сингдириш
Мавзу: Ўзбек ёзуви тарихи. Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси. Янги алифбода унли ва ундошларнинг ифодаланиши.

Инсон яшар экан, албатта, унинг ҳаётда ўзи ишонадиган ва гаянадиган тамойиллари-эътиқоди мавжуд бўлади. Эътиқодсиз кишилар бундай ҳаётий тамойилларга ҳам эга бўлмайди. Бундай инсонлар мақсадсиз ва жоҳил кивилардир.

Инсонда онгли ва изчил эътиқод жамият, ижтимоий муҳит, санъат, ҳусусан, адабиёт ёрдамида ривожланиши мумкин. Инсон тафаккуридаги ғоялар унинг эътиқодини бошқаради, ақл ва виждонини ҳам ўша ғояларга мустаҳкам боғлайди. Шунинг учун

ҳам ёшларда эзгу гоёларга таянадиган эътиқод ва ишончни тарбиялаш гоётада муҳимдир.

Шарқ маънавий дунёси дарғаларидан бири бўлмиш Фузулий инсоннинг фақат ақли, ахлоқи ва дунёқараши билангина эмас, руҳи, қалби ва ҳиссиёт олами билан ҳам қизиққан. Маълумки, инсон руҳонияти эътиқодга суянади. Эътиқод асосида эса масъулият ҳисси шаклланади. Инсон ўз эътиқодини ҳақ деб билади. Бу эса унда бирёқлама қарашларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Фузулий айнан шу муаммо устида изланиб, динлар, мазҳаблар, турли таълимотлар, мазҳаблар, тариқату оқимлардаги умумий ва хусусий жиҳатларни чуқур ўрганади, талқин қилади. Шоир эътиқод маҳдудлигига ҳушёрлик билан ёндошган. “Маҳдудлик атамаси чекланганлик, чекланиб қолиш”¹ маъноларини билдириб, эътиқод маҳдудлиги эса фақат ўз эътиқодинигина ҳақ деб билиб, ўз фикрлари билан қотиб қолишни билдиради. Фузулийнинг эътирофига кўра, “Эътиқодлар муҳталифдур ва масалаларнинг ҳақиқати кўпинча ақлнинг назаридан яширин қолур. Шу боис ҳар қайси бир эътиқод соҳиби масаланинг чин моҳиятини билмасдан ўз эътиқоди ила маҳдудлашур”². Демак, юз бераётган воқеликларнинг чин моҳиятини фақат ўз эътиқодимиз, нуқтаи назаримиз билангина эмас, бошқа фикрларни ҳам қиёсан ўрганиш, таҳлил қилиш билангина англашимиз мумкин. У муттасил ривожланиши, замон билан ҳамнафас бойиб бориши, миллий ва умуминсоний қадриятлар, жаҳон тараққиётининг энг сўнгги моддий ва маънавий ютуқларини ўзида мужассамлаштириб бориши даркор. Акс ҳолда у маҳдудлашади. “Эътиқод маҳдудлашар экан, тафаккур қаноти қирқилади, қалб саҳнида қаҳр, ғазаб, нафрат, жаҳолат белгилари кўзга ташлана бошлайди. Ва охир-оқибат инсон маҳдудлик, калтабинлик, манманлик қулига, ўз қобилидан нарига чиқа олмайдиган бир маҳлуққа айланади”³. Бундай кимсадан эса эзгу гоё, эзгу ташаббус, эзгу иш кутиш амримаҳол. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун ўқувчи-талабаларнинг эътиқодини эзгу асосда шакллантириб, бойитиб бориш, эътиқод олдигаги масъулият ҳиссини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли дугати. Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”. 2006, 573-бет.

² Қаранг: Иброҳим Ҳаққул. Тақдир ва тафаккур. Т.: “Шарқ”. 2007, 170-бет

³ Иброҳим Ҳаққул. Тақдир ва тафаккур. Т.: “Шарқ”. 2007, 171-бет

Мавзу: Ўзбек ёзуви тарихи. Латин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси. Янги алифбода унли ва ундошларнинг ифодаланиши

Машгулотнинг технологик харитаси

Дарснинг мақсади	Таълимий: янги мавзу юзасидан билим ҳосил қилиш. Тарбиявий: ўқувчиларда аниқдан рўҳиятини синиқлирини Ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг таъқидини фикрлаш ва юрфиятини устирини ва фикрини оғаки ва ёзма басын янги кўпикмаларини шакллантирини	
Дарс тури	Янги билим берини мустақкамлаш.	
Ўқув-жараёнини амалга ошириш технологияси	Ўқитиш усуллари: оғаки басын, "Минбар", ёзма машқлар. Ўқитиш шакллари: янги, яқки, кичик гуруҳлар билан ишлаш. Ўқитиш воситалари: проектор, слайдлар, флипчарт, маркерлар. Мониторинг ва баҳолаш: оғаки ва ёзма назорат, биргалликда баҳолаш, раёбатлантирини, 5 баъли тилима баҳолаш.	
Ишлаш босқичлари, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Мавзунини ва машгулотнинг мақсадинини айтлади. 1.2. Таъқидини даврдан сунги "Минбар" усулида уш вазифасининг бажаришдан инини назорат қилади. Хар бир билдирилган фикрини муҳокамага тавсия этади.(1-илова)	Тинглашади. Тинглашади, муҳокама қилашади.
2-босқич. Асосий (55 дақиқа)	2.1. Экранга "Этикада" маърифатини матнинини чиқаради ва ўқиб беради. (2-илова) 2.2. Матини мазмуни юзасидан фикрлашга йуналтирувчи савол ва топшириқлар билан муурожаат этади.(3-илова) 2.3. Дарснинг таълимий мақсадинини амалга оширини мақсадида матини асосида грамматик топшириқлар беради. (4-илова).	Кўришади, тинглашади. Тинглашади, фикрлашади, жавоб беришади. Топшириқларини бажаришади, гуруҳларга ажратилишди, ёқки ва ўқиб берадилар.
3-босқич. Яқвий (10 дақиқа)	2.1. Экранга "Этикада" маърифатини матнинини чиқаради ва ўқиб беради. (2-илова) 2.2. Матини мазмуни юзасидан фикрлашга йуналтирувчи савол ва топшириқлар билан муурожаат этади.(3-илова) 2.3. Дарснинг таълимий мақсадинини амалга оширини мақсадида матини асосида грамматик топшириқлар беради. (4-илова).	Кўришади, тинглашади. Тинглашади, фикрлашади, жавоб беришади. Топшириқларини бажаришади, гуруҳларга ажратилишди, ёқки ва ўқиб берадилар.

"Минбар" технологияси

- талабаларни мустақил танқидий фикрлашга, мавжуд билимларни ўрганиб, янги қирраларни кашф этишга, жамоата ўз фикри билан таъсир ўтказиб ҳамда фикрini қисқа ва лўнда ифодаланига ўргатади;
- бу усулдан дарснинг барча босқичларида фойдаланиш мумкин;
- уй вазифаси, ўтилган мавзу ҳатто ўтилажак мавзу юзасидан мавжуд билимлар ва таклифларни кўриб чиқиши мумкин;
- ўқувчи белгиланган мавзу ёки муаммо бўйича таклиф ва тавсияларни регламентга риоя қилган ҳолда қисқа ва аниқ ифодалайди;
- минбарда билдирилган барча фикрлар индивидуал таҳлили қилинади ва энг маъқул учта таклиф овоз бериб йўли билан аниқланади;
- энг яхши таклиф муаллифлари баҳоланади.

2-илова

ЭЪТИҚОД

Эътиқод (арабча-ишонмоқ, имон, амин бўлмоқ) — инсон фаолияти учун маънавий асос, йўл-йўриқ ва мўлжал бўлиб хизмат қилувчи, ақл, ҳис ва ирода воситасида англашган билимлар, ғоя ва тасавурлар ифодаси бўлган тушунча.

Эътиқод инсоннинг вояга етиши жараёнида шаклланади. Билимларнинг ўзлаштирилиши ва тўпланиб бориши ўз-ўзидан кишининг ижодий, аниқ мақсадни кўздловчи фаолиятига олиб келавермайди. Инсон бирор ишни бошлашдан аввал аниқ мақсадни белгилаб олади. Бу эса эҳтиёжлар, манфаатлар ва тажриба билан боғлиқ ҳолда кечиб, ўзлаштирилган билимларнинг амалда қўлланиш имкониятлари ҳам баҳоланади. Шу тарзда инсоннинг тўпланган билимлари, эҳтиёжи ва манфаатлари, ҳаётий тажрибаси асосида ҳаракат қилиш заруриятини англаши жараёнида муайян эътиқод шаклланади. У инсон фаолиятининг изчил, мазмунли, манتيқий, мақсадли бўлишига олиб келади.

Ижтимоий жиҳатдан эътиқод инсоннинг фаолиятга бўлган муносабатини (алоқадорлик ҳолатини) ҳам ифодалайди. Билим ва ғоялар инсоннинг ҳам ақли, ҳам қалби билан ўзлаштириб олинганидагина эътиқодга айланади. Инсон маънавиятининг шаклланиши давомида барча билимлар ҳам тўлиқ қабул қилинавермайди, ўзлаштирилавермайди, балки ҳар бир шахс ўзига хос қарашилар, ғоялар, ҳис-туйғуларга эга бўлади. У янги билимларни қайта баҳолайди, уларни такрор ва такрор танқидий ўзлаштиради ва англайди. Бу жараёнда кишининг манфаатдорлиги даражаси, уларнинг эҳтиёж ва қизиқишлари ҳам муҳим роль ўйнайди.

Дунёни англаш жиҳатдан эътиқод оннинг зарур элементи ҳамда инсон фаолиятининг муҳим ҳолати ҳамдир. У кишиларнинг турли ҳодиса ва жараёнларга, ғоя ва мақсадларга, ҳиссиёт ва туйғуларга бўлган қатъий ишончига таянади. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига эга бўла олади. Бунда унинг билим даражаси, турмуш тарзи ва яшаш шароити, дунёқараши ва ижтимоий мавқеининг ҳам улкан таъсири бор

Ҳаёт ҳодисаларига иккиланиб муносабатда бўлиш, журъатсизлик, эътиборсизлик ва бефарқлик киши эътиқодининг бўлиши ёки ҳатто эътиқодсизлигидан далолат беради. Бундай кишилар кўпинча бошқаларга эргашиб ёки тақлид қилиб яшайдилар. Уларда аниқ қадрият мезонлари ва мақсад бўлмайди. Шароитга қараб гоҳ у, гоҳ бу томонга огадилар. Уларнинг фаолиятида мантиқ ва изчиллик етишмайди. Эътиқодий бўшлиқ иллати тараққиёт йўлига тев бўлиши муқаррар. Шунинг учун, кишиларда ижтимоий қадриятларга, буюк келажакка, тараққиётга бўлган ишончни, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга бўлган эътиқодни шакллантириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Агар эътиқод экстремистик, ирқий, шовинистик, тор сиёсий ва иқтисодий манфаатлар билан чекланган бўлса, бундай ҳолда у бузғунчиликка, беқарорликка хизмат қилиши, тараққиётга тўсиқ бўлиши муқаррар. Тараққиётга, ҳурликка етакловчи ишонч ва эътиқод билан бузғунчи, адамчи, адаштирувчи, ёлгон «эътиқод»ни фарқлаш жуда муҳим. Миллий истиқлол ғояси мустақил Ўзбекистон фуқароларининг умумий манфаат ва қадриятларини ифодалайди ҳамда маккланаётган соғлом ва баркамол авлод эътиқодининг мазмун-моҳиятини белгилайди.

(“Миллий ғоя: гарғибот технологиялари ва атамалар луғати” китоби, 303-бет)

Матн мазмунига оид топшириқлар

1. Ўзбек тилининг изоҳли дугатидан эътиқод ва масъулият сўзларини толиб, изоҳи билан кўчиринг.
2. "Эътиқодий бўшлиқ-тараққиёт душмани" деган фикрни ҳаётий мисоллар билан исботланг.
3. Сизнингча эътиқод қандай шаклланади?
4. Дунёвий эътиқод тушунчасини шарҳланг. У нималарга ўз аксини топади.
5. Сиз масъулиятни қандай тушунасиз. Унинг бурч ва вазифа тушунчаларидан фарқли томонлари нимада?
6. Эътиқод ва масъулият тушунчалари шахс маънавиятини шакллантиришга қай даражада дахлдор деб ҳисоблаймиз?
7. Ўзбек халқи тарихда қайси асрларда қандай ёзувлардан фойдаланган?
8. Лотин графикасига асосланган ўзбек ёзувини жорий этишнинг зарурияти нимада?
9. Ажратиб кўрсатилган орфограммаларнинг ёзилишга диққат қилинг. Уларда оид қоидаларни эсланг.
10. Ўзбек ёзувининг тарихий тараққиётига оид интернет материалларини йиғинг ва таҳлил қилинг.

Грамматик топшириқлар:

1. Матндаги ажратиб кўрсатилган сўзларнинг талаффузи ва ёзилишига эътибор беринг. Ундошларнинг ва унлиларнинг талаффузи ва ёзилишидаги фарқли жиҳатлар хусусида хулоса чиқаринг.
2. Эътиқод, эътиқоднинг, эътиқодсизлигидан, эътиқодий сўзларидаги "д" ундошининг талаффузига ва ёзилишига эътибор беринг. Турли ўринларда турлича талаффуз қилинишининг сабабини айтинг.
3. Матндаги кўш ундошли, қатор ундошли, қўш унли ва қатор унлили сўзларни ажратинг. Уларнинг ёзилиши ва талаффузига диққат қилинг.

7-йўналиш**Диний бағрикенглик гоёсини сингдириш****Мавзу: Фонетик ҳодисалар. Қўш ундошлар ва қатор ундошлар талаффузи ва имлоси**

Маълумки, мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимизнинг маънавий қадриятлари қайтадан эъозлана бошлади, жумладан, диний эътиқодларимизга ҳам кенг йўл очилди. Диний эътиқод ва виждон эркинлигининг ҳуқуқий кафолати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунининг 4-моддасида ўз аксини

топган. Ўзбекистон кўп миллатли, кўп конфессияли давлат бўлганлиги учун ҳам диний бағрикенглик жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси онгида устувор бўлиши лозим. Бугунги кунда республикамызда 15 та ноисломий конфессияга мансуб 185 та ташкилот фаолият олиб бормоқда. Мазкур ташкилотлар қайси динга эътиқод қилишидан қатъий назар бир хил ҳуқуқий мақомга эга.

Австрия ёзувчиси С.Швейг айтилики, виждон эркинлигига тенглаша оладиган қураат йўқ. Шаҳарларни вайрон этиш, ҳокимиятларни ер билан яксон айлашга қодир куч ҳам Виждон эркини таслим қилмайди¹. Чиндан ҳам бизнинг тарихимиздаги барҳаёт сиймоларнинг деярли барчаси энг оғир, энг мураккаб шарт-шароитларда ҳам ақлни кишанлашдан озод айлаш, фикр хурлигига етишиш, виждон эркинлигига йўл очиш учун курашганлар. Уларнинг қўлида қуроли бўлмаган. Лекин илм ва маърифат кучига суяниб, қурол ва лашкар билан қўлга киритиб бўлмайдиган зафарларга эришган.

Мавлоно Румий бир рубойида: «Етмиш икки миллат сиррини биздан тингланг, биз икки юз мазҳаб аҳли ила бир пардада сўзлашадиган найга ўхшаймиз», – дейди. Юнус Эмро эса “Етмиш икки миллатни бир куз ила кўрмаган. Шарънинг авлиёси эсада, ҳақиқатда осийдир” деган фикрни илгари суради². Кўринадики, Шарқнинг бу икки буюк мутафаккири миллий тавофутлар, диний қарашлар хилма-хиллиги маънавият ва маърифат олдида аҳамиятсиз жиҳатлар эканлигини, уларнинг барчасига ИНСОН деган нуқтаи назардан ёндошиш лозимлигини уқтиради. Шунинг учун ҳам баркамол авлод тарбиясида диний бағрикенглик ғоясини синглиришга алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир.

¹ Қаранг: Иброҳим Ҳаққул, Тақдир ва тафаккур. Ё: “Шарқ”, 2007

² Қаранг: Иброҳим Ҳаққул, Тақдир ва тафаккур. Ё: “Шарқ”, 2007, 151-бет

Мавзу: Фонетик ҳодисалар. Қўш ундошлар ва қатор ундошлар талаффузи ва имлоси

Мангулотнинг технологик харитаси

Дарсинг мақсади	<p>Таълимий: янги мавзу юзасидан билим ҳосил қилини.</p> <p>Тарбиявий: ўқувчиларга андан руҳиятини сингадирини</p> <p>Ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш саноҳиятини устирини ва фикрини озгаки баён этини қуникмаларини шакллантирини.</p>	
Даре тури	Янги билим берни, мустақамлани.	
Ўқув жараёсини амалга оширини технологияси	<p>Ўқитиш усуллари: озгаки баён, "Ақлий ҳужум", "Шаҳсий фикр".</p> <p>Ўқитиш шакллари: язин, якка, кичик гуруҳлар билан ишлаш.</p> <p>Ўқитиш воситалари: проектор, слайдлар, флипчарт, маркерлар, А4 форматли қоғоз.</p> <p>Мониторинг ва баҳолаш: озгаки ва ёзма назорат, биргалликда баҳолаш, раббаглантирини, 5 балли тизимда баҳолаш.</p>	
Ишлаш босқичлари, вақти	Фоалият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	<p>1.1. Мавзунини ва мангулотнинг мақсадини антади.</p> <p>1.2. Талабаларнинг билимларини жонлаштирини учун муаммоли савол билан ақлий ҳужум уюштирадди: Ислоҳ динида илм олнинга қан даражада эътибор қаратилганини биласизми?</p>	<p>Тинглашади, кўришади.</p> <p>Тинглашади, уйлашади, муносабат билдиришади.</p>
2-босқич. Асосий (55 дақиқа)	<p>2.1. Экранга "Диний баърикенлик" маърифий матнини чиқаради ва ўқиб беради. (1-илова)</p> <p>2.2. Матн мазмуни "Шаҳсий фикр" технологияси асосида таҳлил қилинади</p> <p>2.3. Дарсинг таълимий мақсадини амалга оширини мақсадида матн асосида грамматик топшириқлар беради. (3-илова).</p>	<p>Куршади, тинглашади.</p> <p>Тинглашади, фикрлашади, муносабат билдиришади, жавоб беришади.</p> <p>Топшириқларни бажаришади, гуруҳларга ажралишади, ёздилар</p>
3-босқич. Яқуний (10 дақиқа)	<p>3.1. Мавзу бўйича яқуновчи хулоса қилади, фоалият натижаларини изтиляликда изоҳлаб беради, баҳолайди.</p> <p>3.2. Ўқувчилар туйунмаган априм жиҳатларга саволларга жавоб бериши орқали аниқлик киригади.</p> <p>3.3. Мустақил ишлаш учун уй вазифаси беради: "Дуелик мангу, дуелик абадин" мавзусида ижодий ишшо ёзиш</p>	<p>Тинглайди, хулоса чиқаради</p> <p>Саволлар берадилар.</p> <p>Мустақил ишлаш учун ижодий ишшо мавзусини ёзиб оладилар.</p>

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК

Диний бағрикенглик (толерантлик) — хилма-хил диний эътиқодда бўлган кишиларнинг олижаноб гоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши, кишилик жамияти равнақи йўлида хизмат қилишини аниқлатади. Хозирда бу гоя эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки жамиятнинг барча аъзолари ҳамкорлигини назарда тутаси. Диний бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан қуришининг муҳим шартидир.

Қадимдан диёримизда буддавийлик, зардуштийлик, насронийлик, яҳудийлик, ислом динлари ёнма-ён яшаб келган, маданият марказлари ҳисобланган шаҳарларимизда масжид, черков, синагогалар фаолият кўрсатган. Уларда турли миллат, эл ва динга мансуб бўлган халқлар, қавмлар ўз диний амалларини эмин-эркин адо этган. Ватанимиз тарихининг энг мураккаб, зиддиятли, оғир давларида ҳам юртимиздаги мавжуд дин вакиллари орасида диний асосда можаролар бўлган эмас. Бу юртимиз халқларининг диний бағрикенглик борасида катта тажрибага эга бўлганидан далолат беради.

Хозирда мамлакатимизда ўн беш конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Уларга ўз диний маросимларини ўтказиш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиш учун зарур барча шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ҳуқуқий асослар Конституциясида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

(“Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати” китоби, 136-бет)

2-илова

Грамматик топшириқлар:

1. Фонетик ҳодисаларнинг нутқ ўстиришдаги аҳамиятини айтинг.
2. Ассимиляция, диссимиляция, метатеза каби фонетик ҳодисаларни аке эттирувчи грамматик матн тузинг.
3. Матндан талаффузда фонетик ҳодисага учрайдиган сузларни топинг ва гуруҳланг.

Ассимиляция	Диссимиляция	Метатеза	Ундонлау жарангсилашуви
Ўн(м) беш			Эътиқол (т) мансуб (п)
Говуш ортини шаро(й)итлар	Товуш тушуши Дини (й)		

8-йўналиш

Ўқувчиларда мантикий мушоҳада ва тафаккур салоҳиятини ўстириш

1-мавзу: *Орфография. Бўгин ва унинг турлари.*

2-мавзу: *Оҳанг ва унинг нутқдаги аҳамияти. Урғу
ва унинг нутқдаги аҳамияти*

Порлоқ келажак ҳақида орзу қилар эканмиз, фақат маънан кучли, қатъий эътиқодли, чуқур билимли ва эркин фикрли ШАХС билангина мақсадга эришиш мумкинлигини унутмаслигимиз, таълим ва тарбиянинг бутун кучини шунга сафарбар этишимиз даркор. Чунки, ҳаётга мустақил назари йўқ, мантиқан мушоҳада қила олмайдиган кимса ҳеч қачон ўз онги ва тафаккурига, дунёқарашига эга бўла олмайди. Бундайлардан халқ эмас. Абдулла Орипов таърифи билан айтганда, оломон пайдо бўлади. Улар ейди, ичади, кияди, яшайди, бироқ фикрламайди. Оломон атрофида юз бераётган ҳар қандай воқеликка бефарқ. Унинг ўз фикри йўқ.

“Бир ўйлаб кўрайлик, ўз мустақил фикрига эга бўлиш – бу нима дегани? Бу аввало кўп-кўп фикр ва мисолларни ўзаро солиштириб, қиёслаб, уларнинг ичидан яккаю ягона тўғри ҳақиқатни ажратиб олиш, уни ўз онгига сингдириш, шундан хулоса чиқариб яшашга қодир бўлиш демакдир”¹.

Демак, мустақил фикрлаш кўп ахборотга эга бўлиш, уларни ўзаро қиёслаш, таҳлил қилиш, ақл тарозисидан ўтказиш, хулосалаш ва улар ичидан энг тўғриси ажратиб олишни қамраб олувчи ақлий ва руҳий жараёндир. Ҳозирги ахборотнинг глобаллашуви ва интеграциялашуви жараёнида бу муаммо янада кескинлашмоқда.

Бугунги кунда “мафкуравий хуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилганида намоён бўлмоқда”². Лоқайд кимсалар эса тафаккур қўллигига маҳкум. У турли ёт таъсирларга осонгина берилади, ёвуз кучлар қўлида қуролга айланади. Ўсиб келаётган авлоднинг бундай ёвуз воситага айланиб қолмаслигини таъминлаш учун уларнинг тафаккурини, мантикий мушоҳадасини ўстириб бориш талаб қилинади.

¹ Каримов И.А. Энг асосли мезон ҳаёт ҳақиқатини аёс эътириш. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009, 9-бет.

² Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, 13-бет.

Фарзандларимизда мустақил мушоҳада, эркин тафаккур, соғлом фикрлаш қобилиятини такомиллаштирадик, ушундагина бундай таҳдикали вазиятларнинг олдини олган бўламиз.

Мавзу: Орфография. Бўгин ва унинг турлари. Машғулотнинг технологик харитаси

Дарснинг мақсади	<p>Таълимий: янги мавзу юзасидан билим ҳосил қилиш.</p> <p>Тарбиявий: ўқувчиларда таълим ва тарбияга оидги муносабатни шакллантириш.</p> <p>Ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг маънавий мушоҳада юритиш салоҳиятини ўстириш ва фикрлаш озаки баён ёни қуникмаларини шакллантириш.</p>	
Дарс тури	Янги билим бериш, мустақамлаш.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	<p>Ўқитиш усуллари: озаки баён. "Муаммоли вазият", "Тақдирот".</p> <p>Ўқитиш шакллари: янги, яқка, кичик туруҳлар билан ишлан.</p> <p>Ўқитиш воситалари: проектор, слайдлар, тақдирот учун фишкарт ва маркер.</p> <p>Мониторинг ва баҳолаш: озаки ва ёзма назорат, бирликлик баҳолаш, раёалантириш, 5 балли тизимда баҳолаш.</p>	
Ишлаш боскичлари, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	<p>1.1. Мавзунинг ва машғулотнинг мақсадини аниқлаш.</p> <p>1.2. Талабаларнинг билимларини жонлантириш ва барчани фаолаштириш учун муаммоли вазият яратили: "Қут-билим ва тафаккурда" эканлигини хаётини мисоллар ердимида исботлаш, тақдирот таёрлаш.</p>	<p>Тинглашади, қуришади.</p> <p>Тинглашади, муҳокама қилишади, фикрлади тақдиротини тайёрлайдилар.</p>
2-босқич. Асосий (55 дақиқа)	<p>2.1. Экранга "Тафаккур ва мушоҳада" маърифий матнини чиқаради ва ўқиб беради. (1-илова)</p> <p>2.2. Матн мазмуни юзасидан фикрдашга нуналтирувчи савол ва топшириқлар билан мувожаат этади(2-илова)</p> <p>2.3. Дарснинг таълимий мақсадиди матн асосида грамматик топшириқлар беради. (3-илова).</p>	<p>Қуришади, тинглашади.</p> <p>Тинглашади, муносабат билдиришади, жавоб беришади.</p> <p>Топшириқларни бажаришади, ёзди ва ўқиб берадилар</p>
3-босқич. Яқуний (10 дақиқа)	<p>3.1. Мавзу бўйича яқуловчи хулоса қилади, фаолият натижаларини иттиқликда изоҳлаб беради, баҳолайди.</p> <p>3.2. Ўқувчилар тушунмаган айрим жиҳатларга саволларга жавоб бериш орқали аниқлик киритади.</p> <p>3.3. Мустақил ишлаш учун ун вазифаси беради: "Мустақил фикрлаш уни нима?" мавзусида ижодий ишхо ёзиш</p>	<p>Тинглашди, хулоса чиқаради</p> <p>Саволлар берадилар. Мустақил ишлаш учун ижодий ишхо мавзусини ёзиб оладилар.</p>

Тафаккур ва мушоҳада

Инсонга таҳлил ва тафаккур қобилияти берилганлиги — Аллоҳнинг буюк иноятидир. Ушбу инъом доимо Ҳақ йўлида истифода этилиши зарур. Демак, фақат ўзи таҳлил ва тафаккур билан эришган билимларига ишониб қолмай, ўзгалар билимини ҳам эътиборга олмақ, ўзи ва ўзгалар билимини ҳолис қиёслаб, ўз ҳавоий-нафсидан Ҳақ билими, яъни ҳақиқатни устун қўя билимоқ керак.

Инсоний билимлар бир нечта турга бўлинади:

- а) ўзга инсонлардан етиб келган билимлар, яъни нақлий билимлар;
- б) инсон ўз тафаккури билан етишган билимлар, яъни ақлий билимлар.

Инсоннинг ўзи мустақил эришган билимлари яна бир нечта турга бўлинади:

- 1) ҳаётни кузатаб ва таҳлил этиб ҳосил қилинган билимлар;
- 2) мантиқий билим, яъни билган нарсаларини ўзаро фикрий қиёслаш ва таҳлил қилиш орқали ҳосил қилинган билимлар;
- 3) амалий фаолият жараёнида ва ёки ўрганиш билан ҳосил қилинган малака ва кўникмалар шаклидаги билим.

Ушбу барча билим турларининг ўзаро мувозанатда сақланиши ниҳоятда муҳимдир. Яъни, биринчидан, мантиқий тафаккур натижасида эришилган назарий билим ва инсоннинг амалий фаолият жараёнида ҳосил бўлган амалий малака ва кўникмалари ўзаро уйғунликда олиб қаралиши мақсадга мувофиқ бўлса, иккинчидан, инсоннинг ўзи эришган ва ўзгалар ҳосил қилган билимлари ҳам уйғунлаштирилиши зарур.

Ўзгалар билими деганда яна икки гуруҳ билим назарда тутилади:

- а) сизнинг атрофингиздаги, сиз билан жонли мулоқотга кириши мумкин бўлган инсонлар билими;
- б) ўтмиш аجدодлар ва бутун инсониятдан манбалар орқали етиб келган билим;

Бу билим ҳам икки турга бўлинади:

- а) ёзма матн ҳолидаги билимлар;
 - в) турли ашёларда муҳрланган амалий билим натижалари;
- Бу икки билимни англаб етиш йўллари ҳам ўзига хос бўлади.

Демак, ҳар бир инсон ўзининг назарий ва амалий билимларини, ўзи ва ўзгалар ҳосил қилган билимларни, ўтмиш аجدодлар ва замондошлар билимларини, илоҳий китобларда хидоят учун берилган

билимлар билан инсон тафаккури ҳосил қилган билимларни қиёслаб ва ўзаро уйғунлаштиришга ҳаракат қилиб борса, унинг адашув эҳтимоли камаюди ва бунда билимлар ишончлироқ бўла боради.

(“Миллий маънавиятимиз асослари” китобидан олинди. 400-бет.)

2-илова

Матн мазмунига доир топшириқлар:

1. Назарий билим ва амалий билим тушунчаларини шарҳланг ва мисоллар келтиринг.
2. Билим, кўникма, малака атамаларининг мазмун-моҳиятини тушунтиринг.
3. Манتيқий мушоҳада ва нутқнинг боғлиқлиги нималарда кўрилади, қин-қировли куиларда очилган гулларни кўриб баҳри-дилиниг очилади. Гапдаги мантиқий хатони топинг. Ўзингиз ҳам мисоллар келтиринг.

3-илова

Грамматик топшириқлар

4. Матндаги сўзларни қайси орфографик тамойил асосида ёзилишига кўра тўрт устунга ажратиб ёзинг.

Фонетик тамойил	Морфологик тамойил	Анъанавий тамойил	Шаклий тамойил

5. Кирилл ва латин алифбосига асосланган ўзбек орфографиясидаги фарқли жиҳатларни айтинг ва ёзинг. Матндан мисоллар келтиринг.

6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати алифбосига асосланган ўзбек орфографиясидаги фарқли жиҳатларни айтинг ва ёзинг. Матндан мисоллар келтиринг.

7. Уйда Ўзбек тилининг изоҳли луғати (2006 йил, 5 жилдлик) да ҳар бир ҳарфга оид печта сўз берилганлигини сананг ва сониини лафгарингизга ёзинг.

9-йўналиш

Тарихий хотирани шакллантириш

Мавзу: Сўзларнинг морфем таркиби. Етакчи ва кўмакчи морфемалар

Қадимги юнон файласуфларидан бири Августин шундай дейди: “Мабодо гафлатда ётган халқни уйғотмоқчи бўлсанг, аввало унинг тарихини уйғот”. Дарҳақиқат, тарихилан беҳабар халқ гафлат

уйқусидадир. Унинг онги-шуурини, қалбини гафлат сояси ўраб олади. Бундай халқ қаёққа етакласангиз кетаверадиган гофил оломонга айланади. Шунинг учун ҳам тарихни уйғотиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Президентимиз: «Миллатнинг маданий савияси унинг ўз тарихига бўлган муносабати билан белгиланади», деганда юз карра ҳақ эдилар. Юртбошимиз тарихий онгни шакллантиришга Ватанимиз тарихига янгича ёндашиш, унинг турли жараёнлари ва воқеаларига адолатли баҳо бериш, қадимги даврдан то бизнинг замонамизгача бўлган бой ўтмишимизни аниқ ёндашувлар асосида ўрганиш, тадқиқ этиш билангина эришиш мумкинлигини таъкидлайди.

Зеро, миллат, давлат, жамият тақдири ҳал бўлаётган паллада ўзликимизни англаш, маънавий илдизларимизни унутмаслик катта аҳамиятга эга. Шўро даврида тарихимиз атайлаб сохталаштирилганини эътиборга олсак, асл тарихимизни тиклаш орқали тарихий хотирани шакллантириш қонуний зарурият ҳамдир. Тарихни англаш нафақат бугунги куннинг муаммоларини ҳал қилишда, балки келажак учун ҳам катта аҳамиятга молик. Негаки, ўтмишни билмай туриб, ҳозирги давр моҳиятини билиш ва келажакдаги мақсад-муддаоларни тўғри белгилаш қийин.

Ҳаққоний тарихни билмасдан, уни фалсафий таҳлил қилмасдан, ўзликни англаш, юксак маданият, маънавият ва маърифатга эришиш мумкин эмас. Тарихий ҳақиқатни тиклаш учун бизга мерос сифатида етиб келган манбаларни жиддий ўрганиб, ўтмишга янгича ёндашишимиз даркор. «Биз, — дейди И.А.Каримов, — ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарихий хотираси бор инсон-иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир. Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди»¹.

Биз бугун она Ватани тақдирини тўла ўз қўлига олиб, ўз тарихини, буюк ўтмишини янгидан кашф қилиб, янгилаётган бахтли авлод кишилари сифатида тарих ва келажак олдида ўз масъуллигимизни хотирадан чиқармаслигимиз керак.

¹ Каримов И.А. Адолатли жамият сари. Т.: "Ўзбекистон". 1998, 38-39-бет.

Мавзу: Сўзларнинг морфем таркиби. Етакчи ва кўмакчи морфемалар

Машгулотнинг технологик харитаси

Дарсининг мақсади	<p>Таълимий: янги мавзу юзасидан билим ҳосил қилиш</p> <p>Тарбиявий: уқувчиларда тарихий хотирани шакллантириш.</p> <p>Ривожлантирувчи: уқувчиларнинг таъқидий фикрларни сазоқдорлигини устариш ва фикрнинг орқаки ва ёзма баён этиш қуликмадларини шакллантириш</p>	
Дарс тури	Янги билим бериш, мустақкамлаш.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	<p>Ўқитиш усуллари: орқаки баён, "Ақлий ҳужум", "БОК".</p> <p>Ўқитиш шакллари: я.ш.п. яқка, унчак турушлар билан ишлар.</p> <p>Ўқитиш воситалари: проектор, слайдлар, флипчарт, маркерлар, А4 форматли қоғоз.</p> <p>Мониторинг ва баҳолаш: орқаки ва ёзма назорат, биргаликда баҳолаш, рабобатлантириш, 5 баъли тилишда баҳолаш.</p>	
Ишлаган босқичлари, вақти	Фаолият мазмунини	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзу а қирини (15 дақиқа)	<p>1.1. Мавзунинг ва машгулотнинг мақсадини айтади.</p> <p>1.3.Талабаларнинг билимларини жонланттириш ва барчалани фаолашлантириш учун муаммоли савол билан мувожадат этади: Тараққийёт учун қай бири муҳим: улми-шимиздан сабоқ олтишим, ривожлантидан давлатлар тажрибасидан сабоқ олтишим? Буниш учун "БОК - барча омиеларга қара" стратегияси қўлланиди. (1-илова)</p>	<p>Тингланади, қўришади.</p> <p>Тингланади, муҳокама қилинади, барча омиеларни урганиб чиқиб, ҳар иккаси муҳим эканлигини аниқлаб есадилар.</p>
2-босқич. Асосий (55 дақиқа)	<p>2.1. Экранга "Тарихий хотира" мағрифати мағзини чиқарани ва ўқиб беради. (2-илова)</p> <p>2.2. Мағн мазмунини юзасидан фикрларга нунаттирувчи савол ва тошириқлар билан мувожадат этади.(3-илова)</p> <p>2.3.Дарсининг таълимий мақсадини амалга ошириш мақсадида мағн асосида грамматик тошириқлар беради. (4-илова).</p>	<p>Қўришади, тинглан ади.</p> <p>Тингланади, фикрланади, муносбат билдиришади, жавоб беришади</p> <p>Тошириқларни бажаришади, ёзани ва ўқиб беради</p>
3-босқич. Яқуний (10 дақиқа)	<p>3.1. Мавзу бунича яқунлий ҳулоса қилиши, фаолият натижаларини ишчилликда ишоқлаб беради, баҳолашади.</p> <p>3.2. Уқувчилар тунуммаган айрим жиддиларни саволларга жавоб бериш орқали аниқлик қиришади.</p> <p>3.3. Мустақил ишлар учун ун вазибаси беради: "Тарихий хотирани билан келажакни билорат қилишдир" мавзусида ижодий ишга ёзани</p>	<p>Тинглайди, ҳулоса чиқаради</p> <p>Саволлар берадилар.</p> <p>Мустақил ишлар учун ижодий ишга мавзусини ёзиб олади</p>

"БОҚ" технологиясини қўллаш тартиби:

Ушбу усул идрокни кенгайтиришга қаратилган. Фаолият бўлиб, муайян муаммони ўрганишда, баҳолашда ва ечишда барча омилларни эътиборга олишни ўргатади. Шу орқали пировардида масаланинг тўғри ҳал этилишига олиб келади.

- ◆ Муаммонинг ҳар икки элементи алоҳида ўрганиб чиқилади;
- ◆ ҳар бир элементни тапқил этувчи омиллар руйхати тузилади;
- ◆ ҳар бир омил муайян стандарт вазиятда қандай натижаларга олиб келиши бирма-бир кўриб чиқилади;
- ◆ сўнгра барча омиллар биргаликда муайян стандарт вазиятда қандай натижаларга олиб келиши ўрганиб чиқилади;
- ◆ ўрганиш натижаларига қараб хулоса қабул қилинади.

2-илова

ТАРИХИЙ ХОТИРА

Тарихий хотира — инсон маънавиятининг ажралмас қисми, ўтмишни билиш, уни қадрлаш, ундан сабоқ олиш натижаси. Бу борада Президент Ислоҳ Каримовнинг «Тарихий хотирасиз — келажак йўқ» номли асари катта аҳамиятга эга. Унда ўтмишга ҳолис ёндашиш, уни қадрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди, уларни дилга жо этиб, бунёдкорлик ва яратиш йўлидан изчил боришга ундайди.

Буюк мутафаккир Беруний таъкидлаганидек, «ўтмиш келажакнинг калитидир». Мустақиллик туфайли халқимиз тили, маданияти, урф-одатлари, анъаналари, қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўз тарихини билиш имконига эга бўлди.

Тарихни илмий ўрганиш натижалари ҳозирги Ўзбекистон замини жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири бўлганини кўрсатади. Бу қадимий маданият ўчоғидан кўплаб атоқли алломалар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Жаҳон цивилизациясининг ривожда юртимизнинг салмоғи катта. Қадим замонларда қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача қимматини йўқотмаган осори атиқаларимиз бу замида азалдан деҳқончилик, ҳунармандчилик, меъморчилик ва шаҳарсозлик маданияти юксак бўлганидан далолат беради. Энг қадимги тош ёзувлар, битиклардан тортиб кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, килё, фалакиёт, меъморчилик, деҳқончиликка оид минглаб асарлар

бизнинг беқиёс маданий ва маънавий бойлигимиз, фахримиздир. Бундай катта маданий меросга эга бўлган халқнинг келажаги ҳам норлоқ бўлиши аниқ.

Тарихий хотира қанчалик бой, мазмунли бўлса, халқ шунчалик уюлган. ҳамжиҳат, улуғвор ишларни бажаришга қодир бўлади. Тарихий хотиранинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири ўз ўтмишидан фахрланиш туйғусидир. Дунёда ҳудуди Ўзбекистондан бир неча марта катта бўлган баъзи давлатлар ҳам аҳолиси ўтроқ бўлиб яшашни бошлаган мозийнинг азалийлиги, ўнлаб шаҳарларининг тарихи 2500 йилдан ортиқроқ эканлиги билан ғурурлана олмайд.

Бир сўз билан айтганда, тарих шундай манбаки, у инсоннинг ўзини англаши, жамият олдидagi бурчи, аждодлар руҳи олдидagi маъсулятини тўғри тушунишига, истиқболни тўғри белгилашга имкон беради.

«Ўзликни англаш тарихни билшидан боиланади. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлиш демакдир»

(“Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар дугати” китоби, 268-бет)

3-илова

Матн мазмунига доир савол ва топшириқлар

1. Тарихий хотирани акс эттирувчи атамаларни ёзинг.
2. Матндаги охириги фикр асосида мунозара ташкил қилинг.

4-илова

Грамматик топшириқлар

1. Матндаги биринчи хатбошини морфемаларга ажратинг. Ундон и етакчи ва кўмакчи морфемалар сонини аниқланг.
2. Матндаги кўмакчи морфемаларни синтактик муносабат билдиришига кўра гурӯҳланг ва жадвални тўлдиринг.

Синтактик муносабат билдирган

Синтактик муносабат билдирмаган

10-йўналиш Мафқуравий иммунитетни шакллантириш

Тарих тажрибасидан маълумки, дунё яралгандан буён икки куч – бунёдкорлик ва бузғунчилик ғоялари ҳамиша ўзаро курашади. Бунёдкор ғоя инсонни улуглайди, унинг руҳига қанот бағишлайди. Бузғунчи ғоя ва мафқуралар эса инсоният тарихида қора харфлар билан ёзилган урушлар орқали бизга маълум. Бугунги глобаллашув шароитида турли бузғунчи ғоя ва мафқураларнинг тарқалиш имкониятлари мислсиз даражада ортган. Хусусан Ўзбекистон ҳудудида салбий таъсирини ўтказаятган қуйидаги мафқуравий таҳдидларни қайд этиш мумкин:



Мафкуравий таъсир ва таҳдидлар ҳақида гап кетар экан, уларни аниқлаш, баҳолаш, хусусиятларини яққол кўрсатиш учун Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан илмий муомаллага «мафкуравий иммунитет» тушунчаси масаланинг моҳиятини ўзида тўла аке эггиради. Мафкуравий иммунитетга эга шахс юқорида санаб утилган вайронкор мафкуралар таъсирига берилмайди, соғлом тафаккур билан фикр юритади ва тўғри йўлдан оғишмайди.

«Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган ингилиш ва ҳаракатлар домий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар», – деб ёзади Президентимиз. Шундай экан, вояга етаётган ҳар бир фарзандимизни маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун, бир сўз билан айтганда, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий шартларидан ва таълим-тарбия тизими олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Мавзу: Қўшимчаларда маънодошлик, шаклдошлик ва зиддошлик ҳодисаси **Машғулотнинг технологик харитаси**

Дарснинг мақсади	Таълимий: янги мавзу юзасидан билим ҳосил қилиш. Тарбиявий: ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш. Ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг таълимий фойдали саъодиятини ўстириш ва фикрнинг оғаки баён этиш кўникмаларини шакллантириш.	
Дарс тури	Янги билим берил, муҳоқамалаш.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Ўқитиш усуллари: оғаки баён, "Ақлни ҳужум", "Ветни диаграммаси". Ўқитиш шакллари: яшн, яқка, кичик гуруҳлар билан ишлан. Ўқитиш воситалари: проектор, слайдлар, флипчарт, маркерлар, А4 форматли қово. Мониторинг ва баҳолаш: оғаки ва ёзма назорат, бирликда баҳолаш, рабаълантириш, 5 баёни тизимда баҳолаш.	
Ишлаш босқичлари, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Мавзунини ва машғулотнинг мақсадини айтади. 1.2. Талабаларни фаолиштириш ва фикрлаш жараёнини юзага келтириш учун ақлни ҳужум уюштиради. Тапа соғломнинг организмнинг иммунитетни қай даражада беъилишга боғлиқ. Фикр соғломнинг-ни?	Тинглашади, қурибизди. Тинглашади, муҳокама қилинади

<p>2-босқич. Асосий (55 дақиқа)</p>	<p>2.1. Экранга "Мафкуравий иммунитет" маърифий матнини чиқаради ва ўқиб беради. (1-илова) 2.2. Матн мазмуни юзасидан фикрлашга гунайтирувчи савол ва топириқлар билан мувожаат этади. Бу жараённи "Вени диаграммаси асосида танқил этади."(2-илова) 2.3. Дарснинг таълимни мақсадини амалга ошириш мақсадида матн асосида грамматик топириқлар беради. (5-илова)</p>	<p>Куришади, тинглашади. Тинглашади, фикрлашади, муносабат билдиришади Топириқларни бажаришади. гуруҳларга ажратишади, ёзди.</p>
<p>3-босқич. Якуний (10 дақиқа)</p>	<p>3.1. Мавзу бўйича яқунловчи хулоса қилади, фаолият натижаларини янчиликда изоҳлаб беради. баҳолайди. 3.2. Уқувчи тарғулулмаган айрим жиҳатларга саволларга жавоб бериш орқали аниқлик киритиши. 3.3. Мустақил ишлаш учун уш вазифаси беради: "Жаҳолатга қарши маърифат билан..." мавзусида ижодий ишшо ёзиш</p>	<p>Тинглайди, хулоса чиқаради Саволлар берадилар. Ижодий ишшо мавзусини ёзиб олади.</p>

1-илова

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ

Мафкуравий иммунитет — шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоялашга хизмат қилувчи тизим.

Иммунитет тиббий тушунча бўлиб, у организмнинг доимий ички муайянлигини сақлашга, турли ташқи таъсирлардан, инфекциялардан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуини ифодалайди. Сoddарoқ қилиб айтганда, иммунитет - организмнинг ўз-ўзини турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилиятидир.

Мафкуравий иммунитетнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин. Биринчидан, инсоннинг умумий иммунитет тизими туғма бўлса, мафкуравий иммунитет шакллантириб бoрилади. Иккинчидан, у ҳар бир авлод учун алоҳида хусусиятга эга бўлади. Учинчидан, иммунитет тизими шакллангандагина жамиятда мафкуравий дахлсизлик таъминланади.

Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи элементи билимдир. Аммо билимларнинг ҳам тури кўп. Масалан, буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси тарафдорлари ҳам муайян «билим»ларга таянадилар. Шундай экан, мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятининг боийиши, халқ ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лoзим. Улар

ўз моҳиятга эътиборига кўра, Ватан ва миллат манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак.

Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий элементи ача шундай илгор билимлар замирида нақлланадиган баҳолар, қадриятлар тизимидир. Зеро, билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган баҳолар, қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва зарарли ғоялар йўлида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади.

Аmmo билимлар ва қадриятлар тизимининг ўзи мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайдди. Зеро, бу икки элемент мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим элементи, яъни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий соҳалардаги мақсадлар тизими билан боғлиқ. Бундай аниқ мақсадлар тизими бўлмас экан, инсон, миллат ёки жамоият, гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазйиқларга бардош бериши амримаҳол.

("Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар дугаги" китоби, 191-бет)

2-илова

"ВЕНН диаграммаси"ни қўллаш тартиби:

Ушбу усул таққослаш, фарқлаш ва умумлаштириш каби мантиқий амалларни қўллаш орқали амалга ошириладиган фаоллият бўлиб, муайян муаммони ўрганишда қисмларни энгилан ва қиёслаш орқали умумий ва хусусий жиҳатларини аниқлашни ўргатади.

- ◆ Шаронга кўра кичик гуруҳларга бўлининг;
- ◆ "тиббий иммунитет" ҳамда "мафкуравий иммунитет" тушунчалари юзасидан мавжуд билимларингизни ўзаро ўртоқлашинг;
- ◆ ҳар икки тушунчанинг ўзинга хос алоҳида хусусиятларини белгиланг;
- ◆ ҳар иккала тушунча учун умумий бўлган жиҳатларни белгиланг ;
- ◆ умумий ва хусусий жиҳатларни қиёслаш ва хулоса чиқаринг.

Грамматик топшириқлар

1. Олд қўшимчалар қандай сўз туркумдарига қўшилади. Мисоллар келтиринг.
2. Матндаги сўз ясовчи қўшимчаларни аниқлаб ва гуруҳларга ажратинг.
3. Ўзбек халқ мақолларидан зид маъноли қўшимчалар қўлланишига доир мисоллар топинг.
4. Мавзуга оид тушунчаларни акс эттирувчи бошқотирма тайёрлаб келинг.
5. Матндан шаклдошлик ҳусусиятига эга бўлган қўшимча мавжуд бўлган сўзларни топинг. Ўзингиз унинг шаклдошлигига мисол топинг. Мисол, билдим-сўз ясовчи: китобим- эғалик қўшимчаси, синтактик шакл ясовчи.

11-йўналиш

Ўқувчиларда нафосат туйғусини камол топтириш
Мавзу: Қавс, қўп нуқта ва тире. Уларнинг қўлланиши

Тарбия узлуксиз давом этадиган кенг қамровли жараён ҳисобланади. Нафосат тарбияси ҳам юксак маънавиятли баркамол шахс тарбиясининг зарурий узви ҳисобланади. Маълумки, инсонларни маънавий етукликка кўтаришда, тафаккурини чархлаш, дунёқарашини теранлаштиришда, қалбини завқ-шавққа тўлдириш, уларнинг нурли келажакка бўлган умид ва ишончини мустаҳкамлашда адабиёт ва санъат ҳаминша асосий ўрин тутиб келади.

Инсон тафаккури ва тажрибасининг боқий хазиналари минг йиллар оша сўзда жамланади ва абадул-абад яшайди.

“Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг муҳандислари деб таърифланиши бежиз эмас, албатта”¹. Чиндан ҳам юксак маънавиятли шахсни тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг беқиёс ўрни бор. Бадиий асарлардан олинган таассурот, кечинмалар ўқувчи қалбини мусаффо қилади, дил-фаросатини ўстиради, гўзалликка ошно этади, энг муҳими, ҳаётга муҳаббат уйғотади.

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Ё: “Маънавият”, 2008, 136-бет.

Мавзу: Қавс, кўп нуқта ва тире. Уларнинг қўлланиши

Машғулотнинг технологик харитаси

Дарснинг мақсади	Таълимий: янги мавзу юзасидан билим ҳосил қилиш. Тарбиявий: ўқувчиларга англаш руҳиятини синглириш Ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш салоҳиятини ўстириш ва фикрINI оғзаки баён этиш куникmalarINI шакллантириш.	
Дарс тури	Янги билим бериш, мустақкамланиш.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Ўқитиш усуллари: оғзаки баён, "Актив ҳужум", "Тақдимот". Ўқитиш шакллари: яли, якка, кичик гуруҳлар билан ишлаш. Ўқитиш воситалари: проектор, слайдлар, тақдимот учун филпчарт, маркерлар, А4 форматли қоғоз. Мониторинг ва баҳолаш: оғзаки ва ёзма назорат, биргаликда баҳолаш, рағбатлантириш, 5 балли тизимда баҳолаш.	
Ишлаш босқичлари, вақти	Феолният мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Мавзунинг ва машғулотнинг мақсадининг аниқлиги 1.2. Талабаларнинг билимларининг жонлантириш ва барқарор фаоллантириш учун муаммолни савол билан мурожаат этили: Санъат ва адабиётсиз жамият бўлиши мумкинми? Сиз уни қандаш тасаввур этасиз? Тақдимот таяйрлаш.	Тингланади, куришади. Ўйланади, муҳокама қилишади, муносабат билдиринади.
2-босқич. Асосий (55 дақиқа)	2.1. Экранга "Санъат ва адабиёт-нафосат тарбиясининг асоси" маърифий матнининг чиқаради ва ўқиб беради. (1-илова) 2.2. Матн мазмуни юзасидан фикрдашга йўналтирувчи савол ва топшириқлар билан мурожаат этили(2-илова) 2.3. Дарснинг таълимий мақсадининг амалга ошириш мақсадида матн асосида грамматик топшириқлар беради. (3-илова)	Куришади, тингланади. Тингланади, фикрланади, муносабат билдиринади, жавоб беришади. Топшириқларни бажаришади, савол ва ўқиб берадилар
3-босқич. Якуний (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича якундовчи хулоса қилади, феолният натижаларининг ишончликда натижа беради, баҳолини. 3.2. Ўқувчилар тушулмаган аниқ жидатларга саволларга жавоб бериш орқали аниқлик киришади. 3.3. Мустақил ишлаш учун уш вазифаси беради: "Санъатсиз ҳаёт ваҳшаниликлар" мавзусида ижобий иншо этиш	Тинглайди, хулоса чиқаради Саволлар берадилар. Мустақил ишлаш учун ижобий иншо мавзусининг савол берадилар.

Санъат ва адабиёт – нафосат тарбиясининг асоси

Нафосат уйғунликка асосланади, шу сабабли маънавий тарбиянинг энг таъсирчан воситасидир. Нафосат туйғуси инсонга адабиёт ва санъат воситасида сингдирилади. Санъат асарлари инсонга ҳам ибрат, ҳам ақл, тафаккур, ҳам туйғу, ҳис-ҳаяжон, ҳам тимсоллар воситасида таъсир этади. Мумтоз санъат асари эса Борлиқ ҳақиқати ҳақида уйғун тасаввур бера олади. Асли шунга эриша олмаса, у мумтоз санъат эмас. Илмий истеъдод ва бадийий истеъдод бошқа-бошқа нарсалар, аммо тарихдан маълумки, улғу санъаткорлар ва буюк алломалар фақат бир томонлама истеъдод эгалари бўлишган эмас.

Агар мантиқий тафаккур ҳар бир нарса-ҳодисани қисмларга ажратиб илмий тушунчалар ёрдамида таҳлил қилишга уринса, бадийий тафаккур воқеликни яхлит уйғунликда идрок этишга уринади. Бунинг учун турли рамзлар, тимсоллар, ишора ва ташибеҳ (ўхшатиш)лардан фойдаланади. Бадийий тил рамзу ишоралар тилидир. Агар илм тилини мутахассисларгина тушунса, бадийий ижод маҳсули кўпчиликка тақдим этилади. Бадийий тафаккур яратган дунё санъат дунёсидир. Илм фақат инсон ақлига мурожаят қилса, ҳақиқий санъат асари инсоннинг ҳам ақли, ҳам туйғуларини жунбушга келтиради. Шу сабабдан санъатнинг илмдан қамрови кенгроқдир. Санъаткор файласуф сингари воқеликни илмий изоҳлашга уринмайди, балки унинг муайян талқинини яратиб, уни ўзгаларга беихтиёр юқтириши йўлидан боради. Санъатнинг таъсир кучи ундаги тимсолий тафаккур қудратидандир.

Санъат, жумладан, бадийий адабиёт ўзликни англаб этишининг мустақил бир йўлидир.

Санъат турлари беҳисоб, уларнинг ҳар бири воқеликда мавжуд муайян имкондан фойдаланади. Ҳайкалтарош тошни «жонлантиради», мусаввир ранглар товланишини ишга солади, муסיқа санъати қадимгилар ишончига кўра, инсон туйғуларига, бевосита коинот уйғунлигига олиб кирувчи восита ҳисобланади. Аммо бадийий тафаккурнинг энг қудратли ва имкониятлари чексиз воситаси бадийий сўздир.

Инсон хатти-ҳаракат, имо-ишора билан ҳам кўп нарсани тушунтира олади. Аммо, барибир сўз, инсон учун ахборот алмашувининг бош воситасидир. Санъатни ҳам ахли башарнинг ўзига хос ахборот алмашув воситаларидан бири деб қарасак, сўз санъати ушбу бадийият дунёсида алоҳида мавқега эгадир.

Адабиёт инсон тафаккурининг, маънавиятининг асоси ва бош озиғидир. Чунки унда ҳаёт акс этади. Аммо ўз ҳолича, кўзгудагидек эмас, балки муаллиф мақсадига бўйсуниб, унинг нигоҳи орқали сизга кўринади. Адабий асар кўз олингиздан кечаётган айқаш-уйқаш ҳодисалар гирдобини маълум маъно тизимига жойлаб, ундан сизнинг кўзингизга, онгингизга маъно, мазмун чиқариб беради.

Эндигина ҳарфни ҳарфга уриштириб китоб ўқишига ўрганган беш-етти ёшли бола теварак-атрофдаги ҳаётни қандай таҳлил қилиб, тўғри хулосалар чиқара олади? Бунинг учун унга ким ёрдам беради? Албатта, биринчи навбатда, она ва отаси, она-акалари, тарбиячилари, атроф-муҳитдаги инсонлар таъсири бўлади. Бироқ, ушбу инсонлар кўрсатадиган таъсир, улар гапирадиган гаплар ўз навбатида уларнинг онг ва савия даражасига, уларнинг ўзи ҳаётни қандай тушунишига боғлиқ. Китоб эса, агар арзиғулик китоб бўлса, маълум маънода, умумбашарият тажрибаси асосида ёзилган, ҳаётнинг бир қиррасини бола учун тушунарли усулда умумбашарият маънавий олами кўзгуси орқали хайрли бир ният сари йўналтириб акс эттирган бўлади. Мана шу маънода адабиётни инсон маънавий дунёсининг шаклланишидаги илк ва озиқ восита дея оламиз.

Ёшлигидан китоб ўқишига ўрганган одам, одатда, фалсафий, сиёсий, диний адабиётдан бошламайди, аввал бадий адабиёт намуналари билан танишади. Агар бошқа бирор тур адабиёт қўлига тушганда ҳам, табиийки, бола тафаккури билан уни тушунишга қодир бўлмайди. Бадий асар ундай эмас, у етти яшардан етмиш яшаргача ҳаммага тушунарли, ҳамма ҳам ундан ўз фахм — фаросатига лойиқ бир ҳисса чиқара олади. Адабиёт — ибрат мактаби, меҳр парваришидир. Мумтоз адабиёт Борлиқ ҳақиқатининг ботиний жиҳатини зоҳирий тилмоллар воситасида мажозий баён этиш қудратига эга.

(“Миллий маънавиятимиз асослари”
китобидан олинди. 402-бет)

2-илова

Матн мазмунига доир савол ва товшириқлар

1. “Санъатта бахш умрнинг сўнгсиз мўъжизаси бор...” Нега?
2. Бадий адабиётнинг шахс тарбиясидаги ўрнини қандай баҳолайсиз?
3. Ушбу чизмани шарҳланг ва ёзинг.

Маънавият → санъат → шахс

4. Матндаги қўл нукта келтирилган ўринларга диққат қилинг. Тилиш белгининг қўлланилиш сабабини изоҳлаш. Фикрни давом эттиринг.

12-йўналиш

Соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш Мавзу: Қўштирноқ, икки нуқта ва нуқтали вергул. Уларнинг қўлланиш ўринлари

Биз бугун ҳар томонлама баркамол авлод ҳақида орзу қилар эканмиз, камолотга эришнининг асосий шартларидан бири саломатлик эканлигини ёдда тутмоғимиз даркор. Зеро, соғлом авлод – соғлом келажак пойдевори.

“Инсон баркамоллигини кўрсатувчи, турли истаклардан юқори турувчи мақсадлар тўртта: тан соғлиги, туйғулар соғломлиги, нарсаларни идрок этишга бўлган қобилият соғломлиги, интилишга бўлган қобилият соғломлиги”.¹ Демак, соғлик тушунчаси кенг қамровли бўлиб, соғлом турмуш тарзи ҳам нафақат жисмоний, балки инсон ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олмоғи лозим. Ўсиб келаётган авлодни соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида тарбиялаш кечиктириб бўлмас вазифадир.

Мавзу: Қўштирноқ, икки нуқта ва нуқтали вергул. Уларнинг қўлланиш ўринлари Машғулотнинг технологик харитаси

Дарснинг мақсади	Таълимий: янги мавзу юзасидан билим ҳосил қилиш. Тарбиявий: укучиларда соғлом турмуш тарзи маданиятини камол топтириш. Ривожлантирувчи: укучиларнинг таъқидий фикрлаш салоҳиятини устариш ва фикрнинг оғзаки баён этиш қушқмаларини шакллантириш.	
Дарс тури	Янги билим бериш, мустақкамлаш.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Ўқитиш усуллари: оғзаки баён. “Ақлий ҳужум”, “Тулуғчалар таҳлили”. Ўқитиш шакллари: ялиш, яқка, кичик гуруҳлар билан ишлаш. Ўқитиш воситалари: проектор, слайдлар, флипчарт, маркерлар. А4 форматли қоғоз. Мониторинг ва баҳолаш: оғзаки ва ёзма назорат, биргаликда баҳолаш, раёбатлантириш, 5 балли тизимда баҳолаш.	
Ишлаш босқичлари, вақти	Фаоллиг мазмуни	
	Ўқитувчи	Ҳалабалар
1-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Мавзунинг ҳамда машғулотнинг мақсадларини айтиш 1.2. Ҳалабаларнинг билимларини жонлантириш ва барчани фаоллаштириш учун муаммоларни савол билан муружаат этиш: Фикр соғломлиги деганда нимани тушунасан?	Ҳисланмаи, кўришади. Фикрлайдилар, муҳокама қилинади, муносабат билдиришади

¹Фаробий А.Н. Фозил одамлар шаҳри. Т.: Абдулла Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти. 1993. 134-бет.

<p>2-босқич. Асосий (55 дақиқа)</p>	<p>2.1. Экранга "Соғлом турмуш тарзи" маърифий матнини чиқарали ва ўқиб беради. (1-илова)</p> <p>2.2. Матн мазмуни юзасидан фикрланган пуналтиривчи савол ва тошириқлар асосида "Тушунчалар таҳлили" темологияси амалга оширилади.(2-илова)</p> <p>2.3.Даренини таълимни мақсадини амалга ошириш мақсадида матн асосида грамматик тошириқлар беради. (3-илова)</p>	<p>Куришади, тинчланади</p> <p>Тинчланади, фикрланади, муносабат бидирилади, жавоб беришади.</p> <p>Тошириқларини бажаришади, сзди ва ўқиб берадилар</p>
<p>3-босқич. Яқуний (10 дақиқа)</p>	<p>3.1. Мавду бунича яқуновчи ху юса китали, фаолият натижаларини ижилликка ивоқлаб беради, баҳолайди.</p> <p>3.2. Уқувчилар эвшунмаган ағрим жиҳдларга саволларга жавоб бериш орқали аниқлик киртади.</p> <p>3.3. Мустанкил ишланг учун уй вазифаси беради: "Менин кун тартибим" мавзусида ижодий иш езиши</p>	<p>Тинчлайди, худоса чиқарали</p> <p>Саволлар берадилар.</p> <p>Ижодий иш мавзусини ёзиб оладилар.</p>

1-илова

Соғлом турмуш тарзи

Юртбошимиз И.А.Каримов: ...фарзандларимиз соғлом негизда шакланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишидаги таъсирига бардош бериши амримаҳол, деган эди.

Ёшларда соғлом турмуш тарзи босқичларининг шаклланиш жараёнларини илмий таҳлил қилиш натижасида уни икки ўзаро боғланган таркибий қисмга ажратиш мумкин, биринчиси - маънавий-мафқуравий соғлом турмуш тарзи, иккинчиси - тиббий-жисмоний соғлом турмуш тарзи.

Ёшларнинг маънавий-мафқуравий соғлом турмуш тарзи таркибида қуйидаги масалалар ўз аксини топади:

- ёшларни фуқаролар сифатида англаш, уларни фуқаролар сифатида тарбиялаш ва вояга етказиш, фуқаролик ҳисси ва кўникмаларини ижтимоий-сиёсий қўлаб-қувватлаш;

- ёшларда мустақиллик мафқураси ва миллий истиқлол гоьларига, демократик қадриятларга эътиқодни шакллантириш, фуқаролик жамиятида яшаш кўникмаларини тарбиялаш, инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш ва тан олиш, ватанга садоқат ва унинг такомилли учун сидқидилдан хизмат қилиш руҳиятини бунёд қилиш;

- ёшларда интеллектуал салоҳият миллат генофондининг асл бойлиги эканлигини англаш, билимларни эгаллашга чанқоқлик ва истеъдодларни тан олиш тафаккурини шакллантириш, дунё

ривожги янги технологияларни эгаллаш ва ташкил қилишга қодир инсоний заҳираларни талаб қилиши билан боғлиқлигини тушуниши ва унга тайёрлик йўлидан боришга ҳар томонлама тайёрлаш;

- ёшлар онгида миллий қадриятлар ва урф-одатларнинг, умумбашарий ва умуминсоний мезонларнинг уйғунлик ва бир-бирини тўлдирган ҳолда тарбияланишига эришиши, ёшларнинг дунё иқтисодий, сиёсий ва маънавий муҳитига ўз ақидалари асосида интеграциялашувини таъминлаш, ёшларда ўз миллий дахлдорлигидан ғурур тафаккурини кучайтириши ва қатъийлаштириши;

- ёшларни демократик - фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат, амалга оширилаётган ислохотлар моҳияти бўйича билимларини мунтазам ошириб бориши, улар ҳуқуқий саводхонлигини таъминлаш, улар ҳуқуқларининг амалийлигига эришиши;

- ёшларни ҳар турли мафкуравий ёт ғоялар, хусусан, диний ақидапарастлик, ислом экстремизми ва радикализи, терроризм, «рангли инқилоблар», «сунъий демократиялар» каби бузғунчилик тафаккуридан озод қилиб тарбиялаш, барча мавжуд ёт ғояларнинг ғаразли мақсадларини фош этиши ва ўсиб келаётган авлод онига сингдириши, улардан ўз миллий мафкураси ва миллий манфаатларини асраш ва ҳимоялаш тафаккурини шакллантириши.

Ёшларнинг тиббий-жисмоний соғлом турмуш тарзи тамойилларини қуйидагича белгилаш мумкин:

«соғлом инсон - соғлом ота-она, соғлом ота-она - соғлом авлод, соғлом авлод - соғлом фуқаролар, соғлом фуқаролар - соғлом давлат, соғлом давлат - баркамоллик ва тараққиёт» ғоясини ёшлар онига кенг ва чуқур, илмий-назарий асосланган ҳолда сингдириши, улар тафаккурида ўз саломатлигига масъулиятли ёндашувни вужудга келтириши, «саломатлик - туман бойлик, саломатлик - келажак гарови» эканлигини кенг тарғибот қилиши;

- жисмоний тарбия ва спорт турлари билан мунтазам шугулланишини кенг тарғибот этиши, ёшларнинг жисмоний, тиббий ва руҳий саломатлигини таъминлашга эришиши, улар тафаккурида жисмоний тарбия, спорт ва тиббий саломатликка эътибор ҳисларини шакллантириши;

- соғлом турмуш тарзини шакллантиришида оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлигига эришиши, турли давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлик фаолиятларини йўлга қўйиши, мазкур ҳамкорликдан ёшлар манфаатларининг таъминланишига эришиши;

- ёшлар онгида меҳнат қилиши ва дам олишининг рационал

меъёрларининг мавжудлиги ва унга риоя қилишининг инсон саломатлиги учун аҳамияти, рационал овқатланиш меъёрлари ва маданияти, инсоннинг ўз саломатлигига муносабати борасидаги билим ва кўникмаларнинг шаклланишига эришиш;

- инсон саломатлигига таъсир этувчи экологик вазиятларнинг ижобий ва салбий оқибатларига нисбатан оғли муносабатни шакллантириш, экологик танг вазиятлардан ўз саломатлигини асраш кўникмалари ва билимларини ёшлар ичида тарғиб қилиш, экологик вазиятларни тўғри баҳолаш кўникмаларини шакллантириш орқали ёшларнинг ўз тупроғи ва Ватани тақдири олдида масъулиятли муносабатини шакллантириш;

- оила муқаддаслиги тамойили асосида ёшлар тафаккурида оилавий муносабатларга тайёрликнинг педагогик-психологик асосларини бунёд қилиш, уларнинг мустақил яшаш кўникмаларини ривожлантириш, оилани эъзозлаш, уш асраб-авайлаш, оилавий муносабатларда оилавий маданият тамойиллари, оиладаги соғлом турмуш тарзи қадриятларининг кенг илдиз отиши учун халқ ва ёшлар менталитетига кенг кириб бориш;

- ёшларга қаратилган турли тиббий таҳдидлардан асраш (наркомания, токсикомания, ОИТС ва юқумли жинсий касалликлар), зарарли одатлар (ичкиликбозлик, кашандалик)лардан муҳофаза қилиш мақсадида ёшлар ичида кенг тарғибот ва таъвиқот юритиши.

Шундай қилиб, соғлом турмуш тарзи билан алоқадор бўлган мезонлар тиббий кўрсаткичларни ҳам, жисмоний кўрсаткичларни ҳам, психологик ва руҳий кўрсаткичларни ҳам, шу билан бирга, инсон ички маданияти ва маънавияти билан боғлиқ ҳолат ҳамда унсурларни ҳам ўзида мужассам этади. Шу боис, соғлом турмуш тарзи доирасидаги тушунча жамиятдаги яратилган шарт ва шароитлардан ташқари инсоннинг ўз саломатлигига нечоғли масъулият билан ёндашиши ва эътиборлиги мезонларини ҳам ўз мазмунига қамраб олади.

(Журналдан)

"Тушунчалар таҳлили" технологиясини ўтказиш тартиби

Ушбу усул кичик гуруҳларда олиб бориладиган фаоллият тури бўлиб, муайян матндан асосий таянч тушунчаларни ажрата олини ва уларни аҳамияти, муҳимлиги ва мазмуни даражасига кўра муайян кетма-кетликда тартибланган ўргатади.

◆ Бу интерфаол технология талаба (ёки ўқувчи)ларга танқидий, таҳлилий ва аниқ мантиқий фикрлашларини муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз воқалари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, шунингдек, уни ҳимоя қилишга имконият яратди:

- ◆ талабалар шароит ва истакка асосан кичик гуруҳларга ажратилади;
- ◆ гуруҳларга қуйидаги топшириқлар берилади;
- ◆ матнни қуйидаги икки қисмга ажратинг:
 - маънавий-мафкуравий соғлом турмуш тарзи;
 - тиббий-жисмоний соғлом турмуш тарзи.
- ◆ матндаги фикрларни мазмун-моҳиятига кўра мана шу икки қисм остида бирлаштиринг;
- ◆ ажратилган фикрларни маънавий-мафкуравий соғлом турмуш тарзига оид ҳамда тиббий-жисмоний соғлом турмуш тарзига оид таянч тушунчалар шаклида умумлаштиринг;
- ◆ таянч тушунчаларни муҳимлиги ва аҳамиятига кўра кетма-кетликда тартиблаб чиқинг;

Грамматик топшириқлар

1. Қўштирноқ қачон ва қай ҳолатда қўлланилади?
2. Матндан (:) қўйилган ўринларни топинг ва ишлатилиши сабабини изоҳланг.
3. Матнда қўлланилган (:) белгисини топинг ва ишлатилиш сабабини тушунтиринг.
4. Матнда қўлланилган қўштирноқларнинг вазифасини тушунтиринг.
5. Матннинг биринчи хат бошидаги фикрга муносабатингизни билдириңг, тинчиш белгиларининг қўлланилишига диққат қилиңг. шарҳланг.

13-йўналиш

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш
Мавзу: Ўзбек тилининг янги имло қоидалари.

Ҳуқуқ — демократик жамиятда фуқаро эркинликларининг меъёридир. Биз тарбиялаётган ёшлар демократик жамиятнинг эркин фуқаролари сифатида ўз ҳуқуқ ва бурчларини англаб етмоғи, ўз хатти-ҳаракатлари ва фаолиятини онгли равишда бошқармоғи зарур. Президентимиз айтганларидек, ҳуқуқ ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлишига эришишимиз керак.

Бунинг учун таълимнинг барча бўғинларида ҳуқуқий тарбияни изчил олиб бормоғимиз талаб этилди.

Мавзу: Ўзбек тилининг янги имло қоидалари. Машғулотнинг технологик харитаси

Дарснинг мақсади	Таълимий: янги мавзу юзасидан билим ҳосил қилиш. Тарбиявий: ўқувчиларга ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданиятни қамол топтириш. Ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг эркин фикрлан саломиятини устирини ва фикрини оғваки баён этиш қуникмаларини шакллантириш.	
Дарс тури	Янги билим бериш. мустақкамлаш.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш техн. логияси	Ўқитиш усуллари: оғваки баён. "Видеокейс", "МСТ". Ўқитиш шакллари: ялпи, яқка, кичик гуруҳлар билан ишлаш. Ўқитиш воситалари: проектор, слайдлар, флипчарт, маркерлар, А4 формат.и қоғоз. Мониторинг ва баҳолаш: оғваки ва ёзма назорат, биргалликда баҳолаш, рағбатлантириш, 5 балли тизимда баҳолаш.	
Ишлаш босқичлари, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Мавзунинг ва дарс машғулотининг мақсадини айтатиш. 1.2. Талабаларининг билимларини довлантириш ва мавзуга эътиборини қаратиш учун видеокейс намоёнини этади. Видеолаваҳа уз ҳуқуқини билмаганлиги сабабли муаммоли вазиятларга душ келган ёшлар ҳақида буйини лозим. Агар видеокейс ўтказиш учун имконият бўлмаса газета ёки журналлардаги мавзуга оид мақолалардан фойдаланиш мумкин. Сунгра видеолаваҳа "МСТ" усулида таҳлил қилинади.(1-илова)	Тингашади, қўришади. Ўйлашади, муҳокама қилишади, бир-бирининг фикрига муносабат билдиришади
2-босқич. Асосий (55 дақиқа)	2.1. Экранга "Ҳуқуқий маданият" мазрифий матнини чиқаради ва ўқиб беради. (2-илова) 2.2. Матн мазмуни юзасидан фикрланга инуатирувчи савол ва тошириқлар билан муражаат этади.(3-илова) 2.3. Дарснинг таълимий мақсадини амалга ошириш мақсадида матн асосида грамматик тошириқлар беради. (4-илова)	Қўришади, тингашади. Тингашади, фикрланади, муносабат билдиришади Тошириқларни бажаривади, ёқаш ва ўқиб берадилар
3-босқич. Яқуний (10 дақиқа)	3.1. Мавзу буйинча яқунийдаги ҳулоса қилади, фаолият натижаларининг ирингликда вихолаб беради, баҳолавди. 3.2. Ўқувчилар гушунмиган янги жихалларга саволларга жавоб бериш оғваки аниқлик қилинади. 3.3. Мустақил ишлаш учун уй вазифаси беради: "Талабаларнинг ҳуқуқ ва бурчалари" мавзусида ижодий ишшо мавзусини ёзиб олашлар.	Тингашади, ҳулоса чиқаради Саволлар берадилар. Ижодий ишшо мавзусини ёзиб олашлар.

"МСТ (муаммо, сабаб, таклиф)" усулини утказиш тартиби

Ушбу усул кичик гуруҳларда олиб бориладиган фаолият тури бўлиб, муайян вазиятни мустақил баҳолай олиш, муаммони топиш, сабабларини аниқлаш ва қисқа вақт ичида ечимини мустақил излаш ва топшига ўргатади. Шу билан бирга, жавоб тақдироти даврида фикрли аниқ, изчил, дўнда ва маптиқли баён этишига ўрганадилар.

- ◆ Талабалар шариит ва истакка асосан кичик гуруҳларга ажратилади;
- ◆ ҳар бир гуруҳ берлиган вазиятдан ўзлари муаммо сифатида белгилаган жиҳатларни аниқлаб, ёзадилар;
- ◆ ҳар бир аниқланган муаммонинг остига уни келтириб чиқарган сабабларни ёзадилар;
- ◆ сўнггида эса ушбу муаммони ҳал қилиш ва уни юзага келтирган сабабларни бартараф этиш юзасидан таклифларини берадилар ва жавоб тақдиротини ўтказадилар;
- ◆ ўқитувчи гуруҳлар фаолиятини берилган вазиятдаги бош муаммоларни қай даражада тўғри белгилаганлиги, сабабларни қанчалик тўғри топганлиги ва берган таклифларининг самарадорлигига кўра баҳолайди;

2-илова

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

Ҳуқуқий маданият — умумий маданиятнинг муҳим қисми бўлиб, қуйидаги асосий таркибий қисмларни ўз ичига олади:

1. Давлат томонидан халқ ва жамоат бирлашмалари нуқтаи назарларини ҳам ифодаловчи ҳуқуқий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши. Бу сиёсат даврнинг руҳини ҳуқуқда ифодалаш лозим. Масалан, мустақиллик ва бозор муносабатлари билан боғлиқ масалалар ва вазифалар ҳуқуқий сиёсатдаги бош йўналишлардандир.

2. Юксак даражада ривожланган юридик фанларнинг мавжудлиги ҳуқуқий маданиятнинг муҳим қисмидир.

3. Кенг ва фаол ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг бир қисми бўлиб, у давлат ва ҳуқуқий воқеликлар ҳақидаги ғоялар, қарашлар, ҳис-туйғулар, фикрлар, кайфиятлар тизимидир. Ҳуқуқий онгда ҳуқуқий руҳият ва ҳуқуқий мафкура жиддий ўрин тутади.

4. Ҳуқуқий маданият — бу инсонларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиш даражасидир.

5. Илгари эришилган ва тўпланган барча ҳуқуқий тажриба, ҳуқуқий ёдгорликлар ва уларнинг оммага тарқатилиши ҳуқуқий маданиятга кирadi.

6. Амалидаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар: Конституция, қонунлар, кодекслар, фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий манбалар ҳуқуқий маданиятнинг асосини ташкил этади.

7. Ҳуқуқ ижодкорлиги маданияти, ҳуқуқ меъёрларини яратishi масаласи, юридик техника даражаси, масалан, де-путатлар ва аттарат хизматчиларининг ҳуқуқий билимлари, дунёқараши, ҳуқуққа ёндашуви қанчалик юқори ва ҳолисона бўлса, ҳуқуқий маданият ҳам шунчалик юксак бўлади.

8. Ҳуқуқни амалга ошириши ишларининг ташкил этилиши қанчалик юқори бўлса, у ҳуқуқий маданиятга ҳам ўз ижодий таъсирини кўрсатади ва аксинча.

9. Ҳуқуқий маданиятнинг яна бир қисми — ҳуқуқни амалга оширувчи давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ меъёрлари талаблари даражасида ҳамда доирасида ўз ҳуқуқи, бурчларини бажариши, уларни англаб олишидир.

10. Мамлакатнинг давлат ва жамият ҳаётидаги қонунчилик даражаси, ҳамманинг қонун ва суд олдига тенглиги ҳуқуқий маданиятнинг ажралмас қисмидир.

Ҳуқуқий маданиятни мунтазам бойитиб бориши учун изчил ҳуқуқий тарбия ишларини олиб бориши лозим. Бу йўналишида қуйидагилар ўта муҳим аҳамият касб этади: юксак малакали суд-адлия кадрларини тайёрлаб бориши; барча ўқув юртларида, мактабларда ҳуқуқ ҳақидаги билимларни ўргатиши-ўрганиши, мазкур фанлардан имтиҳонлар жорий этиши, радио, телевидение, вақтли матбуотда ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб ва ташвиқ қилиши; аҳолининг, мустақил равишда, ҳуқуқий билимларни ўрганиши мақсадида қонун ҳужжатларини мунтазам чоп этиб бориши; суд, прокуратура, милиция органларининг иш тажриба-сини оммалаштириб бориши; адлия ва ҳуқуқшунослик фанларини ривожлантириши, ошқораликни таъминлаши; бошқа давлатларнинг ҳуқуқий тажрибасини ўрганиши ва улардан фойдаланиши; бадиий адабиётда, санъатда ҳуқуқий билимларни тарқатиши; ҳуқуқий ҳулқни рағбатлантириши. Хуллас, ҳуқуқий маданият инсон маданиятининг муҳим қисми, унинг билан ўзаро боғлиқдир.

Ҳуқуқий маданият тарихан аста-секин шаклланган ижтимоий воқеа бўлиб, ҳозирги даврда илғор ҳуқуқий давлат-ларнинг ва уларнинг фуқароларининг зарурий хислати ва тараққиёт омилига айланди. Илғор мамлакатлар бу борада сезиларли ютуқларга эришдилар ва уларнинг ҳар бир фуқароси ҳар бир масалада қонунларга суяниб иш олиб боради, ўз ҳақ ва ҳуқуқлари давлат ёки айрим шахслар

томонидан бузилган тақдирда, уларнинг даражаси ва мавқеидан қатъи назар, суд орқали адолатли ечимга эришади.

(“Миллий гоё: тарғибот технологиялари ва атамалар дугати” китоби, 346-бет)

3-илова

Матн мазмунига оид топшириқлар

1. Шахс маънавиятини шакллантиришда ҳуқуқий маданиятнинг ўрни қандай?
2. Ҳуқуқий маданиятнинг ривожланганлик даражаси нималарда аке эгади?
3. Ҳуқуқий маданият даражасининг мамлакат тараққиётига таъсири хуеусида нима дея оласиз?
4. “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинишига қандай заруриятлар сабаб бўлди? Фикрингизни айтнинг, сўнгра юртбошимизнинг: “Юксак маънавият-енгилмас куч” асаридаги (86-бет) бу борада билдирган фикрларини ўқиб, билимингизни мустаҳкамланг.

4-илова

Грамматик топшириқлар

1. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг лотин ёзуви ва кирилл ёзувидаги шаклини ўзаро қиёсланг. Фарқли томонларини айттинг.
2. Матндан ҳарфий бирикмали ундовлар иштирок этган сўзларни топинг, ундовларларнинг ёзилишига диққат қилинг.
3. Матндан апостроф (') қўлланган ўринларни топинг ва вазифасини айтнинг. Сўзларни кўчириб ёзинг.

14-йўналиш

Ўқувчиларда иқтисодий саводхонликни шакллантириш
Мавзу: Қўшиб ва ажратиб ёзиш. Чизиқча билан ёзиш ва
кўчириш қоидалари.

“Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўп жиҳатдан одамларнинг иқтисодиётга оид билимлар билан курулланишига, иқтисодий идрок кучига боғлиқ бўлиб қолди”¹. Чиндан ҳам жаҳон ҳамжамиятида муайян давлатнинг тутган ўрни унинг иқтисодий салоҳияти ва қудратига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Иқтисодий тарбия кишининг фаолияти ва маданиятини белгилловчи жараён бўлиб, у шахснинг жамиятда ўз ўрнини

Каримов И.А. Бунёдкорлик – фаровон ҳаёт асоси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида сўзлаган нутқи // Ўзбекистон овози. 1995 йил. 26 декабрь.

топишида муҳим роль ўйнайди. Иқтисодий тарбия нафақат ўз мулки, балки жамият мулкига нисбатан ҳам тежамкорлик ва бунёдкорлик ва масъулият ҳиссини тарбиялашга йўналтирилиши лозим. Шу билан бирга иқтисодий тарбия ахлоқий тарбия негизда амалга оширилса, ўқувчиларда халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ўзига хос одоби, урф-одатлари, қадриятлари, инсоф, иймон, виждон, диёнат, адолат, ҳалоллик ва поклик каби фазилатларини сингдириш ҳам осонлашади. Чунки иқтисодий саводхонлик муайян касб ва шахсга хос хусусиятларнинг ўзига хос умумлашмасигина эмас, балки инсоннинг ички руҳий ҳолатидир. Ўқувчи иқтисодий саводхонликка эришиш жараёнида билим ва малакаларни чуқурлаштиришга, ўз шахсий фазилатларни такомиллаштиришга даъват этилибгина қолмай, балки инсон турмушининг бирламчи масалаларига эътиборини қаратади, ўзида ижтимоий-иқтисодий тажрибани жамлашга интилади. Шунинг учун ҳам бугунги глобаллашув шароитида ўқувчиларнинг иқтисодий саводхонлигини юксалтириб бориш замон нуқтаи назаридан ҳам долзарб вазифадир.

Мавзу: Кўшиб ва ажратиб ёзиш. Чизиқча билан ёзиш ва кўчириш қодалари.

Машгулотнинг технологик харитаси

Дарснинг мақсади	Таълимий: янги мавзу юзасидан билим ҳосил қилиш. Тарбиявий: ўқувчиларда иқтисодий саводхонликни тарбиялаш Ривожлантирувчи: ўқувчиларининг танқидий фикрлаш саводхонлигини ўстириш ва фикрнинг оғзаки баён янги кўникмаларини шакллантириш.	
Дарс тури	Янги билим бериш, мустақамлаш.	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Ўқитиш усуллари: оғзаки баён, "Мутозара", ёзма мавқалар. Ўқитиш шакллари: янги, яққа, кичик гуруҳлар билан ишлаш. Ўқитиш воситалари: проектор, слайдлар, флипчарт, маркерлар. Мониторинг ва баҳолаш: оғзаки ва ёзма наворат, биргалликда баҳолаш, раббатлантириш, 5 баъли тизимида баҳолаш.	
Ишлаш босқичлари, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Мавзу ҳамда машгулотнинг мақсадини аниқлаш. 1.2. Талабаларнинг билимларини жонлаштириш ва барқарор фаоллаштириш "Бенул, арзон, қиммат" мавзусида мутозара утказилади. Мутозара учун саволлар (1-н тоъа)	Тинглашади, кўришади Уқилашади, муҳокама қилишади, бир-бирининг фикрига муносабат билдиришади.

<p>2-босқич. Асосий (55 дақиқа)</p>	<p>2.1. Экранга "Иқтисод одоби" мазрифини матнини чиқаради ва ўқиб беради. (2-илова) 2.2. Матн мазмуни юзасидан фикрлашга тундиртувчи савол ва топшириқлар билан мувожаат этади(3-илова) 2.3 Дарснинг таълимий мақсадни амалга ошириш мақсадида матн асосида грамматик топшириқлар беради. (4-илова).</p>	<p>Куришади. тинглашади. Тинглашади, фикрлашади, муносабат билдиришади, жавоб беришади. Топшириқларни бажаришади. гуруҳларга ажратишади, ёзди ва ўқиб берадилар</p>
<p>3-босқич. Яқуний (10 дақиқа)</p>	<p>3.1. Мавзу бўйича яқунловчи хулоса қилади. фаолият натижаларини изчиликда изоҳлаб беради, баҳолайди. 3.2. Уқувчилар тушунмаган аниқ жижатларга саволларга жавоб бериш орқали аниқлик киритади. 3.3. Муस्ताқил ишлаш учун уй вазифаси беради: "Иқтисодий ыелохотлар - тараққият мезони" мавзусида реферат ёзиш</p>	<p>Тинглади, хулоса чиқаради Саволлар берадилар. Муस्ताқил ишлаш учун реферат мавзусини ёзиб оладилар.</p>

1-илова

"Бепул, арзон, қиммат" мавзусида мунозара учун саволлар

1. "Бепул, арзон, қиммат", сиз бу сўзларни қандай тушунаси?
2. Сиз учун бепул бўлган нарсаларнинг баҳоси борми? Узингиз тахсил олаётган академик лицей мисолида тушунтиринг.
3. Бепул нарсани асраш - авайлаш керакми? Нима учун?
4. "Меники" ва "Бизники" тушунчаларининг баҳога қандай алоқаси бор? қайси бири қимматроқ?
5. Сизнинг таълим муассасангиз қанча туради? Бу ерда сиз бепул фойдаланаётган нарсалар: ўқув хоналари, спорт жиҳозлари, кутубхона, компьютерларнинг баҳоси қанча?
6. Сиз таълим муассасангиздаги талабалар учун бепул бўлган жиҳозларга узингизнинг ва атрофингиздагиларнинг муносабатини қандай баҳолайсиз?

2-илова

ИҚТИСОД ОДОБИ

1. *Молу дунёси кўп бўлган киши бой эмас, балки исрофдан сақланиб иқтисод тежамини билган киши бойдир. Шунинг учун фойдасиз ерларга ва ярамас ишларга бир тийин ҳам сарф қилманг.*

2. *Бир нарсани бир йўла кўпроқ олиб қўйманг. Агар зарур бўлганлиги сабабли насияга олган бўлсангиз, пулини тезроқ топширинг. Қарздор бўлманг, одамни бевақт қаритадиган нарсаларнинг бириси ҳам қарздир.*

3. Оладиган нарсангизнинг баҳосини яхши билинг, сотиш-олиш вақтида айданиб қолманг. Керак бўлган нарсангизни, муқим бўлса, узингиз қараб олинг. Узингизга керак бўлмаган нарсаларни арзонлигига қизиқиб олиб қўйманг, бундай нарса ҳар қанча арзон бўлмасин, бари бир қимматдир.

4. Кирим-чиқимларингизни бир дафтарга ёзиб, бу дафтарни ҳар вақт кўздан кечириб туриш, чунки бундай дафтар иқтисод ва тадбир ўрнаткидир. Чунтақдан чиққан пулларни ҳисоблаб турган киши кераксиз ерларга пул сарф этишдан ўзини сақлайди.

5. Чиқимингиз киримингиздан ортиқ бўлмасин. Чиқимингиз ортиқча бўлса, қайғу келтиради.

6. Жўда зарур бўлмаганда, баровдан қарз олманг. Кишининг қимлигини синамадан туриб унга қарз берманг. Қарзни тўлаш вақти етганда оладиган пулингизни ўйнаб-кулиб эмас, балки пулга зарур бўлганингизни айтиб сўранг. Қарзингизни тўлайдиган кун етса ҳам тўлашга кучингиз етмаса, мулоимлик билан узр айтиш.

(“Донлар ўғити” китобидан)

2-илова

Матн мазмунига оид савол ва топшириқлар

1. Матнни давом эттириш.
2. Иқтисод олобида қарз ва қарздорлик тушунчасини ҳаётга боғлиқ равишда тушунтириш.
3. Моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги муҳими? Нима учун? Юртбошимизнинг “Юксак маънавий енгилмас куч” асарининг “Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги” бўлиминини ўқиш орқали билимингизни бошитинг.

3-илова

Грамматик топшириқлар

1. Қандай ҳолларда қўшма сўзлар қўшиб ёки ажратиб ёзилади. Матндан мисоллар топиб ёзинг.
2. Жуфт сўзлар орасида чизиқбанинг қўлланилишини изохланг. Матндан мисол топиб ёзинг.

15-йўналиш

Ўқувчиларда юксак ахлоқий сифатларни камол топтириш

Мавзу: Сўз ясалиши ҳақида умумий маълумот

Муаллим ҳар гал синфхонага кирар экан, унинг мақсади ўқувчини бугунги даре учун мўлжалланган билимлар силсиласи билан қуроллантиришигина эмас, балки инсоний фазилатларни ҳам камол топтириш эканлигини унутмаслига лозим. “Инсонни

камолга етказиш — аввало ахлоқни камолга етказиш, яъни ахлоқ гузаллигига эришиш демак”¹. Зеро, Форобий таъкидлаганидек, билим ва маърифат яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим. Билимни фақат онг билан эмас, қалб билан, шуур билан ўзлаштириш керак.

Румийда шундай байт бор:

Илмо бар тан занй, море бувад.

Илмо бар дил занй, ёре бувад.

Яъни: Илмни танингга сингдирсанг, илон бўлади. Илмни дилга, қалбга жо этсанг, ёр бўлади². Демак, ақл, юрак, руҳ ва илмни уйғунлаштириш керак. Инсоннинг илмий салоҳияти унинг маънавий салоҳияти билан ёндош бўлиши керак. Инсон минг доно бўлгани билан унда инсоний фазилатлар бўлмас экан, унинг тафаккури эзгулик учун хизмат қилмайди. Олим, энг аввало, халқпарвар, бутун умри давомида эл-юрт дарди билан яшайдиган ШАХС бўлиши керак. “Акс тарзда олимнинг онги ишлайди, виждони ишламайди. У кўп нарсани билиши мумкин. Бироқ оддий ва заҳматкаш халқ ҳаёти, турмуш зарбаларига мардона бардош беришга маҳкум инсон тақдири уни қизиқтирмайди”³. Бундай олим ИНСОН бўла олмайди. Чунки, унда юксак инсоний фазилатлар, ахлоқий сифатлар мавжуд эмас. Бу каби кимсалар гарчи илмли бўлсаларда, комиллик йўлидаги ШАХС ҳисобланмайди. Бундайлар Ибн Арабийда “ҳайвони нотиқа” (сўзлашувчи ҳайвон) деб аталади. “Бундайларнинг нисбати бир ўликнинг инсонликка нисбати кабидур”⁴. Навоийда эса комилликка интилмаган инсонларга нисбатан “аҳли сураг” истилоҳи қўлланган. Биз тарбиялаётган ёшларимизнинг мана шундай “ҳайвони нотиқа” ёхуд “аҳли сураг”ларга айланмаслиги учун уларда комиллик сифатларини, ҳар томонлама етукликни камол топтиришимиз зарур.

Қадим Шарқ тарихига назар ташласак, жавонмардлик, тасаввуф, ясавийлик, кубравийлик, маломатийлик, нақшбандийлик каби қудратли таълимотлар мавжуд бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Мазкур таълимотлар бир-бирини бойитиб, тўлдириб, узвий алоқадорликда такомиллашиб борган. Уларнинг илдизи бир, мақсади ҳам муштарак, яъни Инсон тақдири, ижтимоий-маданий ҳаёти, эркинлиги, маънавий-руҳий ва ақлий камолоти ҳисобланган. Ушбу тариқатлар инсоннинг

¹ Иброҳим Ҳаққул. Тақдир ва тафаккур. Т.: “Шарқ”, 2007, 296-бет.

² Қаранг: Иброҳим Ҳаққул. Тақдир ва тафаккур. Т.: “Шарқ”, 2007, 126-бет.

³ Иброҳим Ҳаққул. Тақдир ва тафаккур. Т.: “Шарқ”, 2007, 108-бет.

⁴ Қаранг: Иброҳим Ҳаққул. Тақдир ва тафаккур. Т.: “Шарқ”, 2007, 106-бет.

сийратини, қадри ва руҳини бойитиш, тарбияланган асносида камол топтиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарсларида Шарқ маънавиятининг бу каби ноёб дурдоналари билан ўқувчиларни яқиндан таништириб бориш уларда юксак ахлоқий сифатларни камол топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мавзу: Сўз ясалиши ҳақида умумий маълумот Машгулотнинг технологик харитаси

Дарснинг мақсади	Таклими: яъни мавзу юзасидан билим ҳосил қилини. Тарбиявий: ўқувчиларда юксак ахлоқий сифатларни камол топтириш Ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг таъқидий фикрларини сарфҳаётини устириш ва фикрини оғзаки ҳамда ёзма баён этиш кўникмаларини шакллантириш.	
Дарс тури	Яъни билим бериш, мустақкамлаш	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Ўқитиш усуллари: оғзаки баён, “Эзу сўз”, “Сўз устида сўз”. Ўқитиш шакллари: яши, якка, кичик гуруҳлар билан ишлаш. Ўқитиш воситалари: проектор, слайдлар, флипчарт, маркерлар, А4 форматли қоғоз. Мониторинг ва баҳолаш: оғзаки ва ёзма назорат, биргалликда баҳолаш, раёблантириш, 5 баён тизимида баҳолаш.	
Ишлатилган босқичлари, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқувчини	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Машгулотни “Эзу сўз” усули билан бошлайди. (1-иллова) 1.2. Мавзунини ва машгулотнинг мақсадини айтади. 1.3. Талабаларнинг билимларини жонлаштириш ва барчани фаоллаштириш учун муаммолни савол билан муҳожаат этади: Сиз яънингча ҳақда нима муҳимроқ; нима, яъни ақми ёки одоб, яъни инсонини фазилатларини? Мунозара якунланган, яънунини ҳулоса сифатида Ибн Синонинг мавзуда оид фикри ёритилган слайдни намойиш этади. (2-иллова)	Якка тартибда иштирок этадилар. Тинчланади. Муҳокама қилинади, муносабат билдиришади
2-босқич. Асосий (55 дақиқа)	2.1. Экранга “Жавонмардлик ҳақида” маърифий матнни чиқаради ва ўқиб беради. (3-иллова) 2.2. Матннинг ондан узлаштирилганини таъминлаш мақсадида “Сўз устида сўз” усулида иш олиб боради. (4-иллова) 2.3. Дарснинг талабнинг мақсадинини амалга ошириш мақсадида мазн асосида грамматик топшириқлар беради. (5-иллова)	Куришади, тинчланади. Тинчланади, муносабат билдиришади. Топшириқларни бажаришади.
3-босқич. Яқуний (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича якунловчи ҳулоса қилади, фаолият натижаларини тизимликда ифоҳлаб беради, баҳолайди. 3.2. Ўқувчилар гуруҳимизан аниқ жўшларга саволларга жавоб бериш орқали аниқлик келтиради 3.3. Муваққат ишлатилган учун уш ва янафас беради: “Навоийнинг ахлоқий қарашлари” мавзусида ижодий ишчи ёшли	Тинчлайди, ҳулоса чиқаради Саволлар берадилар. Ижодий ишчи мавзунини ёшиб олади.

"Эзу сўз" усулини ўтказиш тартиби

Ушбу усул, аввало, ўқувчиларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини яхшилаш, жамоада яхши кайфият муҳитини ҳосил қилиш учун қўлланади. қолаверса, ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширади, хотирасини мустаҳкамлайди.

- ◆ Ушбу усул одатдаги йўқдаманинг ўрнида амалга оширилади;
- ◆ биринчи ўқувчи ёнда утирган гуруҳдошининг исмини унга хос билан бирор фазилат ёки хусусиятини ифодаловчи сўз билан бирга қўшиб айтади;
- ◆ хусусиятни ифодаловчи сўз албатга ўзи мансуб бўлган ўқувчининг исмидаги бош ҳарфи билан бошланиши шарт, масалан, Собир-садоқатли;
- ◆ иккинчи ўқувчи ўзи ҳақидаги фикрни айтиб, сўнгра кейинги ўқувчининг сифатини айтади: Собир-садоқатли, Фариди-фаросатли;
- ◆ учинчи ўқувчи эса ўзидан олдинги фикрларни такрорлаб, сўнгра кейинги ўқувчига таъриф беради: Собир-садоқатли, Фариди-фаросатли, Озода-оқила;
- ◆ шу тариқа сўнги ўқувчига етиб боргунча синфдаги барча ўқувчиларнинг исми ва фазилати такрорланиб бораверди: Собир-садоқатли, Фариди-фаросатли, Озода-оқила, Хурсандбек-хушмуомала, Камолиддин-кучли каби...
- ◆ дарс ушбу усул билан бошланганда ўқувчиларнинг ўзига ва ўзгаларга бўлган ҳурмати ортади, самимий дўстона муносабат ҳосил қилинади.

2-илова

Ахлоқий равиқ инсон зотиға хосдир; чунки у ақлнинг улкан кучи, тафаккурнинг фаоллиғига қараб, асосланиб, ҳақиқат ва ёлгон-яшиқ ўртасидаги чегарани белгилаб олибгина қолмасдан, балки дўстдан душманнынг фарқини билиб олади. Агар нарсалар, жараёнларнинг моҳиятини билишда ақлий етуқлик, олимлик моҳияти муҳим бўлса, ахлоқий камолотга эришиш учун бундай фазилатларнинг ўзи етарли эмас. Илм ва ахлоқий фазилатлар муштараклиги инсонни донишманд ва олийжаноб шахсга айлантиради.

Абу Али ибн Сино

Жавонмардлик ҳақида

Эй фарзанд, агар сен жавонмард каби ҳаракат қилишини истасанг, аввал жавонмардликнинг нима эканини ва унинг қаердан келиб чиққанлигини билгил. Одамнинг сифатларидан уч нарса бордир. Бу уч нарсанинг бири ақл, бири тўғрилиқ, бири жавонмардлик (инсонпарварлик, саҳийлик, қўли очиқлик).

Халқнинг даъвосига ҳақиқат билан қарасанг, ҳеч одам ақл, жавонмардлик ва тўғрилиқ билан даъво қила олмайди. Чунки бу уч сифат бўлмаган ҳеч одам йўқдир, аммо суесткашлиқ, бефаросатлик ва ҳовлиқмалilik халқ учун асли йўлни ёпиб қўйган. Одам аҳли ҳамма илми ўргана олади. Одамнинг тани кўзга кўринадиган ва кўзга кўринмайдиган моддалардан тузилган. Одамнинг танасида табиий кучнинг бир қисми, кўк гўмбази, юлдузлар, моддалар, унсурлар, нафас ва ақл мавжудки, буларнинг ҳар бири алоҳида бир оламдир. Жамъдаги ҳар бир унсур бир-бири билан боғлиқдир. Булар кишининг танида мураккаб ва жамъ ҳолда бўлади. Сен кўриб турибсанки, бу улуг дунёда кўк гўмбази, юлдузлар ҳам, табиий кучлар ҳам, булутларнинг ҳаммаси хилма-хил моддалар (жавоҳир) бўлсалар ҳам, бир-бирига зиддир, тупроқ ва ел ҳам бир-бирига тааллуқлидир. Масалан, ўт ва сув ҳамма сифатлари билан бир-бирига зиддир, тупроқ ва ел ҳам бир-бирига зиддир. Ер эса сув, олов ва тупроқнинг воситачиси бўлади ва буларни бир-бирига боғлайди. Шу йўл билан ердаги қурғоқчилик олов билан, совуқлик сув билан боғланиш пайдо бўлади, аммо қувват моддаси билан мазкур боғланиш узилди. Куч фалакдан, фалак моддадан, модда жондан, жон ақлдан жудо бўлди. Одам жисмида қоронғилиқ ва оғирлик табиат кучлари орқали йиғилди. Сурат, чехра, ҳаё, куч, ҳаракат кўк гўмбаздан йиғилди. Бешта жисмоний сезги, яъни эшитиш, кўриш, хидлаш, тоғиш, ушлаб кўриш модда орқали йиғилди. Рухий ҳиссиёт, яъни ёд олмақ, тафаккур, хаёл, сўзламоқ, тадбир қилмоқ жондан йиғилди. Одамнинг баданидаги қадрли нарсаларнинг манбаи йўқдир ва уларнинг ўрнини кўрсатиб ҳам бўлмайди, масалан, жавонмардлик, донишмандлик, камолот, олижаноблик-буларнинг ҳаммаси ақлнинг асосидир ва олий ақл ташаббуси билан баданда пайдо бўлдилар. Демак, тан жон билан жон нафас билан, нафас ақл билан тирикдир. Жавонмардликнинг асоси уч нарсадир: бири айтган сўзингни ўзинг бажарсанг, иккинчиси тўғриликка хилоф қилмасанг, учинчиси хайрни кўзда тутсанг. Одамдаги қолган сифатлар бу уч нарсанинг остидадир. Эй фарзанд, агар сенга мушқул бўлса, мен бу уч сифатни

шу қавмнинг мартаба ва қобилиятига қараб тақсим қиламан.

Билгил, жавонмардлик ва айёрлик шундай одамга лойиқки, унинг бир қанча ҳунари бўлсин. Бу ҳунарлардан бири жасур, мард, сабр-матонат, ваъдага вафо қилувчи, соф дил, ростгўй бўлишидир. Яна бири ўз манфаатини кўзлаб, ўзгаларга азоб бермаслик керак, уларни қўллаб-қувватлаш, бечораларга мадад бериш, ёмонларнинг ёмонлигидан яхшиларни ҳимоя қилиш, тўғри сўз сўзлаш ва одил бўлиш, яхшига ёмонлик қилмаслик ва зарар етказмаслик, яъни одамларга зиён ва зарар етказмаслик. Буларга диққат қилсанг, буларнинг ҳаммаси айтилган уч сифат билан боғлиқдир.

(“Донолар ўғити” китобидан)

4-илова

“Сўз устида сўз” усулини ўтказиш тартиби

Ушбу усул ўқувчиларнинг берилган матнни қай даражада англаганини назорат қилиш имкониятини беради. Ўқувчиларнинг аналитик тафаккурини, умумий хулоса қабул қилиш салоҳиятини ўстиради.

- ◆ Шароитга қараб беш кишилик кичик гуруҳлар ҳосил қилинг;
- ◆ берилган матнни мантиқий тугал қисмларга ажратинг;
- ◆ ҳар бир қисмнинг мазмун-моҳиятини матндан олинган бир таянч сўз билан ифодаланг;
- ◆ белгиланган таянч сўзини унинг моҳиятини очиб берувчи уч сўз билан кенгайтиринг;
- ◆ ҳар бир қисмнинг мантиқий хулосасини содда гап кўринишида шакллантиринг;
- ◆ барча қисмларнинг хулосасини умумлаштириб, матн мазмуни юзасидан якуний хулоса қабул қилинг;
- ◆ қабул қилган хулосангизнинг тақдими ва изоҳига тайёрланинг;
- ◆ ушбу усулда ўқитувчи гуруҳларни баҳолашда уларнинг матн мазмунини ихчам ифодаланида таянч сўзларни қанчалик тўғри танлай олгани ва якуний хулоса йўналишини қай даражада...

5-илова

Грамматик топшириқлар

1. Мактабда олган билимларингиз асосида сўз ясалани ҳақидаги умумий маълумотларни ёдга олинг.
2. Матндаги ясама сўзларни туркумига кура қуйидагича гуруҳлаб ёзинг:
 - А) ясама отлар;
 - Б) ясама сифатлар;
 - С) ясама феъллар;
 - Д) ясама равишлар.
3. Матндаги ясама сўзларни ясашич усулга кура қуйидагича гуруҳлаб ёзинг:
 - А) морфологик усул билан ясалган сўзлар;
 - Б) композицион усул билан ясалган сўзлар.

16-йўналиш

Экологик маданиятни шакллантириш

Мавзу: Такрорлаш дарси

Инсоният XXI асрга жиддий ижтимоий экологик муаммолар билан қилам қўймоқда. Юзага келган экологик муаммоларни бартараф қилиш борасидаги энг муҳим вазифа-ёш авлодни келгусида қайси касб эгалари бўлишидан қатъий назар, ягона экотизимда руй бераётган ўзгаришлар моҳиятини англаш, уларга баҳо бера олиш лаёқатиغا эга шахс сифатида тарбиялаш ҳисобланади. Бугунги глобаллашув жараёнида инсоннинг табиатга бўлган муносабати муҳим аҳамиятга эга. Бу муносабатнинг кўриниши экологик маданиятга боғлиқ. Экологик маданиятнинг марказида оламни ташкил этган турт унсур – сув, олов, ҳаво ва тупроққа бўлган муносабат ётади.

Атроф-муҳит, она табиат умумбашарий қадриятлардан ҳисобланади. Яшаш муҳити, табиат ва маънавийт экологияси бир-биридан ажралмасдир. Зеро, саломатлик кўп жиҳатдан экологияга боғлиқ. Шу маънода бугунги кунда ёшлар ўртасида экологик билимларни тарғиб қилиш, уларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазаси учун масъуллиқни қарор топтириш, экологик фаолиятнинг кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш муҳим вазифалардандир. Шундай экан, табиатни асраб авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлигини ўқувчи-талабалар онгига сингдириш зарур. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар” деб ўқтирилгани бежиз эмас. Зеро, табиатни авайлаш, асраш, ер, сув, атмосферанинг тозалиги фақат бугунги кун кишилари ёхуд эртанги келажак авлод учунгина эмас, нечел-неча минг йиллик авлодлар учун ҳам аталган эканлигини англашимиз ва ўқувчиларга ҳам тушунтиришимиз лозим.

Мавзу: Такрорлаш дарси

Модул дарсининг лойиҳаси

Баркамол шахсни шакллантириш учун фаолият жараёнида ўқувчининг ўзи бевосита иштирок эгиши билим олишга онгли эҳтиёж ва қизиқишни уйғотади.

Фикримизнинг исботи натижаси ўлароқ, тафаккур ўстириш учун қўйидаги интерфаол усулда тузилган модулга асосланган дарснинг амалдаги кўринишини тавсия этамиз.

1-МОДУЛ

Уни қуйидагича лойиҳалаштирдик:

а) «Мувашшаҳ» ҳосил қилиш:

б) матнни тинглаш, маъқул бўлган қисмларни хотирада сақлаш ҳамда унинг сабабини аниқлаш;

в) матн ичидан атамаларни топиш ва уни шарҳлаш;

г) тестга тайёрлашнинг янгича талқини ёки «Зинама-зина» усули.

Дарснинг 1-(а) қисми

Бунинг учун ёзув тахтасининг икки томонига бир хил сўзлар ёки сўзлар бирикмаси ёзилади, яъни бу усул мувашшаҳ деб аталади. Аввало, мувашшаҳ нима эканлиги ҳақида ўқитувчи ўқувчиларда тушунча ҳосил қилади.

Мувашшаҳ-бадий адабиётда байт ёки мисра бошидаги ҳарфларни тўнлаганда киши исми чиқадиган шеър бўлиб, биз уни ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида қўллаш билан адабиёт ва она тили фанларини бир-бирига яқинлаштирдик. Ўқувчилар 2 гуруҳга бўлинадилар. Доскага экологик маданият сўзи вертикал ҳолда ёзиб қўйилади. Ҳар бир гуруҳдан биттадан ўқувчи навбатма-навбат чиқиб, ёзув тахтасидаги ҳар бир сўзнинг бош ҳарфига мос келувчи она тили фанига оид атамаларни ёзадилар, қайси гуруҳ тез ва тўғри тўлгирса, у рағбатлантирилади. Масалан:

1-гуруҳ	2-гуруҳ
Э-рғаштирувчи боғловчи	Э-га
К-есим	К-ўмакчи
О-лмош	О-моним
Л-ексема	Л-ексикография
О-т	О-лд қўшимча
Г-идронимлар	Г-ап
И-кки нуқта	И-зоҳловчи
К-ўчирма гап	К-иритма
М-ослашув	М-орфология
А-жратилган бўлак	А-нтоним
Д-арак гап	Д-она сон
А -тама	А- ссимилияция
Н-омшунослик	Н-нисбат
И-стак майли	И-лмий услуб
Й-иғиқ гап	Й-иғиқ гап
А-ниқловчи	А-дабий тил
Т-ўлдирувчи	Т-урдош от

Йигиқ гап

Модул дарсининг назарияга асосланган 2-(б) қисмида «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслиги нинг 36-37-бетларида берилган 51-машқни (ёки хоҳлаган матнни) ўқитувчи талаффуз меъёрларига риоя қилган ҳолда ёд айтиши ёки ифодали ўқиб бериши ёхуд компьютерга киритилган вариантини тавсия этиши мумкин. Масалан:

Томчи сувда ҳаёт жилваси

Биз ҳамма вақт ҳамма жойда: «Нонни увол қилманг. Нон азиз. ноннинг ушоғи ҳам, нон»,-деймиз. Туйларда, йиғинларда, ҳатто уйда, дастурхон атрофида нонуштага ўтирганимизда ҳам, керагидан ортиқча нон синдирилса: «Кўйинг. ушатманг. ноннинг ортиқчасини увол қилманг»,-деймиз.

Аmmo сувни бемалол исроф қилиш-оқизиш мумкинми? Сув ўтказгич жўмрақларидан сув тўхтамай оқиб ётса ҳам: «Ҳой, сувни бекордан-бекорга сарфлама. Увол қилма, тўхтатиб, қўй!»-деб айтмаймиз. Ваҳоланки, ана шу сув бўлмаса бугдой қайда, ун қайда, нон қайда?! Тежашни сувдан, сув қатрасидан бошламоқ керак. Уволни, савобни изламоқ керак. «Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур» ёки «Тома-тома кўл бўлур»,-деб она халқимиз бежиз айтмаган. Ноннинг увоғи ҳам нон бўлганидек, сувнинг томчиси ҳам сувдир. Гоҳида сув уволини ўйлаб ҳайрон қоламан. Агар бизни увол тутса, фақат сувнинг уволни тутати.

Кўпинча кўча-кўйни тўлдириб ибодат учун масжидга ўтиб кетаётган маҳалладошларимизни кўриб хаёлга чўмаман. Ҳа, улар савоб учун намоз ўқиши - ибодат. Закот бериши ибодат. Одамларнинг жонига оро кириб оғир юмушини енгил қилиш ҳам ибодат, савоб ҳисобланади. Лекин ибодатнинг каттаси, савобларнинг улуги ҳам бор. Сувни тежаш, поклигини, софлигини, тозаллигини, сифатини сақлаш, увол қилмаслик савобларнинг энг каттасидир, ибодатларнинг энг улугидир, амалларнинг энг чиройлисидир.

Фахриддин Турғоний ўз давридаёқ сувларни ифлос қилмаслик ҳақида ўта таъсирли, фойдали фикрлар билдириб, шундай шеърларни ёзиб қолдирган эди:

Бугун чашма сувин қилсанг агар хор,

Бошқа ичолмассан бу сувдан зинҳор.

Ҳурматли ўқувчилар! Она-Ватанга, ўзимизга, авлодларимизга

зарар келтираётганимизни, истеъмола қилинадиган озиқ-овқатларга оғу-заҳар солаётганимизни, қолаверса, ўзимизни ўзимиз заҳарлаётганимизни билишимизми? Сезяпмизми? Ўз ризқ-рўзимизни қисмайлик. ўз умримизга, бола-чақаларимиз умрига ўзимиз зоҳир бўлмайлик.

Охир-оқибатда биз оқар сувларга ташлаб юборган оқовалар, ахлат ва кимёвий чиқиндилар Орол денгизига етиб боргунча ачиб-сасиб, қуриб, заҳар-заққумга айланиб, ҳавога қўтарилиб, шамоллар билан қайтиб яна бошимизга ёғиляпти. «Қайтар дунё», деб шуни айтсалар керак.

Фалсафий мушоҳада қилишга асосланган бу матнни тинглаганларидан сўнг ўқитувчи: Сизларга матннинг қаерлари ёқди ва нима учун?—деб сўрайди, сўнг шу асосда мунозара ташкил қилинади.

Улар матндаги ўзлари таъсирланган жойларини бирма-бир айтиб берадилар ҳамда нима учун шу жумлалар таъсирли эканлигини изоҳлайдилар.

1-ўқувчи: Менга сув бўлмаса бугдой қайда, ун қайда, нон қайда?—деган жумла(лар) ёқди. Чунки, ҳақиқатан ҳам, ризқимиз бўлмиш ноннинг дастурхонимизга келиши ана шу сувга боғлиқ эканлигини кўпчилик хаёлига келтирмайди. (Рости, мен ҳам бу ҳақда ўйламаган эканман).

2-ўқувчи. Сувни тежаш, поклигини, софлигини, тозаллигини, сифатини сақлаш, увол қилмаслик савобларнинг энг каттасидир, ибодатларнинг энг улугидир, амалларнинг энг чиройлисидир,—деган жумла мени дол қолдирди. Чунки сув — Оллоҳ томонидан берилган улуг неъмат, шу неъматни покиза сақламоқ ҳам бизнинг миллий урф-одатларимиздан биридир...

Шундай қилиб, дарсада бир неча ўқувчилар ўз фикрларини, матндаги ёққан жойларни айтиб, изоҳлаб берадилар.

Ҳар бир ўқувчи фикр билдириши учун имконият яратилади. Матн ичидаги сўзларни эслаб қолиш қобилияти синаб кўрилади, фикрлар чархланади.

Фикрлаш билан биргаликда сўзлаш қобилияти ҳам ривожлантирилади, чунки объектив борлиқни идрок этиш, ҳис қилиш самарадорлиги воқеаларни топиш, таҳлил қилиш, ўрганиб олишга боғлиқдир.

Шундан сўнг модула дарсининг 3-(в) қисми бошланади:

Ўқувчилар матн ичидан «мувашшаҳ»даги она тили фанига оид атамаларни топадилар. Ҳар бир гуруҳ ўз «мувашшаҳ»ини

тўлдиради. яъни:

1. Атама: матнда мавжуд эмас.
2. Лексема: биз, ҳамма, сув, кўл, закот, бугун, чашма, огу-заҳар, дунё...
3. Иборалар: одамларнинг жонига оро кириш, қайтар дунё.
4. Шаҳси умумлашган гап:
Бугун чашма сувин қилсанг агар хор,
Бошқа ичолмассан бу сувдан зинҳор.
5. Етакчи ва кўмакчи феъллар: ёзиб қолдирган, тўхтатиб қўй, ўйлаб ҳайрон қоламан...
6. Равиш: бекордан-бекорга, қатра-қатра, тома-тома, бугун, ҳамма вақт, ҳамма жойда, зинҳор.
7. Номшунослик: Фаҳриддин Турғоний, Орол денгизи...
8. Антонимлар: мавжуд эмас.
9. Вергул: нон азиз, ушоғи ҳам азиз. Ваҳоланки, савобларнинг энг каттасидир, ибодатларнинг энг улугидир...
10. Олмош: биз, ана шу, ўз, шундай, ўзимизга, шуни...
11. Изоҳловчи: мавжуд эмас.
12. Йиғиқ гап: нон азиз.

Шундай қилиб, дарсни юқорида кўрсатилганидек лойиҳалаштириш ўқувчиларни фаоллаштиради, сергакликка чорлайди, қоидаларни англаш ва фикрлашга, яъни назарияни амалиётда қўллаш натижаларининг ижобийлигига олиб келади.

Маълумки, модул-бу ўқув материалининг мантиқий яқунланган бир бўлаги ҳисобланади. Ана шуни ҳисобга олиб, «Ҳозирги ўзбек адабий тили» фанининг ҳар бир бўлимини тугатгандан сўнг юқоридаги каби модулли дарсларни ташкил қилиш, лойиҳалаш мумкин. Унинг афзаллиги шундаки, ўқувчилар муаммони ўз қизиқишлари асосида ҳал қиладилар, қизиқиш натижасида, албатта, тафаккурда ривожланиш содир бўлади. Улар тинглайдилар, тинглаётган вақтда назарий билимни хотирага олади, унинг оқибатида баҳс-тортишувлар учун имконият яратилади, мустақил жавоб, мустақил фикр ифодаланadi. Ўқувчилар ўз қобилиятларини, иқтидорларини курсата оладилар, қизиқишлар муҳим заруриятга айланади.

Кириш	3
1-йўналиш. Маънавий тунувчасининг маънў-муҳиятини синадирини. Мавзу: Ҳозирги ўзбек адабий тили” фаннинг мақсад ва вазифалари. Уни капларни такрорлаш	9
Мавзу: “Ҳозирги ўзбек адабий тили” фаннинг мақсад ва вазифалари. Уни капларни такрорлаш	9
2-йўналиш. Давлат тилига ҳурмат ва маъбуният тушуларини мустаҳкамлаш. Мавзу: Дунё тиллари тизимида ўзбек тилининг тўтган ўрни	14
Мавзу: Дунё тиллари тизимида ўзбек тилининг тўтган ўрни	15
Мавзу: Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва бунинг олашумул аҳамияти	20
3-йўналиш. Миллий дунёқарашни шакллантириши. 1-мавзу: Ўзбек адабий тилининг таракқиёт босқичлари. 2-мавзу: Ўзбек тилининг товуи тизими. Нутқий фаолият	24
Мавзу: Ўзбек адабий тилининг таракқиёт босқичлари	26
Мавзу: Ўзбек тилининг товуи тизими. Нутқий фаолият	29
4-йўналиш. Англиз руҳинини синадирини. Мавзу: Нутқ товуиларининг уч томони. Товуиларининг фарқ юви ва бирлаштируви белгилари	32
Мавзу: Нутқ товуиларининг уч томони. Товуиларининг фарқ юви ва бирлаштируви белгилари	33
5-йўналиш. Миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш. Мавзу: Товуи ва фонема. Угли ва ундои товуилар таснифи	37
6-йўналиш. Мустақкам шикқод ва маъбуният ҳиссини синадирини. Мавзу: Ўзбек ёзуви тарихи. Латин ёзувиге асосланган янги ўзбек алифбоси. Янги алифбода угли ва ундоиларнинг ифодаланши	40
Мавзу: Ўзбек ёзуви тарихи. Латин ёзувиге асосланган янги ўзбек алифбоси Янги алифбода угли ва ундоиларнинг ифодаланши	42
7-йўналиш. Диний багракенлик гомсини синадирини. Мавзу: Фонетик ҳодисалар. Қўш ундоилар ва қатор ундоилар таифаси ва илмоси	45
Мавзу: Фонетик ҳодисалар. Қўш ундоилар ва қатор ундоилар талаффузи ва илмоси	47
8-йўналиш. Ўқувчиларда матиққий мушоҳада ва тафаккур солюҳиятини устириши. 1-мавзу: Орфография. Бугин ва унинг турлари. 2-мавзу:Оҳанг ва унинг нутқдаги аҳамияти. Ургу ва унинг нутқдаги аҳамияти	49
Мавзу: Орфография. Бугин ва унинг турлари. Машгулотнинг технологик херитаси	50
9-йўналиш. Тарихий хотираи шакллантириши. Мавзу: Сўзларнинг морфем таркиби. Етакчи ва қумакчи морфемалар	52
Мавзу: Сўзларнинг морфем таркиби (Етакчи ва қумакчи морфемалар)	54
10-йўналиш. Мафкуравий излмуниетини шакллантириши	57
Мавзу: Қўшимчаларда маънодилик, шаклдилик ва тиддилик ҳоли аси	58
11-йўналиш. Ўқувчиларда нафасат туиғусини камол топтириши Мавзу: Қавс, кўп нуқта ва тире. Уларнинг қулланиши	61
Мавзу: Қавс, кўп нуқта ва тире. Уларнинг қулланиши	62
12-йўналиш. Солюм турмуш тарзи маданиятини шакллантириши. Мавзу: Қўштирок, икки нуқта ва нуқтали верел. Уларнинг қулланиши урилари	65
Мавзу: Қўштирок, икки нуқта ва нуқтали верел. Уларнинг қулланиши урилари	65
13-йўналиш. Ҳуққий оие ва ҳуққий маданиятни ривожлантириши. Мавзу:Ўзбек тилининг янги илмо қондалари	69
Мавзу: Ўзбек тилининг янги илмо қондалари	70
14-йўналиш. Ўқувчиларда иқтисодий саводхонликини шакллантириши. Мавзу: Қўшиб ва ажратиб ёши. Чиқиқма билан ёши ва кўчириши қондалари	73
Мавзу: Қўшиб ва ажратиб ёши. Чиқиқма билан ёши ва кўчириши қондалари	74
15-йўналиш. Ўқувчиларда юксак ахлюқий сифатларни камол топтириши. Мавзу: Сўз ясашии ҳақида уқумий маълумот	76
Мавзу: Сўз ясашии ҳақида уқумий маълумот	78
16-йўналиш. Экологик маданиятни шакллантириши	82
Мавзу: Такрорати дорси	82

Боқижон Тўхлиев,
Шоҳида Юсупова, Зулфия Райимбердиева

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ШАХС ТАРБИЯСИ

Муҳаррир: *Бехбўд Ботиров*
Дизайнер: *Баҳодир Тўхлиев*
Техник муҳаррир: *Нодир Раҳмонов*

Босишга рухсат этилди: 9.11.2010.
Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Ҳажми 5,5 б.т.
Алади 100 нусха
Буюртма № 19

«ВАУОZ» МЧЖ матбаа қорхонасида чоп этилди.
100100. Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.